

# ХАЛҚ ИЖОДИЁТИДА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Халқ ижодиёти” (турлари бўйича) йўналиши
- ❖ Профессор Тошматов Уразали Гафурович

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган  
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:** ЎзДСМИ “Чолғу ижрочилиги” кафедраси  
профессори Тошматов Ўрозали Ғафурович

**Такризчилар:** Париж миллий олий мусиқа ва рақс  
консерваторияси профессори  
Dylan Corlay

Ю.Ражабий номидаги Миллий мусиқа институти  
“Достончилик” кафедраси мудир, профессор в.б.  
Ахмедова Ойгул Ахматалиевна

Ўқув -услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий методик  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

## МУНДАРИЖА

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II.</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>18</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>101</b>
<b>V.</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>119</b>
<b>VI.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>122</b>
<b>VII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>125</b>
<b>VIII.</b>	<b>ТАҚРИЗЛАР.....</b>	<b>129</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Халқ ижодиётида барқарор тараққиёт ва номоддий маданий мерос” модулининг мақсади:**

Барқарор тараққиёт дастури ва номоддий маданий мероснинг жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрнини аниқлаш, ушбу мероснинг ер юзида барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрнини тушунтириш орқали уни сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш жараёнига, унинг таълим тизимида ўрганилаётганлиги мисолида янги замонавий шакл ва услубларни амалиётга самарали татбиқ этиш масалаларига педагог кадрларни жалб этиш.

**“Халқ ижодиётида барқарор тараққиёт ва номоддий маданий мерос” модулининг вазифалари:**

- номоддий маданий мероснинг дунёда барқарор тараққиётни таъминлашдаги ўрнини кўрсатиш;
- XX асрнинг сўнгги чораги ва XXI аср бошларида номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишларни таҳлил этиш;
- Ўзбекистон худудида мавжуд бўлган номоддий маданий мероснинг соҳалари, турлари, жанрлари билан танишиш;

- номоддий маданий мерос муҳофазаси билан боғлиқ халқаро ва миллий қонунчилик, ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни ўрганиш;

- номоддий маданий мероснинг таълим муассасаларида ўрганилиши ва олий таълим тизимида уларни қўллаш учун педагог кадрларни тайёрлашни таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Халқ ижодиётида барқарор таракқиёт ва номоддий маданий мерос”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- номоддий маданий мероснинг мазмун, моҳиятини;
- номоддий маданий мерос муҳофазаси борасида ЮНЕСКО томонидан ва Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни;
- номоддий маданий мероснинг соҳалари, турларини;
- халқ ижодиёти билан боғлиқ номоддий маданий мерос жанрларини;
- номоддий маданий мероснинг таълим муассасаларида ўрганилишига қаратилган мақсад ва вазифаларни **билиши** лозим.
- сахна санъати (Art performing) билан боғлиқ номоддий маданий меросни таснифлаш;
- номоддий маданий мерос муҳофазаси борасида тегишли мамлакатларда амалга ошириладиган ишларни таҳлил этиш;
- халқ ижодиётининг тегишли соҳалари ўзлаштирилишида номоддий маданий мерос намуналаридан фойдаланишни йўлга қўйиш;
- номоддий маданий мерос муҳофазаси борасида мамлакатимизда амалга ошириладиган ишлардан талабаларни хабардор қилиш;
- номоддий маданий мероснинг замонга мослашуви орқали сақлаб қолиниши мумкинлигини тушунган ҳолда уни таълим тизимида татбиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- халқ ижодиётини ўзлаштиришда анъанавий услуб ва тажрибаларни қўллаш ҳамда педагогик фаолиятга татбиқ этиш;
- халқ ижодиётининг тегишли йўналишлари ва жанрларини ўзлаштиришда зарур бўлган услубий ва ўқув қўлланмаларини яратишда номоддий маданий меросдан самарали фойдаланиш;
- номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш борасидаги илғор тажрибаларни ўрганган ҳолда ўз педагогик фаолиятига татбиқ эта билиш;
- замонавий техник воситаларни номоддий маданий меросни ўрганишда қўллаш;
- хорижий давлатларда номоддий маданий мероснинг таълим тизимида ўзлаштирилиши бўйича амалга оширилган тажрибаларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- номоддий маданий мерос эгаларидан таълим жараёнида фойдаланиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.
- номоддий маданий мероснинг моҳиятини тушунган ҳолда уни таснифлай олиш;
- номоддий маданий мероснинг тегишли жанрларини ва уни ўзлаштиришдаги анъанавий услубларни таълим тизимига татбиқ этиш;
- фольклор мусикий асарларини ўзлаштириш услубларини талабаларга сингдириш;
- номоддий маданий мероснинг таълим тизимида ўрганилиши борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

**“Халқ ижодиётида барқарор тараққиёт ва номоддий маданий мерос”** модули ҳозирги кунда таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Халқ ижодиётида барқарор тараққиёт ва номоддий маданий мерос” модули мазмуни ўқув режадаги “Халқ ижодиётининг замонавий тенденциялари”, “Фольклор ижрочилик санъати тарихи”, “Фольклор материалларини тўплаш ва нашр этиш методикаси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Жами	назарий	амалий	кўчма
1.	Барқарор тараққиёт номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг омили сифатида.	2	2		
2.	Ўзбекистонда номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. Номоддий маданий мероснинг соҳалари.	4	4		
3.	“Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш.	2	2		
4.	Ижрочилик санъати. Ўзликни намоён этишнинг оғзаки шакл ва анъаналари.	2	2		
5.	Урф-одат ва маросимлар: анъанавийлик ва тарансформацион жараёнлар. Анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар.	2		2	
6.	Табиат ва коинот билан боғлиқ билимлар. Халқ томоша санъати – ижрочилик санъатининг таркибий қисми сифатида.	2		2	
7.	Буюк Ипак Йўлининг фольклор санъатининг ривожда тутган ўрни. Фольклор санъатини тарғиб этиш масалаларида давлат сиёсати.	2		4	
8.	Ўзбек халқ достонлари. Болалар фольклори. Ўзбек халқ насри поэтикаси. Замонавий латифалар ва улардан санъат асарларида, концерт тадбирларида фойдаланилиши.	4			4
<b>Жами:</b>		<b>22</b>	<b>10</b>	<b>8</b>	<b>4</b>

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**



### **1-мавзу: Барқарор тараққиёт номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг омили сифатида. (2 соат)**

Номоддий маданий мероснинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги роли. Анъанавий даволаш амалиётлари. Сув ресурсларини бошқаришга оид анъанавий урф-одат ва амалиётлар. Атроф-муҳитнинг барқарорлигини таъминлашга оид номоддий маданий мерос. Барчани қамраб олувчи иқтисодий ривожланишни таъминлаш. Тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда номоддий маданий меросдан фойдаланиш.

### **2-мавзу: Ўзбекистонда номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. Номоддий маданий мероснинг соҳалари. (4 соат)**

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг зарурати. Конвенцияни ратификация қилиш. Миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар. 2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури. Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Рўйхатларни юритиш тартиби ва тарихий-маданий экспертиза тўғрисидаги низомлар). Номоддий маданий мероснинг соҳалари. Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари. Ижрочилик санъати ва унинг турлари. Урф-одат, маросим ва байрамлар. Табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф-одатлар. Анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар.

### **3-мавзу: “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш. (2 соат)**

ЮНЕСКО ва унинг Конвенциялари. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг зарурати ва бу борада амалга оширилган ишлар. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенциясининг мақсад ва вазифалари. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенциясининг миллий даражада имплементациясини ташкил этувчи асосий ҳужжат. Номоддий маданий мерос муҳофазаси билан боғлиқ халқаро лойиҳалар.

### **4- мавзу: Ижрочилик санъати. Ўзликни намоён этишнинг оғзаки шакл ва анъаналари. (2 соат)**

Ижрочилик санъати – номоддий маданий мерос намоён бўладиган соҳалардан бири сифатида. Халқ томоша санъати (Дорбозлик, Кўпқари, Кўғирчоқбозлик, Кураш). Мусиқа санъати. Чолғу ижрочилиги. Касбий мусиқа (Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарғона - Тошкент мақомлари). Мақом чолғу йўллари. Халқ мусиқа ижодиёти жанрлари (Достончилик, Лапар, Ялла, Ўлан).

Локал жанрлар (Катта ашула, Мавриги, Сувора, Феруз, Халфа). Рақс санъати (Фарғона - Тошкент рақслари, Хоразм рақси лазги, Бухоро рақси, Сурхон рақси).

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Мазкур модуль таркибидаги амалий машғулотлар куйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, кўшимча воситалар, шунингдек оркестр ёки хор жамоалари билан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

### **1-амалий машғулот: Урф-одат ва маросимлар: анъанавийлик ва тарансформацион жараёнлар. Анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар. (2 соат)**

Халқ оғзаки ижодининг жанрлари. Халқ мусиқа ижоди ва унинг жанрлари. Ижро санъатида фольклорнинг ўрни. Саҳнавий ижро санъатининг жанрлари. Мусиқа. Мақомлар. Халқ фольклори.

### **2- амалий машғулот: Табиат ва коинот билан боғлиқ билимлар. Халқ томоша санъати – ижрочилик санъатининг таркибий қисми сифатида. (2 соат)**

Буюк Ипак Йўлининг ўзбек фольклори шаклланишидаги ўрни. Буюк Ипак Йўлининг Ўрта Осиё санъати ва маданиятини бойитишда роли ва аҳамияти. Маданиятлар ўзаро алоқаси. Осиё халқлари мусиқа санъатидаги ўзига хосликлар ва умумийликлар. Ижрочилик санъати ва халқ оғзаки ижодиётидаги трансформациялар.

### **3- амалий машғулот: Буюк Ипак Йўлининг фольклор санъатининг ривожда тутган ўрни. Фольклор санъатини тарғиб этиш масалаларида давлат сиёсати. (4 соат)**

Халқ мусиқа ижодиётини хонандалик санъати воситасида тарғиб этиш масалалари. Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар орасида номоддий маданий мероснинг соҳалари бўлинади ва ҳар битта тингловчи номоддий маданий мероснинг тегишли соҳаси бўйича ўз маълумотларини тақдимот (презентация) кўринишида тақдим этади. Тингловчилар томонидан соҳага оид бўлиб, қамраб олинмаган тур ва жанрлар муҳокама этилади ва тўлдирилади. Номоддий маданий мероснинг рўйхатларига киритилган номзодлар ўрганилади, яна қайси

номзодларни рўйхатга киритиш ёки қичариб ташлаш, бошқа рўйхатга ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маъруза амалий машғулотлардан сўнг режалаштирилган кўчма машғулотлар тингловчиларнинг маъруза ва амалий машғулотларда олган билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида жойларда (устахона, музей, бадий жамоаларнинг репетиция хоналари ва бошқа) ўтказилади. Бунда, тингловчилар номоддий маданий меросни ўзида сақловчи, уни ўз амалий фаолиятида татбиқ этувчилар билан мулоқот қилиш, уларнинг амалий фаолиятини кузатиш, улар томонидан яратилаётган санъат асарлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

### **1- Кўчма машғулот: Ўзбек халқ дostonлари. Болалар фольклори. Ўзбек халқ насри поэтикаси. Замонавий латифалар ва улардан санъат асарларида, концерт тадбирларида фойдаланилиши.**

Тингловчилар гуруҳи билан, режага биноан, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон тарихи Давлат музейига ташриф буюрилади. Музейдаги ижодий муҳит билан танишилади. Музейдаги ҳар бир эксанонантни тингловчилар “қоғоз ва қалам” билан томоша қилинади. Кўриқдан сўнг, ижрочилар ҳамда режиссёр билан ижодий жамоанинг бадий имкониятлари муҳокама қилинади.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН  
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ  
МЕТОДЛАРИ**

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### 1. Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### 2. Намуна.

**Фикр:** “Бастакорлик санъатида “Авангардизм” оқими ва унинг замонавий муסיқага таъсири”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## “Инсерт” методи

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- педагог машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“√” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### Венн диаграммаси методи Методнинг мақсади:

Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### Намуна: Опера



### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намоиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Kanon	Юнон. canon – меъёр, қоида	
Intonatsiya	Лот. intono – қаттиқ талаффуз этаман	
Basso ostinato	Итал. basso ostinato – таянч бас.	
Geterofoniya	Юнон. heteros – бошқа, phone товуш, овоз; бир овозли куйни биргаликда ижро қилганда, импровизация туфайли вақти-вақти билан юзага келадиган оҳангдошларнинг пайдо бўлиши	
Auftakt	Нем. auf-устиди, лот. Tactus – тегиш; қўл билан ишора қилмоқ, бирламчи огоҳлантирувчи қўл кўтариш ҳаракати	
Vokaliz	Французча vocalize, лот. Vocalis – унли товуш.	

*Изоҳ:* Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.



## **“Брифинг” методи**

“Брифинг” - (ингл. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс-конференция.

### **Ўтказиш босқичлари:**

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Барқарор тараққиёт номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг омили сифатида. (2 соат)

##### Режа:

- 1.1. Номоддий маданий мероснинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги роли
- 1.2. Анъанавий даволаш амалиётлари
- 1.3. Сув ресурсларини бошқаришга оид анъанавий урф-одат ва амалиётлар
- 1.4. Атроф-муҳитнинг барқарорлиги
- 1.5. Барчани қамраб олувчи иқтисодий ривожланиш
- 1.6. Тинчлик ва хавфсизлик

**Таянч иборалар:** *БМТ, ЮНЕСКО, конвенция, маданий мерос, номоддий маданий мерос, озиқ-овқат хавфсизлиги, анъанавий даволаш амалиётлари, урф-одат ва амалиётлар, атроф-муҳит, иқтисодий ривожланиш, билим ва кўникмалар, ҳамжамият, меросни ўзида сақловчилар, нодавлат-ноҳукумат ташкилотлари.*

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенцияси “номоддий маданий меросни маданий турли-туманлик негизи ва барқарор тараққиёт кафолати” сифатида тан олади. 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланишнинг кун тартиби амалга оширилиши керак бўлган чоратadbирларнинг режаси бўлиб, у 17 та барқарор тараққиёт мақсадлари асосида иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишлардаги масалаларга ечим топишга қаратилган. Бу мақсадлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ривожланиш йўллари ҳақида маълумот беради ва унга фундаментал тамойилга, яъни инсон ҳуқуқлари, тенглик ва барқарорликка асосланади. Номоддий маданий мерос нафақат ушбу уч йўналиш доирасида барқарор ривожланишга самарали кўмак бериши, балки барқарор ривожланишнинг заминида ётувчи тинчлик ва хавфсизликни таъминланишига ҳам ёрдам бериши мумкин.

Номоддий маданий мероснинг барқарор ривожланишга қўшган ҳиссаси тан олинishi ва тўлиқ рўёбга чиқиши учун унинг барқарор ривожланишда тутган ўрнини қандай қилиб тушуниш лозим?

Барқарор ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик йўналишлари ҳамда тинчлик ва хавфсизлик масалалари бўйича чоратadbирлари алоҳида эмас, балки бир бири билан чамбарчас боғлиқдир. Барча

Йўналишлар ўртасида ўзаро ижобий алоқа борлигини ҳисобга олган ҳолда, бу каби умумий мақсадларга эришиш сиёсатга нисбатан яхлит ёндашувни талаб қилади. Шу ўринда номоддий маданий мерос юқорида айтиб ўтилган уч йўналиш доирасида барқарор ривожланишга самарали кўмак бериши мумкин. Шундай экан, биз барчага хоҳлаётган келажакка эришишда номоддий маданий меросни ҳимоя қилиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Барқарор озиқ-овқат хавфсизлиги, сифатли тиббий хизмат, хавфсиз ичимлик суви ҳамда санитария таъминоти, барча учун сифатли таълим, барчани қамраб олувчи ижтимоий муҳофаза тизими ва гендер тенглиги мавжуд бўлмаса барчани қамраб олувчи ижтимоий ривожланишга эришиб бўлмайди. Ушбу мақсадлар негизида кенг иштирокка асосланган бошқарув ҳамда ўзининг кадрият тизимини танлаш эркинлиги бўлиши лозим. Жамиятлар турли вақтда ва турли муҳитда юзага келадиган эҳтиёжларини қондириш ҳамда ижтимоий масалаларга жавоб топиш учун ўзларининг номоддий маданий меросини, хусусан табиатга оид билимларини, урф-одатларни ва ижтимоий анъаналарини яратган ва мослаштириб борган. Анъанавий даволаш амалиётлари, таомни тайёрлаш ва тановул қилиш билан боғлиқ урф-одатлар, сув ресурсларини бошқариш билан боғлиқ анъаналар, жамоат тадбирлари ва байрамлар, билимларни келажак авлодларга етказиб бериш тизимлари - буларнинг ҳаммаси барчани қамраб олувчи ижтимоий ривожланишга эришишда муҳим роль ўйнайди.

### **1.1. Номоддий маданий мерос озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда жуда ҳам муҳим ҳисобланади.**

Таомни тайёрлаш ва тановул қилиш билан боғлиқ урф-одатлар, кишлоқ хўжалигини юритиш, чорвачилик, балиқчилик, овчилик, озиқ-овқатни тўплаш ва сақлашнинг маҳаллий тизимлари озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда катта кўмак бериши мумкин. Ҳамжамиятлар ўзларининг кишлоқ ҳаёти ва атроф муҳитига нисбатан муфассал ёндашувчи анъанавий билимларнинг катта ҳажмини тўплаган. Уларнинг усуллари ўзларининг ерлари ва табиий муҳитлари ҳақидаги батафсил маълумотларга таянади, турли хил кишлоқ хўжалиги экинларини, ўсимлик ва ҳайвонларини қўллашга асосланади ҳамда нам, арктик, субтропик ва ёғингарчилиги кам бўладиган минтақаларга мослаштирилган. Ҳамжамиятлар бу минтақаларга ҳамда атроф-муҳитдаги ўзгаришларга мос келадиган таомни тайёрлаш ва тановул қилиш билан боғлиқ турли хил урф-одатларни, озиқ-овқатни тайёрлаш ва сақлаш тизимларини яратишган. Ҳозирги кунда дунё бўйлаб кўпчилик оилалар ернинг ҳосилдорлигини оширишга кўмак берадиган, озиқ-овқатни танлашда турфахилликни таклиф қиладиган, тўлақонли озиқланишни таъминлайдиган ҳамда соғлом турмуш тарзини олиб боришга ёрдам берадиган кишлоқ хўжалиги тизимларига боғлиқ. Бу каби тизимларни тўхтовсиз мустаҳкамлаб бориш ҳамда уларнинг сақланиб қолинишини таъминлаш дунёдаги кўпчилик ҳамжамиятлар учун озиқ-овқат хавфсизлигига эришишда, сифатли овқатланишни ташкил қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

### **1.2. Анъанавий даволаш амалиётлари фаровонликка эришишда ҳамда барча учун сифатли тиббий хизматларни таъминлашда кўмак бериши мумкин.**

Дунёнинг кўпчилик ҳамжамиятлари даволашга оид турфахил билим ва амалиётларни яратганлар. Булар самарали ва арзон даволаш усуллари таклиф қилади ва кўпинча маҳаллий табиий ресурсларни қўллашга асосланади. Мисол учун, табиблар қадим замондан биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган жуда ҳам муҳим инсонлар бўлишган. Уларнинг доривор ўсимликларни қўллаш билан боғлиқ анъанавий билим ва усуллари беморларни даволаш жараёнида олиб борилган кузатувларига асосланади. Яна бир мисол сифатида Танзаниянинг Танга туманидаги табибларни, хусусан доялар ва руҳшуносларни кўрсатиш мумкин. Улар ҳам жисмоний ва психологик хасталикларни даволашда ўзларининг махсус билимларни қўллашади. Умуман олганда, бошқа тиббий хизматлардан фойдалана олиш имконияти бўлмаган жойларда (шу жумладан,

чекка кишлоқларда) бу каби даволаш амалиётлари арзон ҳамда барча учун қулай бўлиши мумкин.

Шунинг учун бу каби даволаш амалиётларини тан олиш, уларга ҳурмат билан қараш, янада ривожлантириш ҳамда келажак авлодларга етказиб бериш жуда муҳим ҳисобланади. Бундай чоралар айниқса анъанавий даволаш амалиёти ҳамжамият учун энг қулай тиббий хизмат тури сифатида қаралган жойларда амалга оширилиши лозим. Бошқа тиббий хизмат турлари мавжуд бўлган жойларда эса, ижтимоий-маданий ҳаётда чуқур илдиз отган бундай анъанавий билимлар ва амалиётлар инсонларнинг тиббий хизмат турини танлаш имкониятларини анча кенгайтириши мумкин.

### **1.3. Сув ресурсларини бошқаришга оид анъанавий урф-одат ва амалиётлар.**

Тоза ичимлик сувини адолатли таъминотига ҳамда сув ресурсларидан барқарор фойдаланишга кўмак бериши мумкин, шу жумладан кишлоқ хўжалиги соҳасида ва турмушнинг бошқа жабҳаларида. Асрлар давомида маҳаллий ҳамжамиятлар чуқур илдиз отган анъаналарга амал қилган ҳолда сув ресурсларини барқарор бошқариш ҳамда барчани тоза сув ичимлиги билан таъминлаш бўйича кўникмаларни шакллантириб келди. Мисол учун, Сан Кристобаль де лас Касас шаҳарчасидаги (Чьяпас штати, Мексика) сув ресурсларини бошқариш тизимлари Майя халқларининг муқаддас қарашларига ва анъаналарига асосланади. Уларнинг фикрига кўра, инсонлар сув айланиши жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки инсонлар ўзларининг танасида бўлган суви орқали унинг тўхтовсиз янгиланишида кўмак беради. Шунинг учун сув қандайдир маҳсулот сифатида эмас, балки умумий ресурс сифатида қаралади ва сув таъминотини бошқариш бутун бир ҳамжамиятнинг вазифаси ҳисобланади.

Кўпчилик ҳамжамиятлар учун бу каби тизимлар тоза ичимлик суви олишнинг ягона имкониятидир. Шу сабабли ҳам бундай тизимларни келажак авлодларга етказиб беришни давом эттириш муҳим. Бошқа жойларда ҳам анъанавий сув ресурсларини бошқариш тизимлари муҳим ҳисобланади, чунки улар ҳамжамиятларнинг ташқи сув таъминловчиларига бўлган боғлиқлигини камайтиради. Турфахил сув ресурсларини бошқариш тизимларини ҳамда уларга оид кадриятларини тан олиш ва ҳурмат қилиш, уларни кенгайтириш ва тўхтовсиз келажак авлодга бериб бориш - буларнинг барчаси сув масаласига оид муаммоларга барқарор ечим ишлаб чиқишда муҳимдир.

**Номоддий маданий мерос таълим мазмунидаги ҳамда таълим усулларига оид жонли мисоллар таклиф қила олади.** Ҳамжамиятлар ўзларининг табиий ва ижтимоий муҳитларига оид билимларини, ҳаётий кўникмаларини ва малакаларини тартибга солиш ва келажак авлодга етказиб бериш учун доимо ечим топиб келганлар. Ҳозирги кунда расмий таълим тизимлари мавжуд бўлган жойларда ҳам бу каби билимлар фаол ишлатиб келинади, билим ва кўникмаларни бериб боришнинг анъанавий усуллари кўлланилади. Бу билимлар турли соҳаларни ва масалаларни ўзида мужассам этади: космологиядан ва физикадан тортиб соғлиқни сақлаш ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланишгача; инсоннинг ҳаёт давридан тортиб можароларни ва низоларни ҳал қилиш масалаларигача; ўзликни англаш ва шахснинг жамиятдаги ўрнидан тортиб коллектив хотира шаклланиши масаласигача; архитектурадан материалшунослик соҳасигача. Шунинг учун барча учун сифатли таълимни жорий қилишда бу каби бой билимлар манбасидан ёш авлодлар тўлақонли фойдалана олишлари учун имконият таъминланиши керак. Шунинг учун таълимни жорий қилишда номоддий маданий мероснинг бой манба эканлигини тан олиш ва унинг таълимга оид имкониятлари мослаштириш лозим. Бунинг учун эса номоддий маданий меросга оид билимларни тегишли соҳадаги таълим дастурларига интеграция қилиш ҳамда номоддий маданий меросни етказиб беришнинг анъанавий усуллари ва шакллари имкониятларини таълим тизимлари доирасида кенг қўллаш керак.

**Номоддий маданий мерос жамият ичидаги бирдамликни ва интеграцияни мустаҳкамлашга кўмак бериши мумкин.** Урф-одатлар, маросимлар ва байрамлар ҳамжамиятлар ва гуруҳларнинг ҳаётини ташкиллаштиришда ва тартибга солишда ёрдам беради. Улар барчани қамраб олган ҳолда, инсонларнинг ижтимоий турмушини мустаҳкамлашда асосий роль ўйнаши мумкин. Масалан, Фрево (Бразилиядаги мусиқа, рақс ва турли хунарларни ўз ичига оладиган бадий ифода тури) жамиятнинг барча қатламлари вакиллари карнавал доирасида бирлаштиради. Фрево Ресифи шаҳри аҳолисининг умумий мероси ҳисобланади. У шаҳар аҳолисида (жинсидан, ирқидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар) ўзига ҳослик ва ўтмиш билан боғлиқлик ҳиссини шакллантиради, мавжуд қадриятларни мустаҳкамлайди. Турли қатлам вакиллари Фрево мусиқаси садолари остида биргаликда рақсгатушади. Кўпчилик урф-одатлар (кичик учрашувлардан тортиб кенг кўламли байрам тадбирларигача) инсонларда мансублик ҳиссини шакллантириш орқали ҳамжамият ичидаги ришталарни ва бирдамликни мустаҳкамлашга кўмак беради. Номоддий маданий мерос гендерроллари ва гендер ўзлигини шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, у гендер тенглигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айнан номоддий маданий мерос орқали

хамжамиятлар гендерга оид ўзларининг кадриятларини, нормаларини ва қарашларини бериб боради. У туфайли ҳамжамият аъзоларида гендер ўзлиги шаклланади. Бундан ташқари, ҳамжамият аъзоларининг мероснинг айрим кўринишларидаги иштирокини ҳам гендер нормалари белгилаб беради. Мисол учун анъанавий ҳунармандчиликда гендер ролларига асосланган муайян меҳнат тақсимоли кузатилса, ижрочилик санъати турларида гендерга оид қарашлар ва роллар очиқ ифодаланиши мумкин. Номоддий маданий мерос атроф-муҳитда рўй бераётган ўзгаришларга тўхтовсиз мослашиб боргани сари, гендер ролларида ҳам ўзгаришлар юз беради. Ҳамжамиятларда гендер муносабатлари юзасидан доимо музокаралар олиб борилади. Бунинг натижасида номоддий маданий мерос билан шуғулланиш орқали гендер камситилишига барҳам бериш учун ҳамда гендер тенглигига эришиш учун кенг имкониятлар яратилади. Номоддий маданий мерос гендер роллари ҳақида ягона қарашга эга бўлмаган кўпмиллатли ҳамжамиятларда ўзаро ишончни ва бағрикенгликни мустаҳкамлаши мумкин. Бундан ташқари у гендер тенглигига эришишнинг энг мақбул йўли юзасидан олиб борилувчи мулоқотлар учун ўзига хос замин яратиши мумкин.

#### **1.4. Атроф-муҳитнинг барқарорлиги**

Атроф-муҳитнинг барқарорлиги турғун иқлимни, табиий ресурсларнинг барқарор бошқарувини ҳамда биотурфахилликни талаб қилади. Булар ўз навбатида иқлим ўзгариши, хавфли табиий ҳодисалар, космик муҳит ва табиий ресурсларга оид чекловлар ҳақидачуқур илмий тушунча ҳосил қилишга, билимлар алмашинувини ташкил қилишга боғлиқ. Иқлим ўзгариши натижасида ҳамда табиий офатлар сабабли юзага келадиган салбий оқибатларнинг кўламини чеклашда ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини барқарорлигини мустаҳкамлаш ўта муҳим ҳисобланади. Авлоддан-авлодга тўпланиб, бойитиб борилган ҳамда номоддий маданий мероснинг ажралмас қисми бўлган анъанавий билимлар, кадриятлар ва урф-одатлар қадим замондан жамиятларнинг атроф-муҳити билан ўзаро алоқасида ҳамроҳ бўлиб келган. Ҳозирги кунда номоддий маданий мероснинг атроф-муҳит барқарорлигига кўшаётган ҳиссаси кўпчилик соҳаларда тан олинади. Буларга биотурфахилликни сақлаш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш ва табиий офатларга тайёргарлик ва уларнинг оқибатларини бартараф қилиш соҳалари киради. Тирик мерос сифатида атроф-муҳитга оид билимлар, кадриятлар ва анъаналар шаклланиши ва табиий ресурслардан барқарорроқ фойдаланишга мослаштирилиши мумкин. Бунинг натижасида эса ҳамжамиятларда иқлимнинг



ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга (ёки табиий офатларга) яхшироқ бардош бера олиш имконияти туғилади.

**Номоддий маданий мерос биотурфахилликни ҳимоя қилишга ёрдам бериши мумкин.**

Маҳаллий ҳамжамиятлар биотурфахилликни сақлашда муҳим ўрин эгалайдилар. Масалан Кениядаги Кикуйю аёллари қишлоқ хужалиги экинларини ўстиришда ва ўсимликлар уруғларини сақлашда муҳим ўрин тутадилар. Анъанага кўра, аёллар ловиянинг бир неча навини бир экин майдонида ўстирадилар ва касаллик тарқалиши ёки иқлим ўзгариши эҳтимолини ҳисобга олиб уруғларнинг катта захираларини сақлаб қўядилар. Бугунги кунда ушбу захиралар маҳаллий аҳолининг уруғ материаллари тўғрисида қимматли билимларини ўз ичига олган жуда қадрли хазина ҳисобланади. Бу эса қишлоқ хужалиги ресурслари камайиб кетаётган бир пайтда жуда катта аҳамиятга эга. Бундан кўриниб турибдики, бошқа маҳаллий билим соҳиблари каби фермерлар, чорвадорлар, балиқчилар ва халқ табиблари биотурфахилликни сақловчилари бўлиши мумкин.

**Номоддий маданий мерос атроф-муҳитнинг барқарорлигини сақлаб қолишда ёрдам бериши мумкин.**

Дунё миқёсида инсон фаолияти натижасида табиий ресурсларнинг борган сари нобарқарор истеъмоллари содир бўлаётган бир маҳалда, кўпгина маҳаллий ҳамжамиятлар табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ёрдам берадиган турмуш тарзини йўлга қўйдилар ва номоддий маданий мерос анъаналарини яратдилар. Масалан, Самоодаги юпқа тўқилган гиламчалар маданий тадбирлар ўтказиётганда ўзига хос валюта сифатида қўлланилади; ёки маросимлар пайтида ишлатилади. Вақт ўтиши билан атроф-муҳит билан боғлиқ билимлар (шу жумладан тўқимачиликда асосий хом-ашё сифатида қўлланилиб келадиган пандана дарахтининг турли навларини ўстиришга оид билимлар) тўқимачиликнинг ажралмас қисми сифатида кўриладиган бўлди. Бу каби билимлар Самоа аҳолисига атроф-муҳитни сақлаб қолишда ёрдам беради, чунки Самоаликлар ўзларининг фаровонлиги табиат ва атроф-муҳитга жуда ҳам боғлиқ эканлигини тушунадилар. Шуниси эътиборга лойиқки, ўсимликлардан тўқиб тайёрланган бундай маҳсулотлар табиий йўл билан парчаланаяди ва йўқ бўлиб кетади. Шунингдек бундай маҳсулотларнинг ҳаёт давомийлиги сезиларли даражада қисқароқ бўлиб, у экиш, ҳосилни териб олиш, маҳсулотни яратиш, ундан фойдаланиш ва уни осонликча йўқ қилишдан иборат. Бу эса бутун дунё бўйлаб оммавий қўлланиладиган ва йўқ қилиниши қийин бўлган пластмасса ва бошқа экологик жиҳатдан зарарли ҳисобланган маҳсулотлардан анча фарқ қилади.

**Табиат билан боғлиқ маҳаллий билим ва урф-одатлар атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш соҳасида олиб бориладиган тадқиқотларга кўмак бериши мумкин.**

Масалан, балиқчилик билан боғлиқ анъанавий билим ва кўникмаларни сақлаб қолган балиқчилар денгиздаги биотурфахилликка оид муаммоларни ҳал қилишига ёрдам берадиган бой маълумотга эга. Улар балиқларнинг табиати, феъл-атвори, миграцияси, яшаш жойи ҳамда турли фаслларга мослашган ва балиқчиликда қўлланиладиган услублар тўғрисида батафсил билимларга эга. Амалий аҳамиятга эга бўлган бу каби билимлар денгиздаги биотурфахилликни тиклаш ва сақлаб қолиш борасида олиб бориладиган илмий изланишларга кўмак бериши мумкин. Умуман олганда, ҳамжамиятлар ва тадқиқотчилар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро илғор тажрибалар алмашинуви турли соҳаларда атроф-муҳит барқарорлигига эришишда ёрдам бериши мумкин, шу жумладан, ўрмонларни сақлаш ва муҳофаза қилиш соҳасида ёки қишлоқ хўжалигида биотурфахилликни сақлаш ва табиат ресурсларини бошқариш соҳаларида.

**Маҳаллий миқёсда қийинчиликларни енгиш бўйича стратегияларнинг ва билимларнинг мавжудлиги табиий офат ва иқлим ўзгаришини олдиниолишда муҳим ҳисобланади.**

Қалтис ва оғир шароитларда ҳаёт кечирувчи маҳаллий ҳамжамиятлар иқлим ўзгаришининг ва табиий офатларнинг асоратларини биринчилардан бўлиб ҳис қиладилар. Уларнинг табиат ҳамда иқлим билан боғлиқ билим ва урф-одатлари (жумладан уларнинг экология ҳақидаги тушунчалари, биотурфахиллик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича кўникмалари ва қоидалари, табиий ресурсларни бошқариш тизимлари, табиий офатлар ва об-ҳаво шароитларини олдиндан айтиб бериш тизимлари) ўзларининг табиий муҳитларида хавф ва таҳдидларни бартараф этишга мўлжалланган стратегияларнинг ўзига хос хазинаси ҳисобланади. Доимий равишда ишлаб чиқилган ва ўзгарувчан шароитларга мослаштириб борилган бундай стратегиялар маҳаллий ҳамжамиятларга табиий офатлар билан боғлиқ хавфни камайтиришга имконият яратади, зарур бўлганда эса қайта тикланишга ва иқлимдаги ўзгаришларга мослашишга ёрдам беради.

### **1.5. Барчани қамраб олувчи иқтисодий ривожланиш**

Барқарор ривожланиш ишлаб чиқаришнинг ва истеъмол қилишнинг барқарор моделига асосланган турғун, адолатли ва барчани қамраб олувчи иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ. Барчани қамраб олувчи иқтисодий ривожланиш нафақат ёрдамга муҳтож шахсларга, балки яшаш учун етарли маблағи бўлмаган аҳоли қатламларига, шунингдек, иқтисодий фаолиятда тўлақонли иштирок эта олиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга қаратилган. Бундай иқтисодий ривожланиш самарали ва муносиб бандликни таъминлашни, қашшоқлик ва тенгсизлик даражасини қисқартиришни, ресурслардан самарали фойдаланадиган иқтисодий ривожланишни ҳамда ижтимоий таъминотни талаб қилади. Бу каби ўзгаришларни амалга оширишда номоддий маданий мерос муҳим восита бўлиб хизмат қилади. У турли хил ишлаб чиқариш фаолиятларини қамраб олувчи иқтисодий ривожланишнинг харакатлантирувчи куч ҳисобланади ва маҳаллий иқтисодиётни мустаҳкамлашга кўмак беради. Ўзгаришлар ортидан у муҳим инновациялар манбаига айланиши мумкин ҳамда маҳаллий ва халқаро миқёсда барчани қамраб олувчи иқтисодий ривожланишга эришишда кўмаклашиши мумкин.

**Номоддий маданий мерос гуруҳлар ва ҳамжамиятларнинг ҳаёт фаолиятини қўллаб-қувватловчи муҳим восита ҳисобланади.**

Авлоддан-авлодга сақланиб келаётган ва ривожланиб бораётган маҳаллий билим, кўникма ва анъаналар кўп инсонларнинг тирикчилиги учун керакли маблағ топишга имконият яратади. Масалан, Эстониядаги оилавий фермер хўжаликлари кўй боқиб, уларнинг жунларига маҳаллий анъаналарга асосан ва табиатга ҳамоҳанг тарзда ишлов берадилар. Бундай ҳаёт тарзи уларга тирикчилиги учун зарур бўлган маблағни топишга имконият яратади ҳамда уларда ўзига хослик ҳиссини шакллантиради. Улар тўқувчилар учун ип йигиради, жун маҳсулотлари ва буюмларини тайёрлайди, шунингдек қўй ёғидан совун ва шамлар ишлаб чиқаради. Бу каби тирикчилик манбалари билан таъминлаб берувчи анъаналар фаровонликка эришишда хал қилувчи аҳамиятга эга ва улар маҳаллий миқёсда камбағалликни олдини олишда муҳим восита бўлиши мумкин.

**Номоддий маданий мерос кўпчилик инсонларни, шу жумладан аҳолининг камбағал ва заиф қатламларини муносиб меҳнат шaroитлари билан таъминлаши ва уларга даромад келтиришимумкин.**

Мисол учун, анъанавий хунармандчилик кўпинча иқтисодий тизимдан ташқарида бўлган гуруҳлар, ҳамжамиятлар ва алоҳида шахслар учун молиявий даромад олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Хунармандчилик нафақат хунармандларнинг ўзлари ёки оилалари учун, балки хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда керакли хом-ашёни етказиб бериш ва сотиш

билан шуғулланувчи инсонлар учун ҳам даромад келтиради. Бу каби фаолият турлари муносиб иш шароитлари билан таъминлайди: оила ва ҳамжамият доирасида олиб борилганлиги учун улар хавфсиз иш шароитларини яратади. ва мансублик ҳиссини шакллантиради; бу каби фаолият турлари жамиятнинг ўзлигини акс этганлиги сабабли, меҳнатнинг фахрли тури сифатида эътироф этилади. Санъатнинг ижрочилик турлари, байрам тадбирлари ва номоддий маданий мероснинг бошқа кўринишлари ҳам ҳамжамият аъзоларини (айниқса ёшлар ва аёлларни) иқтисодий ривожланиш жараёнига жалб қилади.

**Тирик мерос сифатида номоддий маданий мерос ривожланишга йўналтирилган инновацияларнинг асосий манбаига айланиши мумкин.**

Ҳамжамиятлар ва гуруҳлар содир бўлаётган ўзгаришлар кетидан доимо янгиликлар киритиб боради. Номоддий маданий мерос ўзига хос стратегик манба бўлиб, у миллий ва глобал миқёсида ҳақиқий ўзгаришларга асосланган тараққиётга эришишга имконият яратади. Масалан, янги турдаги материаллар (баъзи хом-ашёлар етарли бўлмаган тақдирдаёки умуман мавжуд бўлмаганда) эски эҳтиёжларни қондириш учун мослаштирилиши мумкин. Худди шу сингари эски билим ва кўникмалар замонавий муаммоларига ечим топишда қўлланилиши мумкин. Мисол учун даврлар оша синалган маданий билимларни етказиш тизими янги замонавий ахборот ва алоқа технологияларига мослаштирилиши мумкин.

*Авлоддан-авлодга сақланиб келаётган ва ривожланиб бораётган маҳаллий билим, кўникма ва анъаналар кўп инсонларнинг тирикчилиги учун керакли маблағ топишга имконият яратади. Номоддий маданий мерос кўпчилик инсонларни, шу жумладан аҳолининг камбағал ва заифқатламларини муносиб меҳнат шароитлари билан таъминлаши ва уларга даромад келтириши мумкин.*

**Номоддий маданий мерос билан боғлиқ сайёҳлик фаолиятлари ҳам ҳамжамиятлар учун фойда келтириши мумкин.**

Бой анъаналарни, байрам тадбирларини, ижрочилик санъати турларини, хунармандчилик билан боғлиқ кўникмаларни ҳамда номоддий маданий мероснинг бошқа соҳаларини кашф қилиш имконияти сайёҳларни миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда жалб қилиш учун яхши сабаб бўлиши мумкин. Сайёҳлик фаолияти одоб-ахлоқ қоидалари доирасида бўлса, меросга ва уни сақловчиларига маъсулиятли ёндашса, у даромад келтириши, янги иш ўринларини яратилишини рағбатлантириши ҳамда ҳамжамиятда ғурур ҳиссини шакллантириш мумкин. Аслини олганда, сайёҳлик фаолияти меросга ҳурматсизлик билан қараса, у меросни хавф остига қўйиши мумкин. Мисол

учун, фаолиятнинг ҳаддан ташқари тижоратлашуви бутун ҳамжамият учун мероснинг асл мақсадини ўзгартириб юбориши мумкин. Шунинг учун, сайёҳлик билан боғлиқ фаолиятни олиб бораётганда (хоҳ давлат бўлсин, хоҳ жамоат ёки хусусий ташкилот бўлсин) номоддий маданий меросни муҳофазасига, мерос соҳибларига, уларнинг ҳуқуқларига, истакларига ва интилишларига ҳурмат кўрсатиш жуда ҳам муҳим. Мерос соҳиблари уларнинг мероси билан боғлиқ ҳар қандай сайёҳлик фаолиятида асосий манфаатдор томон бўлишлари лозим. Бундан ташқари улар меросларини бошқарувида етакчи ўрин эгаллашлари керак. Одоб-ахлоқ тамойилларга асосланган ва номоддий маданий мероснинг ўзига хослигини эътиборга оладиган сайёҳлик, меросни ҳар қандай салбий таъсирлардан асраши ҳамда сайёҳлар ва сайёҳлик билан шуғулланувчи инсонларнинг ҳатти-ҳаракатини назорат қилиши лозим.

### **1.6. Тинчлик ва хавфсизлик**

Тинчлик ва хавфсизлик, хусусан можаролардан, камситишдан ва зўравонликнинг барча турларидан ҳоли бўлиш барқарор ривожланишнинг дастлабки шартлари ҳисобланади. Ушбу талабларни бажариш инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қарашни, самарали адлия тизимларини, очиқ сиёсий жараённи, можароларни олдини олиш ва ҳал қилиш бўйича тегишли тизимларнинг мавжуд бўлишини талаб қилади. Шунингдек, тинчлик ва хавфсизлик маҳаллий аҳолининг табиий ресурслардан адолатли фойдаланишини таъминлаш ҳамда унга ҳеч қандай чеклов ёки камситишсиз ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ.

Номоддий маданий мероснинг турли кўринишлари ва шакллари ўзида тинчлик ғояларини мужассам этади ҳамда мулоқот ва ҳамжиҳатлилиқка кўмаклашади. Меросни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларнинг ўзи ҳам тинчлик ўрнатишга ҳисса қўшиши мумкин. Шундай экан, номоддий маданий мерос ва меросни муҳофаза қилиш соҳасидаги бундай чора-тадбирлар давлатларга, ҳамжамиятларга ва барча ривожланиш жараёни иштирокчиларига маданиятларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўз йўлларида бориш имконини беради ва кенгқамровли иштирокка эришишга, тинч-тотув яшашга, низоларни олдини олишга ва ҳал қилишга ёҳуд барқарор хавфсизликни таъминлашга ва тинчликни ўрнатишга имконият яратади.

**Номоддий маданий меросга оид кўпчилик урф-одатлар негизида тинчликни мустаҳкамлаш ғоялари ётади.**

1236 йилда Сундиата Кейт томонидан таъсис этилган Манден хартияси (Мали империясининг конституцияси) бунга яққол мисол бўла олади. У инсон ҳуқуқларига оид дунёдаги биринчи хартиялардан бири бўлиб, этник ва маданий

турфахиллик шароитида ҳамжихатлик ва тинчлик, инсон ҳаётининг дахлсизлиги, қулликка олиш мақсадида босқинчиликларга чек қўйиш, ўз фикрини эркин ифода этиш ҳамда эркин тадбиркорлик фаолиятини юритиш каби кадриятларни ўзида мужассам этади. Хартияда айтиб ўтилган сўзлар, шунингдек у билан боғлиқ (оғзаки тарзда авлоддан-авлодга бериб борилаётган) маросимлар Малинке халқи томонидан ҳозирги кунгача кадрланиб келмоқда. Бу хартияни таъсис этган тарихий учрашувга бағишланган хотира маросимлари ҳар йили Малидаги Кангаба қишлоғида нишонланади. Бу маросимлар маҳаллий ва миллий ҳукумат томонидан, жумладан қабила бошқарув органлари томонидан ташкиллаштирилади. Хартия ҳуқуқ манбаи шунингдек мухаббат, тинчлик ва биродарлик ришталарини тараннум этувчи ўзига ҳос нома сифатида ҳам кўрилади. Умуман олганда, бутун дунё бўйлаб номоддий маданий мероснинг турли хил кўринишлари тинчлик кадриятларини мустаҳкамлаш ва муҳофаза қилишга ҳизмат қилади.

**Номоддий маданий мерос низоларни олдини олишга ёки ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин.**

Мулоқот олиб бориш, низоларни ҳал қилиш ва мурасага келишнинг маҳаллий анъаналари дунё жамятларида муҳим ўрин эгаллайди. Аниқ ижтимоий ва экологик масалаларга жавоб бериш, умумий макондан фойдаланиш, табиий ресурсларни бошқарилишини тартибга солиш ҳамда инсонлар тинч-тотув яшашлари учун яратилган ва асрлар давомида шаклланган бундай тизимлар ўзларининг хусусиятига кўра норасмий ёки пухта ўйлаб чиқилган бўлиши мумкин. Масалан, Испаниянинг ёғингарчилиги кам бўладиган Мурсия ва Валенсия минтақаларида, фермерлар ўртасида сув ресурсларини тақсимланиши ва ирригация тизимларини бошқарилишига оид масалалар юзасида келишмовчиликлари бўлса, улар коммунал судларга мурожаат қиладилар. Мурсия оқсоқоллари кенгашининг ҳамда Валенсия сув ишлари бўйича судининг аъзолари ҳар пайшанба куни ўз ҳукмларини эълон қилиш учун йиғиладилар. Бу эълон қилинган ҳукмлар адолатли ва оқилона деб тан олинади ва бошқа фуқаролик судидаги ҳукмлар каби юридик кучга эга. Суд аъзолари фермерлардан иборат булиб, улар демократик тарзда еки куръа ташлаш орқали тайинланади. Улар икки тарафлама даъволарни кўриб чиқишда ўзларининг деҳқончилик, ирригация ва маҳаллий анъаналар туғрисидаги билимларига таянади. Умуман олганда бу каби номоддий маданий мерос анъаналарининг сақланиб қолиши ҳамжамятда тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, чунки улар барча тарафларни жалб қилган ҳолда низоларни олдини олишда ва ҳал қилишда ёрдам беради.

**Номоддий маданий мерос тинчлик ва хавфсизликни тиклашга ёрдам бериши мумкин.**

Масалан, тинчлик ўрнатиш ва ярашишга бағишланган маросимлар негизида ўзига ҳос ижтимоий таъсир ётади ва у икки томон ўртасида (хоҳ алоҳида шахслар булсин, хоҳ оилалар ёки ҳамжамиятлар) тинчликни тиклашга ёрдам беради. Тинчлик ўрнатишга бағишланган маросимлар зўравонликни қўлламаслик истагини билдириш учун ёхуд муносабатларни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида рамзий тарзда қўлланилиши мумкин. Бундай маросимлар инсонларнинг бир бири билан яқинлашувига ёрдам беради ва мавжуд келишмовчиликларга, рақобат кайфиятига, нафрат ва зўравонликка барҳам бериш имкониятини яратади.

*Мулоқот олиб бориш, низоларни ҳал қилиш ва мурасага келишнинг маҳаллий анъаналари дунё жамиятларида муҳим ўрин эгаллайди. Улар аниқ ижтимоий ва экологик масалаларга жавоб бериш, умумий макондан фойдаланиш, табиий ресурсларни бошқарилишини тартибга солиш ҳамда инсонлар тинч-тотув яшаишлари учун яратилган ва асрлар давомида шаклланган.*

**Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш орқали мутаҳкам тинчлик ва хавфсизликни ўрнатиш мумкин.**

Агар номоддий маданий мерос муҳофазасига оид чора-тадбирлар кенг камровли бўлса, у ҳолда улар ҳамжамиятларни, гуруҳларни ва алоҳида шахсларни (жумладан маҳаллий халқларни, мигрантларни, иммигрантларни, кочоқларни, турли жинс ва ёшдаги инсонларни, имкониятлари чекланган инсонларни, шунингдек аҳолининг маргинал гуруҳларини) бирлаштиришга қодир самарали воситага айланиши мумкин. Демократик бошқарувга кўмаги туфайли ҳамда инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматли муносабатда бўлганлиги сабаб номоддий маданий мерос муҳофазасига оид чора-тадбирлар тинчлик ва хавфсизлик омилларининг юзага келишида ёрдам беради, булар қаторига чуқур илдиз отган умумий кадриятлар алмашинуви; коллектив ўзлик ҳамда шахсий кадр-қиммат ҳиссининг мустаҳкамланиши; ижодий ва иқтисодий ривожланиш учун янги имкониятларнинг яратилиши киради. Мोजаролардан сўнг меросни муҳофаза қилиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳам икки томонни бир бири билан яқинлаштиришга ёрдам беради. Бунга мисол умумий тарихий хотирани тиклаш лойихаси бўлиши мумкин. Бундан ташқари, агар бундай чора-тадбирлар тирик мерос доирасида амалга оширилса, у ҳолда маданиятлараро мулоқот юзага келиши ва маданий турфахилликка нисбатан ҳурмат ҳисси шаклланиши мумкин ва бу натижада томонларнинг ярашишига

олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам, бундай муҳофаза чора-тадбирлари жамиятда хавфсизликни ва тинчликни тиклашда самарали ҳисобланади.

*Йиллар давомида тўпланган билим ва анъаналар табиий ресурслардан барқарор фойдаланиши ва иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириши учун қўлланилган. Шундай экан, номоддий маданий мерос биотурфахилликни ҳимоя қилишида ва атроф-муҳитни барқарорлигини сақлашда ёрдам бериши мумкин.*

### **Назорат саволлари**

1. БМТнинг “Барқарор тараққиёт” дастурининг принциплари нечта?
2. “Барқарор тараққиёт” дастурининг биринчи принципи қайси масалага бағишланган?
3. БМТнинг мингйиллик мақсадлари ва “Барқарор тараққиёт” дастуридаги энг сўнгги масала қайси муаммога бағишланган?
4. Ўзбекистон номоддий маданий мероси “Барқарор тараққиёт” мақсадларидан қай бирига хизмат қилиши мумкин (битта мерос намунасида айтиб беринг)?
5. Номоддий маданий мероснинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги роли нимада кўринади?
6. Анъанавий даволаш амалиётлари қандай қилиб барқарор тараққиёт учун хизмат қилиши мумкин?
7. Ўзбек номоддий маданий меросида сув ресурсларини бошқаришга оид анъанавий урф-одат ва амалиётлардан мисоллар келтира оласизми?
8. Атроф-муҳитнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган номоддий маданий меросимиз мавжудми?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ў.Тошматов, Н.Исакулова. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (монография). Тошкент, 2015 й.
2. Номоддий маданий мерос ва барқарор ривожланиш. ЮНЕСКО нашри
3. What is intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH
4. Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage. Published by UNESCO and ICH

### **Интернет ресурслар:**

<https://www.unesco-ichcap.org/publications/>  
<https://www.ich.uz>



## **2-мавзу: Ўзбекистонда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш жараёнининг босқичлари. Номоддий маданий мероснинг соҳалари.**

**(4 соат)**

### **Режа:**

- 2.1. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг зарурати.
- 2.2. Конвенцияни ратификация қилиш.
- 2.3. Миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар.
- 2.4. 2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури.
- 2.5. Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Рўйхатларни юритиш тартиби ва тарихий-маданий экспертиза тўғрисидаги низомлар).
- 2.6. Номоддий маданий мероснинг соҳалари. Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари.
- 2.7. Ижрочилик санъати ва унинг турлари.
- 2.8. Урф-одат, маросим ва байрамлар.
- 2.9. Табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф-одатлар.
- 2.10. Анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар.

**Таянч иборалар:** *конвенция, маданий мерос, номоддий маданий мерос, Оператив йўриқнома, Бош ассамблея, Котибият, Репрезентатив рўйхат, ратификация, тарихий-маданий экспертиза, ансамбллар, ёдгорликлар, номоддий маданий мерос соҳалари, билим ва кўникмалар, ҳамжамият, меросни ўзида сақловчилар, нодавлат-ноҳукумат ташилотлари.*

### **2.1. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг зарурати.**

Планетамизнинг турли қисмлари турлича иқтисодий ва ижтимоий шароитда яшаётган инсонлар ўзлари яшаб турган муҳитининг ютуқ ва камчиликларини доимо ҳис қилиб ва унга нисбатан ўз муносабатини билдириб келган. Сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш суръатларининг янада жадаллашуви, глобаллашув жараёнининг тезлашиши ер юзи халқлари учун жуда катта имкониятлар яратиши қаторида салбий оқибатларга ҳам олиб келаётганлигини атрофимизга боқиб ўз кўзимиз билан кўришимиз мумкин.

Ушбу салбий ҳолат муносабати билан инсонларни:

Бизни ўраб турган муҳит нима учун жадаллик билан ёмон томонга ўзгариб бормоқда?

Шу кетишда инсониятни эртага нима кутади?

Иқтисодиётга, жамиятга ва табиатга муносабатни ўзгартириш мумкинмикин?

Биз келгусида қандай дунё ва жамиятда яшашни ҳоҳлаймиз?

Дунёни яхши томонга қайси йўл билан ўзгартириш мумкин?

Табиат ва жамиятдаги салбий ҳолатларни қандай қилиб тўхтатиш мумкин деган саволлар қийнамоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибидаги фан, таълим ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ЮНЕСКО ташкилоти ана шу муаммоларни қай йўл билан ҳал қилиш мумкинлиги устида қатор йиллардан буён бош қотириб келади ва бунинг оқибатида қабул қилинган “Барқарор тараққиёт дастури”да муаммоларни ҳал этишнинг ечимлари ўз аксини топган. Ушбу дастурга кўра ер юзида барқарор тараққиётни таъминлашда таълимнинг жуда муҳим ўрни бор. Зеро, таълим тизимига сингдирилган ҳар қандай ғоя бизнинг келажагимиз ва бўлажак замон эгаси бўлмиш ёшларимизнинг барчасига етиб боради ва улар ушбу ғояни ҳаётга татбиқ этиш имконияти жуда кенг. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида таълимдан барқарор тараққиёт йўлида фойдаланиш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг аксарияти деярли бир хил тизимга асосланади.

Яъни:

- илм ва фан воситасида малакали мутахассисларни тайёрлаш;
- ушбу кадрларни бошқарув тизимига йўллаш ва улар орқали илмий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорлари қабул қилинишига эришиш;
- бошқарув қарорлари натижасида иқтисодий барқарорлик, ижтимоий тенглик, экологик хавфсизликни таъминлаш;
- охир оқибат барқарор тараққиёт мувозанатини юзага келтириш ва уни сақлаш.

Хўш, номоддий маданий мероснинг барқарор тараққиётга нима алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин.

Бу саволга жавоб бериш учун “номоддий маданий мерос”нинг ўзи нима эканлигини аниқлаб олишимиз зарур.

“Номоддий маданий мерос” тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифодалаш шакллари, билимлар ва кўникмаларни, шунингдек улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради. Ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан яратилиб, аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бу мерос доимо атроф-муҳитга, табиатга ва шу жамиятнинг тарихига боғлиқ ҳолда яратилади. Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, номоддий маданий мерос деганда ҳозирги кунда ҳаётда мавжуд ва яшаб турган тирик мерос тушунилади. Бошқача айтганда, муқаддам мавжуд бўлган ва

хозирда амалиётда қўлланилмайдиган мерос тушунилмайди. Яна бир нарса муҳимки, инсон ҳуқуқлари соҳасида амалдаги халқаро ҳуқуқий актлар билан мувофиқлаштирилган, турли ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва шахслар ўртасида ўзаро ҳурматни йўлга қўйиш талабларига мос келадиган, барқарор тараққиёт талабларига мос тушувчи номоддий маданий меросгина тан олинади.

2003 йилда қабул қилинган Конвенцияга кўра номоддий маданий мерос куйидаги 5 та соҳада намоён бўлиши мумкин:

1. Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари;
2. Ижрочилик санъати;
3. Жамиятнинг урф-одат, маросим ва байрамлари;
4. Табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф-одатлар;
5. Анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар.

Юқорида қайд этилганлардан шуни англаш мумкинки, ҳаётимизнинг асосий қисми номоддий маданий мерос билан боғлиқ экан. Яъни, турмуш тарзимизда ҳар қадамда номоддий маданий мерос билан дуч келамиз ва биз уни деярли ҳис этмаймиз. Лекин, ҳар битта нарсанинг қадри у йўқотилганда чуқурроқ англанади, дейилганидек ўз номоддий маданий меросимизни йўқотилмасдан олдин англашимиз ва уни муҳофаза қилишимиз зарурлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Ривожланган давлатларда ҳатто бизнинг тасаввуримизга сиғмайдиган айрим ҳолатлар уларнинг таббий бир ҳолатига айланиб қолганлиги буни исботлайди. Масалан, оиланинг муқаддаслиги масаласи уларда аллақачон унутилган. Ҳозирда ҳатто боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада ота ва онанинг исми-шарифини алоҳида кўрсатмаслик масаласи ҳам муҳокама этилмоқда. Бунинг сабаби - битта оилада иккита эркак, ёки бошқа оилада иккита аёл турмуш қуриши мумкин ва уларнинг қай бири ота ва қай бири она эканлигини кўрсатиш шарт эмас эмиш.

Ҳар битта халқнинг номоддий маданий мероси шу халқнинг ўзлигини ифодалайди ва у албатта ҳурмат қилиниши керак. Номоддий маданий мероснинг муҳофаза қилиниши, сақланиши ва келгуси авлодларга етказилиши барқарор тараққиётга ижобий таъсирини кўрсатади. Чунки, бирор халқнинг номоддий маданий меросида барқарор тараққиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омил йўқ ва бу мерос тўлалигича барқарор тараққиётга хизмат қилади.

## **2.2. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш конвенциясини ратификация қилиш**

Жамиятнинг ривожланиш суръати унинг ташқи муҳит, яъни бошқа жамиятлар билан алоқаларнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги, иқтисодий ва ижтимоий алмашувларининг самарасига боғлиқ. Ҳеч бир жамият ёпиқ

ҳолда кескин ўсиш суръатларига эришиши мумкин эмас. Агар шундай бўлганда Амазонка дарёси бўйидаги ўрмонларда топилаётган ибтидоий қабилалар бошқа очиқ жамиятлардан кўра ривожланиб кетганлигини кузатиш мумкин бўлар эди. Ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланиш, улар эришган ютуқларга суянган ҳолда ривожланишнинг янги йўллари ҳаётга татбиқ этишда ўзаро алоқалар жуда катта аҳамиятга эга. Бу ҳодиса, бошқача қилиб айтганда глобаллашув жараёни, ривожланишнинг янги босқичига кўтарилиш учун хизмат қилса-да, алоҳида олинган жамиятларнинг ўзлигини намоён қилиш элементларидан кечиши ҳисобига бўлади. Чунки, ривожланган жамият иқтисодиёти билан бирга у ердаги яшаш тарзи, маданият ва маънавият ҳам бошқа жамиятга кириб келади. Баъзан ривожланган жамиятнинг “илғор” маданияти нисбатан кам ривожланган жамиятнинг “қолоқ” маданиятидан кўра паст савияда бўлса-да, ёш авлод томонидан мода сифатида қабул қилиниши ва бу орқали аслида ўта инсоний бўлган маданиятнинг айрим элементлари бутунлай йўқотилиши мумкин.

Глобаллашув жараёнидаги моддий ўзгаришлар билан бир қаторда маънавий соҳада юз бераётган йўқотишлар кўп вақтдан буён дунё ҳамжамиятидаги илғор кишиларни ташвишга солиб келаётган бўлса-да, дунё миқёсида бундай йўқотишларнинг олдини олиш ва тегишли чоралар кўриш масаласига алоҳида эътибор ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Мисол учун 1962 йилда Корея Республикасида махсус маданий дастур қабул қилиниб, миллий маънавий ва моддий бойликларни муҳофаза қилиш ишлари бошланди. Бошқа давлатларда ҳам турли йўللар билан ўз миллий маданиятини сақлаш чоралари кўрила бошланди. Маънавий қашшоқлашув, “стандарт маданият” ёйилишининг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фан, таълим ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ЮНЕСКО ташкилотининг ташаббуси билан янги бир жараён бошланди ва бу жараён ҳар бир миллат, халқ, жамиятнинг ўзлигини ифодаловчи, шу билан бир қаторда бошқаларни камситиш ёки тан олмаслик хусусиятларидан ҳоли бўлган маънавий бойликларини асраш ва келажак авлодга етказишни мақсад қилиб олди. Шундай қилиб, турли халқларда турлича номланадиган, аслида эса ўзликни намоён қилиш шакллари, усуллари билан боғлиқ билим, тажриба ва кўникмалар “номоддий маданий мерос” ибораси билан ифодалана бошланди.

Дунё миқёсида номоддий маданий мерос ва унинг муҳофазаси масалалари ЮНЕСКОнинг 1989 йилдаги “Анъанавий маданият ва фольклорни муҳофаза қилиш” бўйича Тавсияларидан бошланди. 1994 йилдан миллий тизимлар (давлатлар) томонидан номоддий маданий меросни ўзида сақловчи ва бошқаларга етказувчиларнинг расман тан олишини ва улар томонидан ушбу

мероснинг келгуси авлодга етказилишига кўмаклашиш мақсадида “Инсониятнинг яшовчи (тирик) дурдоналари” Дастури бошланди.

Ўтган асрнинг 90-йилларида экспертлар хулосаси асосида мавжуд номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича кескин, қатъий чоралар кўриш лозимлиги аниқланди ва ушбу йўналишдаги ишлар янада жадаллаштирилди. Бунинг натижасида ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 2001 йилда бўлиб ўтган 31-сессиясида янги халқаро норматив механизм вазифасини ўтовчи Конвенция яратиш режалаштирилди. Шундай қилиб, ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 2003 йил 17 октябрдаги 32-сессияда “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” Конвенцияси қабул қилинди.

2005 йил мазкур Конвенцияга қўшилиш масаласи илк бора кун тартибига кўйилди ва бу соҳада фаолият олиб бораётган ташкилотларга Конвенциянинг моҳиятини ўрганиб чиқиш ва таклиф киритиш вазифаси Олий мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан мувоқиқлаштириш ишлари бошланди. Ўша даврда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги зиммасига ўрганиш натижаларини умумлаштириш ва мутахассисларни жалб этган ҳолда тегишли ташкилий ишларни амалга ошириш юкланган эди. Махсус ишчи гуруҳи тузилиб, Конвенция чуқур ўрганилди ва тегишли мутасадди ташкилотлар ва экспертларнинг фикрига кўра уни ратификация қилиш зарурлиги таклиф сифатида Олий Мажлисга тақдим этилди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати иштирокида бўлган кўшма мажлисида (2007 йил декабрь) Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш конвенцияси ратификация қилинди.

### **2.3. Миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар**

Маълумки, Халқаро ҳужжатлар сирасига кирувчи Конвенция мажбурий ҳужжат ҳисобланади ва унга қўшилгандан кейин Конвенциядаги қоидалар миллий қонунчилик билан зид келмаслигини таъминлаш зарур. Бошқача қилиб айтганда, Конвенциянинг талаблари уни қабул қилган мамлакат қонунларига мослиги таъминланиши, зарур ҳолларда миллий қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритилишини талаб қилади.

Шу даврда Ўзбекистонда маданий меросга бағишланган, 2001 йилда қабул қилиниб, 2003 йилда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган “Маданий мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўрисида” Қонун мавжуд эди. Муқаддам маданий мерос сифатида асосан моддий маданий мерос тушунилиб келингани боис, мазкур қонунда номоддий маданий мерос билан боғлиқ биттагина абзац бор эди. Шунинг учун, номоддий маданий мерос бўйича Конвенциянинг барча талабларини ушбу Қонунга сингдириш ёки янги Қонун қабул қилиш керак бўлди. Мутахассислар ва қонунчиларнинг таклифига кўра мавжуд қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

танланди ва бу борада Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамкорлигида иш бошланди. Салкам икки йил давом этган жараённинг натижасида “**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида**” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 228-сонли Қонун қабул қилинди ва унда илк бора маданий мерос моддий ва номоддий тоифаларга ажратилиши белгиланди. Қонунга кўра:

**маданий мерос объектлари** — моддий ва номоддий маданий мерос объектлари;

**моддий маданий мерос объектлари** — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар;

**номоддий маданий мерос объектлари** — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек улар ҳамда халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар.

Мазкур Қонун билан моддий ва номоддий маданий мерос объектларини рўйхатга олиш ва уларни экспертизадан ўтказиш қоидалари қуйидагича белгиланган:

**11-модда. Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастри ва Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхати**

Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхати номоддий маданий мерос объектлари тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар кўрсатилган ҳисобга олиш ҳужжатидан иборат бўлади.

Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритишга қуйидагилар киради:

номоддий маданий мерос объектини идентификация қилиш;

тегишли номоддий маданий мерос объектларининг тармоқлари, йўналишлари, жанрлари ва услубларини таснифлаш;

номоддий маданий мерос объектларини доимий равишда тикловчи шахсларни, гуруҳларни кўрсатиш;

маълумотларни тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;

номоддий маданий мерос объектларининг сифат ҳолатини аниқлаш ва унинг натижалари бўйича ҳисоботлар тузиш.

Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини ва Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**12-модда. Маданий мерос объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатига киритиш**

Тарихий-маданий қимматга эга бўлган объектларни Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатига киритиш Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифлари асосида амалга оширилади.

Тарихий-маданий қимматга эга бўлган объектларни Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатига киритиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тарихий-маданий экспертиза хулосаси олинган кундан эътиборан мазкур объектлар аниқланган маданий мерос объектлари жумласига киритилади.

Археология ёдгорликлари топилган пайтидан эътиборан аниқланган моддий маданий мерос объектлари жумласига киритилади.

Тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган янги аниқланган моддий маданий мерос объектлари Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилиши тўғрисидаги масала ҳал қилингангача ушбу Қонун талабларига мувофиқ муҳофаза қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги аниқланган моддий маданий мерос объектининг мулкдорини мазкур объект Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан ўттиз кун ичида хабардор қилиши шарт.

**15-модда. Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси**

Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси:

маданий мерос объекти Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига ёки Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатига киритилишини асослаш;

моддий маданий мерос объектининг тоифасини белгилаш;

моддий маданий мерос объектининг тоифаси ўзгартирилишини асослаш;

моддий маданий мерос объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастридан чиқариш;

моддий маданий мерос объектлари муҳофаза тегралари лойиҳаларининг шаҳарсозлик ва лойиҳалаш ҳужжатларига, шунингдек мўлжалланаётган ер казиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишлари ва бошқа ишларнинг

моддий маданий мерос объектларини асраш талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилади ва амалга оширилади.

Шунга ўхшаш бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар билан тўлдирилган янги қонун 2009 йилда қабул қилинди.

#### **2.4. 2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури**

“Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси 2010 – 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури тасдиқланади. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Давлат дастурини амалга ошириш бўйича асосий ижрочи сифатида белгиланиб, Давлат дастури мониторингини юритиш, мунтазам равишда ҳар бир йил якунида амалга оширилган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботларни тақдим этиш, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш борасида ҳар олти йилда ЮНЕСКОга тақдим этиладиган ҳисоботларини тайёрлаш вазифалари юклатилган.

2010 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури”нинг I бўлими – “Номоддий маданий меросни сақлаш, муҳофаза қилиш ва келажак авлодга етказишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани ҳамда маъмурий бошқарув тизимини такомиллаштириш”, II бўлими – “Номоддий маданий меросни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқот ишларини ташкил этиш”, III бўлими – “Номоддий маданий меросни рўйхатга олиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни ҳужжатлаштириш”, IV бўлими – “Соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва малака ошириш ишларини ташкил этиш”, IV бўлими – “Номоддий маданий мерос объектларини сақлашнинг амалий чоратадбирлари”, V бўлими – “Номоддий маданий меросни сақлаш ва унинг муҳофазасини ташкил этиш бўйича олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари”, VI бўлими – “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш борасида



хамкорлик тармоғини ривожлантириш”, VII бўлими – “Номоддий маданий мерос тарғиботида маданий туризм дастурларидан кенг фойдаланиш”, VIII бўлими – “Номоддий маданий мерос намуналарини сақлашни молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш” масалаларига бағишланган.

Давлат дастурининг “Соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва малака ошириш ишларини ташкил этиш” деб номланган IV бўлими 13 та банддан иборат бўлиб, унда таълимнинг барча босқичларига номоддий маданий мерос билан боғлиқ тушунчаларни киритиш, таълим жараёнига экспертлар, мутахассислар, айниқса, номоддий маданий меросни ташувчилар, уни сақловчиларни жалб этиш алоҳида таъкидланган.

## **2.5. Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Рўйхатларни юритиш тартиби ва тарихий-маданий экспертиза тўғрисидаги низомлар).**

2010 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига “Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тўғрисида”ги Низом ва “Номоддий маданий мерос объектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси кўйилди. Натижада Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси асосида номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш, уларнинг тарихий-маданий экспертизасини ташкил этиш механизми яратилди. Ҳар икки норматив-ҳуқуқий ҳужжатга “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 228-сонли қонунда кўзда тутилган талаблар асосида ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сон Қонунини амалга татбиқ этиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тўғрисида”ги Низом 2011 йил 23-февралдаги 47-сон Қарорининг 1-иловаси асосида тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги 2009 йил 9 октябрдаги ЎРҚ-228-сон Қонунини амалга татбиқ этиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Номоддий маданий мерос объектларини тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом 2011 йил 23-февралдаги 47-сон Қарорининг 2-илоvasи асосида тасдиқланди.

## **2.6. Номоддий маданий мероснинг соҳалари. Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари**

Биз маданий мерос деганда аксарият ҳолларда моддий маданий меросни кўз олдимизга келтиришга ўрганганмиз. “Номоддий маданий мерос” тушунчаси ўрнида анъанавий равишда “халқ ижодиёти”ни тушуниб келганмиз. “Халқ ижодиёти” тушунчаси остида эса рақс, мусиқа, томоша санъати, миллий ҳунармандчилик ва халқ оғзаки ижодиёти назарда тутилган. Конвенцияга асосан “номоддий маданий мерос” тушунчаси “халқ ижодиёти”га қараганда кўпроқ нарсани қамраб олади.

Унга асосан номоддий маданий мерос қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

- ўзликни намоён этишнинг оғзаки анъаналари ва шакллари;
- ижро санъати;
- жамиятнинг урф-одатлари, маросимлари, байрамлари;
- табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар;
- анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар.

Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки анъана ва шакллари бизнинг тушунчамиздаги халқ оғзаки ижодининг ўзидир. Халқ оғзаки ижодида тил муҳим рол ўйнайди. Чунки тил ушбу меросни ифодалашда ва келгуси авлодга етказишда энг асосий восита бўлиб хизмат қилади. Халқ оғзаки ижодининг тур ва жанрлари жуда кенг. Унинг таркибига миф, афсона, ривоят, эртак, мақол, матал, дoston, масал, ҳикматли сўзлар, тез айтиш ва бошқа жанрлар, мухтасар қилиб айтганда халқ меросининг оғзаки равишда ифодаланадиган барча тур ва жанрлари киради.

**Миф** (афсона, ривоят, асотир) қадимги одамларнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг вужудга келиши, самовий

жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудалар ва илоҳлар тўғрисидаги этикодий қарашларни ўз ичига олган. Қадимда халқларда бўлгани каби, Марказий Осиё мифлари мазмун ва моҳият жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади:

- олам яратилиши ва ҳаёт пайдо бўлиши ибтидо ҳақидаги мифлар;
- осмон жисмлари ва табиат ҳодисалари ҳақида ҳикоя қилувчи самовий мифлар;
- Геракл, Гилгамеш, Хубби, Алпомиш каби ғайриоддий ҳислатга эга бўлган афсонавий паҳлавонлар ҳақидаги антропогенетик мифлар;
- муаян этиқодлар билан боғлиқ (масалан, мўл ҳосил сўраш, ўсимлик ёки оловга топиниш) сиғиниш мифлари;
- халқларнинг келиб чиқиши (масалан 92 та ўзбек уруғларининг пайдо бўлиши) билан боғлиқ этногенетик мифлар;
- тақвимий мифлар (масалан чилла, айём ажуз, аҳман-дахман ва ҳкз. ҳақида);
- оламнинг интиҳоси ҳақидаги эсхатологик мифлар.

Мифлар “Авесто”, “Илиада”, “Рамаяна”, “Шоҳнома”, “Калевала”, “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби адабий ёдгорликларнинг яратилишида ҳам салмоқли ўрин тутган.

**Ривоят** воқеа ва ҳодисаларни, инсон фаолиятини баъзан уйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи фольклор жанридир. Ҳажми қисқа, 2-3 эпизоддан ошмайди, анъанавий шаклга эга бўлмайди. Одатда бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади. Мазмунига кўра ривоятлар тарихий ҳамда топонимик бўлади. Тарихий ривоятда бирор тарихий шахс ёки халқ қаҳрамони билан боғлиқ ҳодисалар ҳикоя қилинади, ахлоқ ва одобнинг идеал меъёрлари ташвиқ этилиб, муайян фактлар ҳақида ахборот берилади. Бундай ривоятлар, хусусан Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур, Бобур, Машраб ва бошқа буюк шахсларнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар асосида ҳам яратилган. Топоним ривоятларда эса шаҳар, қишлоқ, кўрғон, сарой, мақбаралар номи ҳамда уларнинг юзага келиши сабаблари билан воқеалар ҳикоя қилинади. Одатда хотимасида ҳикоядан мақсад таъкидланади ва муайян факт изоҳланади. Ўзбек ривоятлари бизгача оғзаки, қисман ёзма шаклда етиб келган.

**Матал** - муайян ҳаётий ҳодисани аниқ ва тўғри белгилаб берадиган образли ифода, ибора. Маталда ўхшатиш, таққослаш, киноя, қочирик сўз каби бадиий воситалардан фойдаланилади. Мажозий иборанинг ўз асл маъноси билан кўчма маъноси ўртасида яқинлик, мантиқий боғланиш бўлиши лозим. Матал бир ёки бир неча жумладан тузилади, улар орасида қофияланиш

хамиша ҳам сақланмайди. (Масалан: “*Шамол бўлмаса дарахтнинг шоҳи қимилламас*”, “*Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит!*”).

**Мақол** бу халқ оғзаки ижод жанри бўлиб, қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантиқий тугал маъноли хикматли ибора, чуқур мазмунли гап. У муайян ритмга эга бўлиб, авлод-аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, эпик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужасамлашган. Асрлар давомида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган. Мақоллар мавзу жиҳатидан ниҳоятда бой ва хилма-хил. Туркий халқлари мақолларидан намуналар дастлаб М.Қошқарийнинг “Девону луғот-т-турк” асарларида келтирилган. Бу мақолларнинг бир қанчаси ҳозир ҳам ўзбек халқи орасида турли вариантларда ишлатилади.

**Масал** – дидактик адабиёт жанридир. Бу таълимий характердаги, аксарият кичик шеърӣ, баъзан насрий шаклдаги асар. Масалда инсонга хос хусусиятлар, жамиятга хос ижтимоий ҳодисалар, қушлар ва ҳайвонлар орасидаги муносабатлар, табиат ҳодисалари воситасида акс эътирилади. Мазмуни мажозий асосида қурилиб, комикликнинг ва киноянинг, ижтимоий мотивликнинг устунлиги масалга ҳажвий руҳ бағишлайди. Масалнинг ҳикоя қисми ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар, новелла ёки латифаларга яқин бўлиб, хотимаси мақол, ҳикматли сўз ва иборалар тарзида бўлади. Масал материаллари аксарият эртак, мажоз, новелла, латифа ва бошқаларда қўлланилиши мумкин. Ўзбек адабий ижодида унинг намуналари “Калила ва Димна”, “Зарб-ул-масал” ва бошқа асарлар тарзида учрайди. Масалчилик билан Фахриддин Аттор, Жалолоддин Румӣ, Алишер Навоӣ каби сўз усталари шуғулланганлар.

**Афсона** халқ оғзаки ижоди (фольклор) шаклларида биридир. У хаёлот, уйдирма ва тўқимадан иборат бўлсада, сўзловчи ва тингловчи томонидан ҳақиқатдек тасаввур этилади. Ҳаттоки воқеалар бўлиб ўтган давр ва макон ҳам кўрсатилади. Афсоналар оғиздан-оғизга, элдан-элга ўтиб келган, ифода усули, баён тарзи ҳисобланади.

Ривоятдан фарқли ўлароқ афсона заминида мўжиза, сеҳр-жоду бўлади. Ўзбек афсоналари коинот (Ер, Қуёш, Ой, юлдузлар ва сайёралар яралиши), топономика (масалан, Кавказ тоғлари, баъзи дарёлар, денгизлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва ҳ.к), халқларнинг (масалан, туркийларнинг) келиб чиқиши, ҳайвонот дунёси, табиат ҳодисалари, тарихий шахслар (Эр Тунга, Тўмарис ва бошқалар), динлар, пайғамбарлар тўғрисида мавзуларда қурилган.

**Эртак** - халқ оғзаки поэтик ижодининг асосий жанрларидан бири; тўқима ва уйдирмага асосланган сеҳли-саргузашт ва маиший характердаги эпик бадӣ асар. Асосан наср шаклида яратилган. Эртак Сурхондарё,

Самарқанд, Фарғона ўзбеклари орасида метал, Бухоро атрофида ушук, Хоразмда варсақи, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида чўпчак деб аталади. Ҳаёлий ва ҳаётӣ уйдирмаларнинг иштироки, сюжет чизиғида тутган ўрни ва вазифасига кўра эртақни 2 гуруҳга - ҳаёлий уйдирмалар асос бўлган эртақ, ҳаётӣ уйдирмалар асос бўлган эртақларга бўлиш мумкин. Унда асосан, уч мақсадга асосланилади: биринчидан, идеал қаҳрамоннинг жасорати, ёвуз кучларга қарши чиқиб, халқ манфаатларини химоя қилиши, иккинчидан, малика-ю париларга ошиқ бўлиши, бу йўлда дев ва аждарларга қарши кураши, учинчидан эса адолатсизликка, зулмга қарши чиқиши.

Эртақ жанр образлари талқини, ғоявий мазмуни ва конфликти, сюжет ва композицияси, уйдирмаларнинг ўрни ва вазифаси, тили ва услубига кўра ушбу жанр асарлари шартли равишда ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, сеҳрли эртақлар, маиший эртақлар ва ҳажвий эртақларга бўлинади.

**Тез айтиш** ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир тури. Ўтмишда катта ёшдаги одамлар ҳам ўтиришларда, тўйларда тез айтишда мусобақалашганлар. Кейинчалик, асосан болалар репертуарига айланган, сабаби тез айтиш болаларнинг фикрлаш қобилиятини, сўз бойлигини оширишга ва нутқнинг раво бўлишига хизмат қилади.

## 2.7. Ижрочилик санъати ва унинг турлари

**Ижрочилик санъати** таркибида номоддий маданий меросимизнинг жуда катта қисми ўз ифодасини топади. Содда қилиб айтилганда, халқ ижодининг ижрочилик билан боғлиқ сахнавий жанрларнинг барчаси ундан жой олади. Бунда мусиқа, рақс, халқ томоша санъатининг барча жанрлари тушунилиши керак. Бошқача қилиб айтганда намоёиш этишга (хоҳ у сахнада бўлсин, хоҳ майдонда, хоҳ кичик даврада) мўлжалланган жанрлар ижрочилик санъати таркибига киритилади. Ижрочилик санъатининг барча жанрларини қамраб олмаган ҳолда мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Мусиқа йўналиши бўйича: “Шашмақом”, “Хоразм мақомлари”, “Тошкент-Фарғона мақом йўллари”, Дутор ва сурнай мақом йўллари, “Тановор”, “Ушшоқ”, “Феруз”, “Сувора”, “Лазги”, “Мавриги”, “Мискин” сингари туркумлар, “Катта ашула”, аллалар, ўланлар, яллалар, лапарлар, мадҳиялар, термалар, шунингдек, “бахшичилик”, “халфачилик” ва ҳудудга хос бошқа йўналишдаги манбалар.

Рақс йўналиши бўйича: Фарғона, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё рақс мактаблари, ҳудудларга хос бўлган рақслар ва рақс ҳаракатлари, шу жумладан, болалар, эркаклар, аёлларнинг яқка ва гуруҳли рақслари.

Томоша санъати йўналиши бўйича: дорбозлик, полвонлик, анъанавий цирк, кўзбойлоғичлик, қўғирчоқбозлик, масхарабозлик, морбозлик, бесуяклик ўйинлари, ёғоч оёқ ўйинлари, миллий халқ ўйинлари ва бошқалар.

## 2.8. Урф-одат, маросим ва байрамлар

Урф-одат, маросим ва байрамлар таркибига меҳмондўстлик анъаналари, ахлоқ-одоб билан боғлиқ урф-одатлар, фарзанд тарбияси билан боғлиқ маросимлар, бешик тўйи, исм қўйиш маросими, суннат тўйи, совчиликка бориш, келин салом, миллий ва маҳаллий миқёсда ўтказиладиган сайллар, хашарлар, томошалар, байрамлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

**Наврўз** (форс – янги кун) – шамсия (қуёш) йил ҳисобидан йилнинг биринчи куни, Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қадимий анъанавий байрами. Баҳорги тенг кунликка (21 ёки 22 март), яъни Қуёшнинг Ҳамал буржига киришига тўғри келади. Наврўз деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳисобланади. Байрамда оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилган, баъзи экинларни экиш бошланган. Дастлаб наврўз байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига айланган. Асрлар ўтиши билан турли халқларда наврўз байрамини ўтказиш маросимлари уларнинг турмуш тарзига, мафкурасига мослашган.

**Маросим** инсон ҳаётида муҳим ҳодисалар содир бўлганида вужудга келади ва кишилар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни (масалан, туғилиш, уйланиш, ўлим) қайд этади, расмийлаштиради. Ўзбек оилаларида ёш оилаларни тарбиялаш учун ўзига хос маънавий “зина” сифатида хизмат этадиган, чақалоқ туғилгандан, то улғайиб, янги оила қургунгача бўлган ҳаётий муҳим воқеаларни қайд қиладиган маросимлар тизими (“Чақалоқ дунёга келиши”, “Исм бериш”, “Чақалоқ чилла”, “Бешик тўй”, “Соч тўй”, “Тиш тўй”, Биринчи қадам”, “Суннат тўй”, “Мучал ёш”, “Никоҳ тўй” кабилар) вужудга келган.

**Суннат тўйининг** тарихи энг қадимий ибтидоий жамиятда балоғат ёшини нишонлаш, болаларни ўсмирликка ўтиш маросимига бориб тақалади. Ўша даврлардаёқ болани суннат (хатна) қилиш одати вужудга келиб, у бир томондан, иссиқ иқлимда гигиена (озодагарчилик)га риоя қилиш воситаси бўлган, иккинчидан, мардлик ва жасурлик ҳисобланган.

**Хатна** маҳаллий одатлар билан чатишиб, тўй-байрам даражасига кўтарилган. Тўй куни боланинг она томонидан бўлмиш бувиси турли сарполар билан бир қаторда махсус безатилган тойча тортиқ қилади. Тойчага “тўй қаҳрамони” миндириб, маҳалла, қишлоқ кўчалари бўйлаб уни карнай-сурнай

садолари остида сайр қилдиришади. Бу тантанали сайр тўйхона эшиги олдида катта оммавий рақсга тушиш билан кутиб олинади. Тўй катталар меҳмондорчилик қилиш билан яқунланади.

Чақалокнинг яқинлари даврасида бешикка солиш халқ тилида “**бешик тўйи**” маросими деб юритилган. Бу удум мамлакатимизнинг ҳар бир худудида ўзига хос тарзда, турфа урф-одатлар билан ўтказилади. Маълумки, чақалокнинг дунёга келиши билан қудалар, қариндош-уруғлар, кўни-кўшнилар учун катта хурсандчилик бошланади. Бу маросим одатда тўнғич фарзанд дунёга келганда катта тантана билан қарши олинади. Одатда у айрим жойларда кичик бир оилавий маросим шаклида ўтса, бошқа жойларда эса маҳаллий байрамга айланиб кетади. Шунингдек, баъзи жойларда бу маросим яхлит бир шаклда ташкил топса, бошқа ерларда икки тадбирдан иборат бўлади. Масалан, Тошкентда фарзанд туғилганига 7-9 кун тўлганда, аввалига болани бешикка солиш маросими ўтказилади. Гўдакнинг қирқи (40 кунлик) чиққандан кейин эса, оила учун қулай кунларнинг бирида алоҳида (зиёфат) бешик тўйини уюштириш одат тусига кирган. Маросим ота-она ва қудаларнинг ўзаро келишилган куни, махсус тайёргарлик кўрилган ҳолда ўтказилади. Унда келиннинг онаси ўз набираси учун янги чиройли бешик, хилма-хил кийим-кечаклар, шунингдек, қизи ва куёви, қудалари учун сарполар тайёрлайди. Тўйга айтилган қариндош-уруғлар ҳам чақалокқа атаб совға келтиришади. Бу тадбир Бухорода қуйидаги ўзига хос катта тантана билан ўтказилган: “Чақалокнинг она томонидан бобоси ва бувиси унга бошдан-оёқ уст-бош, янги бешик ва унга керакли ашёларни ҳозирлаб, тўй бошланган куни ана шу совғалар жўнатилади. Совға жўнатишда олдинда қўлида қайроқ тошли, ёғоч боғлаб олган болалар ноғорачи, карнайчи ва сурнайчиларнинг нағмаларига мос ҳолда ўйнаб боришади. Уларнинг кетидан совға-саломларни кўтарган аёллар, уларнинг кетидан эса, бешик кўтарганлар борадилар. Уй эгалари уларнинг юзларига ун суртиш билан кутиб оладилар. Бу билан чақалокнинг умр йўли оқ, ўзи бахтли ва фаровон бўлишига истак билдиришади”. Келиннинг онаси қариндош-уруғлари ҳамроҳлигида ясатилган бешик ва сарполар билан қуданикига меҳмонга боришади. Бу маросим аёллар, болалар ва кайвони аёл (тўй-маросимлар устаси, кўп биладиган аёл) бошчилигида ўтказилади. Асосий маросим келиннинг онаси келтирган бешикка чақалокни ётқизиш учун ҳозирлик кўриш билан бошланади. Тўйга атаб келтирилган совғалар намойиш этилади. Кайвони аёл бошчилигида болани чўмилтиришади. Чақалокни сувга солишдан олдин махсус қумни унинг танасига суртиб чиқишади. Сабаби, баданидаги туклар камайиб, чиқмаслиги учун қилинса, ундан кейин катик суркалиб, унинг териси майин ва оқаришини таъминлайди. Бола чўмилтириладиган тоғорага умри давомида

бой-бадавлат бўлсин деб тилла буюмлар ва кумуш тангалар ташланади (маълумки, кумуш сувни зараркунандалар – микроблардан холи қилади). Гўдакни чўмилтириб бўлгач, бувиси олиб келган янги кийимлар билан бешикнинг олдига олиб келинади. Бешикни бош томони қиблага қараган ҳолда болани беланади ва кайвони аёл 4-6 қошиқни бешик атрофида айланттириб олади. Бу ҳаракатда жуфт қошиқларнинг айланттирилиши бу бешик оиладаги келгуси фарзандлар учун яшаш, тўқчилик рамзи бўлсин деган маънода қилинади. Сўнг бешикнинг ёпинчиқлари ёпилиб, кайвони аёл онага жуфт патир ёки нонни тишлатади. Бу бола тўқ бўлиши учун онанинг сути мўл бўлсин, rischi улуғ бола бўлсин деган фикрни англатади. Она тишлаган нонни олиб қўйилади ёки бўлмасам ўтирганларга тарқатилади. Кайвони аёл хонага исирик тутатиб, она ва бешик атрофида айлантиради. Бу билан уйнинг ҳавоси тозаланиб, болани назар-нафаслардан химоя қилади. Она болани эмизиб ухлата бошлайди, шу пайт ўтирганлар биргаликда чақалоққа алла айтишади.

**Никоҳ** - янги оила яратилиши мақсадида ташкил этиладиган маросим, удум ва тадбирлар мажмуаси ҳисобланади. Никоҳ – тўй маросими, ундан олдинги ва ундан кейинги қисмларга бўлинади.

Тўйдан олдинги қисм: қиз танлаш, совчиликка бориш, фотиҳа тўйи сингари бўлақларга бўлинади.

Қиз танлаш турли ҳудудларда турлича бўлиши мумкин. Бунда икки ҳолат кузатилади: Йигитнинг ўзи танлаши. Ота-она ёки қариндош-уруғ томонидан танлаш.

Одатда йигитнинг ота-онаси йигитдан “кўз остига олиб қўйганинг борми?” деб сўрайди. Йигит бирор қизни танлаганини айтса, бу хонадон йигит хонадонига мос ёки мос эмаслиги муҳокама қилиниб, маъқул деб топилган ҳолда шу хонадонга совчиликка борилади.

Тошкент шаҳрида қиз танлашда одатда йигитнинг аёл қариндошлари турли жойлардан қиз тўғрисида маълумотларни суриштириб, қайси хонадонда уларга мос қиз борлигини аниқлаб, шу хонадонга киришади ва суриштириш бошланади. Бошқа ҳудудларда эса олдиндан мўлжалланган хонадонга бориш одат тусига кирган.

Икки томон (қиз ва йигит томони) бир-бирига маъқул бўлгандан кейин йигит ва қизнинг учрашуви ташкил этилиб, уларнинг розилиги олинади. Кейинги пайтда Тошкент шаҳрида қизнинг отаси ёки эркак қариндошларидан бири йигит билан учрашиб, суҳбатлашиши ҳам расм бўлган. Ҳамма рози бўлгандан кейин қизнинг уйига совчиликка (баъзи ҳудудларда эркаклар, баъзи ҳудудларда аёллар) борилади ва “нон синдириш” ёки “оқ ўраш” маросими ўтказилиб, фотиҳа тўйи белгиланади. Маросим пайтида иккита нонни қўшиб синдириш, қиз томонга оқ рўмол тақдим этиш икки томоннинг розилик



аломати ҳисобланади. Совчилар қиз хонадонига кириб келишида “қулчиликка келдик” деган ибора билан киришади, бу – шу хонадондаги қизни келин қилиб олиш маъносини билдиради.

**“Фотиҳа тўйи”** – қизнинг қўни-қўшнилари, маҳалла ва қариндошларига қизнинг унаштирилганлигини маълум қилиш мақсадида ўтказилади ва “бўхча”, яъни қизга аталган нарсалар (кийим-кечак ва тақинчоқлар) қиз томонга тақдим этилади. Одатда, фотиҳа тўйига кетадиган харажатлар йигит томонидан қопланади. Ўзбекистоннинг турли жойларида бу маросим турлича кўламда ўтказилади. Масалан, Самарқанд шаҳрида бу тадбир жуда катта миқёсда ўтказилиб, олиб келинган буюмлар ёйиб қўйилади ва ким қайси буюмни совға қилганлиги ҳам эълон қилинади. Фотиҳа тўйи куни никоҳ тўйининг муддати ва харажатлар аниқланади. Йигит томонидан “қалин пули” (Тошкенда “сут хақи дейилади) берилади. “Қалин пули” миқдори турли ҳудудларда турлича бўлиб, Хоразмда бериладиган қалин пули энг катта ҳисобланади. Бошқа ҳудудларда нисбатан кам тўланади ёки қиз томон олиб келиши лозим бўлган бирор буюм (масалан шкаф, жовон ёки бошқа мебель) йигит томонидан сотиб олиниши билан ҳам белгиланиши мумкин.

**Никоҳ тўйи** ўтадиган куни расмий ва шаръий никоҳ маросими ташкил этилади. Шаръий никоҳ – мулла томонидан ўқилиб, диний нуқтаи-назардан шу вақтдан бошлаб қиз ва йигит эр-хотин ҳисобланишини билдиради. Расмий никоҳ – шу ҳудуддаги тегишли расмий идорада йигит ва қизни “эр ва хотин” деб қайд этиш учун ташкил этилади. Никоҳ қайдномасини топшириш тантанали равишда расмий идорада ёки никоҳ тўйи маросими таркибида ўтади.

Никоҳ тўйи хонадонларнинг иқтисодий имкониятлари ва шу ҳудудда қабул қилинган қоидаларга қараб жуда катта ёки нисбатан кичикроқ ўтказилиши мумкин. Никоҳ тўйига йигит ва қиз томонидан меҳмонлар таклиф этилади. Тўй маросими тугагандан кейин қиз йигитнинг уйига кузатилади. Унга қизнинг онаси ва яқин аёл қариндошлари ҳамроҳ бўлади.

Тўйдан кейинги қисмда: **бет очар (юз очди), куёв оши, чарлар, куда чақирик** ўтказилади.

Тўйнинг эртаси куни эрталаб “бет очар” ёки “юз очди” деб номланадиган маросим ўтказилади. Бу маросимда келин бошига ёпилган катта рўмол олиб ташланиб, у шу хонадон эгалари ва қариндошларига “салом солади” (эгилиб таъзим қилади). Кимга салом беришни келиннинг ёнида турган аёл белгилаб, шеърий тарзда эълон қилиб туради ва салом берилган қариндошлар келинга “кўрмана” (ўзларининг совғаси)ни бериб келиннинг бошини силайди, келин томонидан ўз навбатида кичик совғалар берилади.

Тошкент шаҳридаги тўйларда келин салом бевосита никоҳ тўйи куни, тўйхонанинг ўзида ўтказилиши расм бўлган.

Шу куни йигитнинг ўртоқлари бирор чойхонага йиғилиб “куёв оши” ташкил этилади ва йигитнинг куёв бўлганлигининг исботи сифатида ош пишириб ейилади.

Тўйдан кейин томонлар келишиб белгилаган муддатда “чарлар” (қизнинг ўз ота-онаси хонадонига ташрифи) маросими ўтказилади. Бунда келиннинг қайнонаси бошчилигидаги қариндошлар келинни олиб куда томонга боришади. У ерда катта зиёфат берилади ва ҳар икки томоннинг аёллари бир-бирлари билан танишадилар.

Эркакларнинг танишуви “қуда чақирик” номли маросимларда амалга оширилади. Аввал бир томонга иккинчи томон эркаклари чақирилиб, кейин иккинчи томонга ҳам худди шундай чақирик уюштирилиб, зиёфат берилади ва икки томон эркаклари танишиб оладилар.

## **2.9. Табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва урф-одатлар**

Табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар деганда биз анъанавий халқ тақвимлари, куннинг ботишига қараб келгуси куннинг қандай келишини айтиб бериш, ойнинг туришига қараб кейинги ойнинг тахминий об-ҳавосини аниқлаш, ҳайвонлар ҳаракати орқали содир бўладиган воқеаларни башорат қилиш, қудуқ қазиш ўрни ёки иморат қуриш жойини аниқлаш, миллий сартарошлик, анъанавий табобат, иморатсозлик, мироблик билан боғлиқ билим ва кўникмалар, пазандачилик санъати кабиларни тушунамиз<sup>1</sup>.

Маълумки қадим замонлардан буён Шарқ хусусан Ўрта осие халқлари ҳаётида сув ва намгарчиликни қадрлаш алоҳида ўрин тутган. Чунки деҳқонлар учун хосилдорликни яхши бўлиши, чорвадорлар учун яйловларда ўт-ўланларни ўсиши, улар ҳаётининг тўкин сочин бўлишини таъминлаган албатта, буларнинг барчаси об-ҳавонинг қандай келишига боғлиқ бўлган. Бу эса асрлар давомида Ўрта осие халқларида сув ва намгарчилик билан боғлиқ турли урф-одат ва маросимларни вужудга келишига сабаб бўлган.

Сув ва намгарчилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ўзининг узок тарихига эга бўлиб зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестода ер, сув ва хосилдорликнинг худоси деб «Анахита» талқин қилинган. Унда: «Анахита доимо гўзал бақувват, хушқомат, камарини баланд боғлаган, олтин зийнатли кўп бурмали мурсак кийган бир қиз сифатида таърифланади». Зардуштийлик

<sup>1</sup> Ў.Тошматов, Н.Исакулова. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (монография). Тошкент, 2015 й.

даврида унга аталган гимнлар, қасрлар ва ҳайкаллар мавжуд бўлган бўлса, айрим манбаларда кўрсатилишига унга атаб хатто одамлар ҳам қурбон қилинган. Кўпчилик манбаларда Анахита Осмон сувлари яъни булут ва ёғингарчиликлар худоси деб талқин қилинса, айрим муаллифлар уни ердаги оқин сувларининг култи билан боғлашади. Ўрта Осиёда Анахита култи билан бирга эр хубби ёки Хубби култи ҳам мавжуд бўлиб, ушбу култ ҳақида муаллифлар томонидан кўплаб афсона ва ривоятлар қайд этилган. Кўпчилик олимларнинг ушбу култ исломга мавжуд бўлганлигини қайд этади. Бу ҳақда академик Я.Ғуломов қуйидагиларни ёзади: «Табиийки ислом дини ёйилгандан сўнг ҳам халқ исломгача бўлган сув худоси Хубби ҳақидаги афсонани сақлаб қолди натижада у мусулмон агиографик адабиётига кириб келди». Юқорида келтирилган ҳар иккала култ ҳақида фолклоршунос Б.Саримсоқов ҳамда У.Жуманазаровлар ўз изланишларида қимматли маълумотларни келтирадилар. Хубби култига сиғиниш Ўрта Осиёнинг деярли барча худудларида, хусусан Фарғона водийсида ҳам учрайди. Водийнинг Сўх тумани деҳқонлари эрта баҳорда ариқларга сув очишдан олдин дарё бўйида турли жонлиқлар сўйиб Эр Хубби култига атаб қурбонлик қилишган бу ерда эр хуббини «йигит хубби» деб аташган. Дарё ва сой бўйларида қурбонликлар келтириш Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида ҳам мавжуд бўлган. Юқоридагилардан ташқари Ўрта Осиё халқларида ёмғир чақириш билан боғлиқ турли урф-одат маросимлар ҳам мавжуд бўлган. Ушбу маросимлар турли жойларда турлича шаклда ва ҳар-хил номлар билан қайд этилади. Чунончи бундай маросимлар Қашқадарё вилоятида «**Суз хотин**», «**Чайла козок**», Сурхондарёда «**Бўз хотин**», «**Суст хотин**», Зарафшон воҳасида «**Сус хотин**», Туркистонда «**Чой момо**», Бухорода вилояти қишлоқларида «**Чайла хотин**», «**Кўсам-кўсам**», «**Сур хотин**», номлари билан аталиб, ушбу маросимлардан мақсад, ёмғир чақириш бўлган. Ушбу маросимлар ҳақида М.Жўраев изланишларида қимматли маълумотлар келтирилади. Юқоридаги ёмғир чақириш билан боғлиқ маросимлар Ўрта Осиёнинг кўплаб худудларида мавжуд бўлсада, айрим деҳқончилик худудлари, масалан Фарғона водийсида камроқ учрайди. Бу ерда ёмғир чақириш билан боғлиқ турли кўринишдаги ўзига хос бўлган удумлар мавжуд бўлган.

Масалан водийнинг Сўх туманида ёмғир чақириш билан боғлиқ маросим мавжуд бўлиб уни маҳаллий халқ «**таришқунок**» деб атаган. Унга кўра қурғоқчилик бўлиб узоқ вақт ёғингарчилик бўлмаса, қишлоқ эркаклари ярим яланғоч холда кўчага чиқишган ва бир бирини устидан сув қуйишган ҳамда бирор кишини кўпроқ қишлоқ имомини ёки муллани ариққа ташлашган. Шу кунлари қишлоқ эркаклари хоҳлаган хонадонига меҳмонга киришган, хонадонларда эса уларни фақат шу маросимда пишириладиган «кашки

чавари» деб номланган чалпак билан меҳмон қилишган. Водийнинг Қува туманида эса қурғоқчилик йиллари қишлоқ аҳолиси Оллохдан ёмғир сўраб хайри худойилар ўтказганлар. Ушбу худойилар одатдаги худойилардан шуниси билан фарқ қилганки унда қатнашаётган оқсоқоллар сони етти ёки ўн етти киши бўлиши шарт бўлган.

Водийнинг тоғолди туманларидан бўлган Фарғона туманида эса, қурғоқчилик йиллари деҳқонлар турли хайри-худойилар ўтказиш билан бирга, ўз экин майдонлари четларига қурбақаларни тутиб келиб осиб қўйишган. Деҳқонлар қурбақа ёмғир чақиради деб ишонишган.

Ҳозирда ҳам «водийда қурбақани ўлдирган одамнинг тўйида ёмғир ёғади»-деган тушунча сақланиб қолган. Қурбақа образининг ёғингарчилик билан боғлиқлиги тўғрисида дунё халқларининг кўпчилигида турли талқинлар учрайди. Ўрта Осиёда ҳам қурбақанинг наргарчилик тимсоли сифатида талқин қилинганлигини Л.И.Ремпель тасдиқлаб қуйидагиларни ёзади «Ўрта Осиё халқларининг санъатида қурбақа образидан намгарчилик ва ёмғир ифодаси, бахт ва омад тимсоли, бамисоли тумор сифатида фойдаланилган». Ёмғир чақиритиш билан боғлиқ расм русумлар Ўрта Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлган. Хусусан туркманларда ёмғир чақиритишда «Буркут баба» образига сиғинилиб, унга ёмғир пири сифатида қаралган ва у ҳақда турли ривоятлар тўқилган. Ўрта Осиёнинг айрим деҳқончилик худудларида эса ёмғир чақиритишнинг ғайри оддий усуллари мавжуд бўлган. Масалан Тожикистоннинг Вахан-Ишкашим каби туманларида сувга ўлган одамнинг бош чаноғи қўйилса ёмғир ёғади деб ишонишган. Бизга маълумки қадимда туркий қавмлар орасида «Яда» тоши воситасида ҳам дуо ўқиб ёмғир чақиритиш удум бўлган. «Яда» атамаси кўпчилик олимларнинг эътирофича Авестода келтирилган «яду» (ёки «яту») яъни «сеҳр жоду» сўзи билан боғлиқдир. «Яда» атамаси билан боғлиқ тушунчаларни қадимий шарқ ёзма манбаларида учратиш мумкин. жумладан, Хитой сайёҳи Си Юй Вындзянь-лу «яда» тоши ҳақида маълумот бериб, ушбу тошни оқ, қора, кулранг кўк, яшил ва сариқ рангларда бўлишини таъкидлайди. «Яда» тоши ҳақида маълумотларни биз X асрда яшаган араб географи Ибн ал-Фақиҳнинг «Китоб ахбор ал булдон» (мамлакатлар ҳақида ахборотлар китоби) асарида, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» номли машҳур ишида ҳамда XV асрда яшаб ижод қилган тарихчи Рашиуддин асарларида учратамиз. Абу Райхон Беруний ҳам ўзининг «Минерология» асарида «яда» тоши ҳақида маълумот бериб, ушбу тош туркий халқлар орасида нафақат ёмғир чақиритишчи, балки ғалаба ва омад келтиривчи тош сифатида ҳам бадрланганлигини ёзган эди. Унинг таъкидлашича, ушбу тошдан ўша даврнинг шох ва саркардаларининг билич, узук ва бошқа буюмларини зийнатлашда фойдаланилган. Илоҳий будратга эга

бўлган «яда» тоши ҳақидаги маълумотларни бадимий дostonлардан ҳам топиш мумкин. Жумладан, қирғиз халқининг «Манас» эпосида «яда» тоши ҳақида афсона мавжуд бўлиб ушбу асарда у «джай таш» деб аталган. Бундан ташқари, «яда» тоши ҳақидаги маълумотлар Олтой халқларининг «Аносс тўпламлари» (Аносский сборник) деб ном олган фольклор асарларида «сата» номи билан аталиб, у илохийлаштирилган. Олтой халқлари ушбу илохий тошнинг кучи ниҳоятда улуғворлигига ишонганлар, ҳатто улар «сата» тоши куёш нурини ҳам «синдирувчи» кучга эга деб билганлар. С.Е.Маловнинг ёзишича, XIX аср охирларида шарқий Туркистонда бир «яда»чилик билан шуғулланувчи мулла, айна ҳосил йиғим терими даврида ёмғир чақирганликда айбланиб, қаттиқ жазоланган. Бундан ташқари С.Е.Маловнинг таъкидлашича туркий қавмларда ушбу тошдан нафақат ёмғир чақириш, балки бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилган. «Яда» тоши ҳақида ўзбек элшунос олим К.Шониёзов ҳамда М.Жўраевлар ўз ишларида маълумотлар келтириб ўтадилар. К.Шониёзовнинг яда тошини қадимданок туркий халқларнинг турмуш тарзида муҳим ўрин тутганини ва у ҳақда илк ўрта аср ёзма манбаларида ҳам кўплаб маълумотлар учрашини таъкидлайди. М.Жўраевнинг ёзишича, қадимда ҳар бир туркий қавмнинг ўз ядачаси бўлган ва ёмғир чақириш учун яда тошига қуш ёки ҳайвон қони суртилиб афсун ўқилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадик, Ўрта Осиёда сув ва намгарчилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар ўзининг узоқ тарихига эга бўлибгина қолмай, балки Ўрта Осиё халқларининг маънавий меросини ажралмас ва бебаҳо дурдона сифатида бойитади. Ушбу маросимларни ўрганиш эса тарихимизни янада бойитишига шубҳа йўқ.

**Анъанавий табобат** замонавий медицина пайдо бўлгангача даврда инсонларнинг организмида пайдо бўладиган турли жисмоний ва рухий касалликларга қарши курашиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Замонавий медицина татбиқ этилгандан кейин ҳам Ўзбекистон аҳолисининг жуда кўп қисми анъанавий табобатга мурожаат этиб келади.

Анъанавий табобатнинг айрим сирлари оддий одамлар томонидан аجدодлардан авлодларга узатилиб, оила аъзоларини мустақил даволашга хизмат қилган бўлса, айрим сирлари фақат шу соҳа билан чуқур ва мунтазам шуғулланиб келган кишиларгагина маълум бўлган. Масалан, оғиз бўшлиғига яра тошиб кетиши (халқ тилида “оғиз увилиши”, замонавий медицинада “стоматит” дейилади)ни оилада доим бўладиган аччиқ тош билан оғизни чайиш орқали даволанган бўлса, суяк синишини фақат “синикчилар” даволаганлар.

Инсонлардаги жисмоний касалликларнинг аксарияти доривор ўтлар, қўл билан уқалаш орқали даволангани ҳолда, руҳи касалликларнинг аксарияти дуо ўқиш ва руҳий таъсир ўтказиш орқали даволанган.

Анъанавий табобатнинг ҳозирги аҳволи ҳар томонлама ўрганилмаган. Анъанавий табобат билан шуғулланувчи шахсларнинг таъбирича, замонавий медицина касаллик натижасида организмда пайдо бўлган оғриқ жойининг ўзини даволайди (масалан, қўлга яра чиқса ярани даволайди), анъанавий медицина эса унинг сабабини топиб касалликнинг илдизини даволайди ва шу билан касаллик қўзғалишининг ҳам олдини олади. Анъанавий табобат сирлари асосан оила ичида (жуда кам ҳолларда бегоналарга) кейинги авлодга узатилади. Анъанавий табобатнинг жуда катта сирлари Абу Али ибн Сино томонидан “Тиб қонунлари” рисоласида ёзиб қолдирилган.

Анъанавий табобатда бир хил касалликни турли йўллар ва воситалар билан даволаш амалиёти ҳам учрайди. Бунда табиб (анъанавий табобат билан шуғулланувчилар шундай аталади) ўзи ўрганган услубдан фойдаланади.

Аслида, анъанавий табобатда деярли барча касалликларга қарши даво услублари мавжуд. Даволаш жараёнини тўғри ва самарали ташкил этиш табибнинг маҳорати ва тажрибасига боғлиқ. Масалан, Тошкентдаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини “Янги турмуш” маҳалласида яшовчи Каримшайх Усмоншайхов исмли табиб “спид” касаллигини ҳам даволаган, деган маълумотлар интернет сайтида эълон қилинган.

## **2.10. Анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар**

Анъанавий ҳунармандчиликка оид билим ва кўникмалар мисолида зардўзлик, қуроқчилик, кандакорлик, гиламчилик, дўппидўзлик, кўғирчоқсозлик, кулолчилик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, маелика санъати ва ҳунармандчиликнинг бошқа йўналиш ва турларига оид тажриба, билим ва кўникмаларни кузатишимиз мумкин бўлади<sup>2</sup>.

**Зардўзлик**-безак санъати тури; амалий санъатнинг зар (тилла ва кумуш суви юритилган) ип, нозик сим, ипак билан кашта тикиб безак яратадиган соҳаси. Тўртбурчак чамбаракка (корчўпга) ўрнатилган бахмал, шойи, мовут, чарм ва бошқалар матоларга зардўзи усулида кашта (гул, нақш, тасвир) тикилади. Каштага баъзан металл, тош, шиша мунчоқлар ҳам ишлатилади. Шаклларни яратишда зардўзи, заминдўзи, гулдўзи, биришидўзи, пулакдўзи каби турли усуллардан фойдаланишади. Турли чокларнинг моҳирона

<sup>2</sup> Ў.Тошматов, Н.Исакулова. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (монография). Тошкент, 2015 й.

ишлатилиши ва уларнинг нақшлар билан ҳамоҳанглиги зардўзлик молларига жозиба ва гўзаллик баҳш этади, уларнинг бадий қийматини оширади ва бу устанинг диди ва моҳирлиги билан боғлиқдир. Ушбу касбда қўлланиладиган ўсимлик ва ҳандаса нақшлари орасида энг гўзаллари деб давқур, дарҳам, донача, бодомий, бутадор ва бошқалар ҳисобланади.

**Кандакорлик** - амалий санъат тури; ўймакорликнинг металл буюмларни ўйиб, чизиб нақш, тасвир ишлаш соҳаси. Буюмларни безашда кандакори (ўйиб, кесиб), қолипаки (қолип ёрдамида), симкори (симдан фойдаланиб), шунингдек, буюмларнинг қисмлари (қопқоқ, даста ва б.) ва икки қаватли буюмларни безашда шабака (панжарали қилиб ишлаш) усуллари қўлланилади, анъанавий ўсимликсимон (ислимий) ва хандасий (гирих) нақшлардан мужассамотлар яратилади. Нақш ёки тасвир замини пўлат қалам ёки асбоблар ёрдамида чуқур ёки саёз ўйилади, замин саёз ўйилганда рангли локлар билан бўялади, пардозланади, чекма, ўйма, катак, параллел кесма чизиқлар билан жило берилади. 1930-йиллардан метал сиртига кимёвий моддалар таъсир эттириб нақш, тасвир яратиш усули ҳам (илк бор Тошкент бадий ўқув и.ч. к-тида) қўлланила бошлади. Тошкент каби йирик шаҳарларда кандакорлик марказлари бўлган.

XX асрнинг 20-йилларидан усталар артелларга уюштирилди. Кандакорлик цехларида ижод қила бошлаган усталар турли мактабларнинг анъаналари, усулларидан фойдаланиб бадий буюмлар (чойдиш, мис кўза, мис лаган, сатил офтоба, дашхўй, қумғон ва бошқалар тайёрлай бошладилар. 60-йиллар бошларида артеллар тугатилиб, маҳаллий хизмат қўмиталари кандакорлик буюмларини ишлаб чиқардилар.

**Дўппидўзлик** - дўппи Туркистон халқлари орасида (айниқса Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида) миллий либос элементига айланган. Бошқа халқлар дўппиларидан ўзбек дўппилари ўзига хос шакли, беаги билан фарқланади.

Дўппи уч қисмдан – тепа (айлана ва тўртбурчак шаклида бичилади), кизак (гардиш шаклида) ва жияқдан тузилган, дўппи республикамизнинг турли жойларида турлича безатилади; қисмлари бирлаштирилган турлича кўринишга эга бўлади. Кашта тикиб безатилган бўлақлар кизакка астар ёпиштирилиб майда нозик чокда қавилади, қавиқлар орасига пахта ёки қоғоздан пилта қўйилади. Сўнг тайёр бўлақлар бир-бирига уланади. Дўппидўзлик билан асосан аёллар шуғулланади.

XX асрнинг 20- йилларидан хунарманд усталар артелларга бирлаштирилди, кейинчалик фабрикаларда меҳнат қила бошладилар. Хонадонлардан ташқари дўппидўзлик ҳозирда Бухородаги “Зардўз” акциядорлик жамиятида, Тошкентдаги “Шарқ гули” фабрикасида, Чустдаги корхоналарда ва бошқа жойларда йўлга қўйилган.

**Кулолчилик** – ҳунармандчиликнинг лойдан (гилдан) турли буюмлар (терротика, сопол идиш, қурилиш материаллари ва бошқалар) тайёрлайдиган тури. Келиб чиқиши ва таркиби турлича бўлган тупроқлардан турли хил кулолчилик маҳсулотлари тайёрланади.

Кулолчилик билан инсонлар неолит даврида шуғуллана бошлаганлар. Ҳозирги кунга келиб кулолчиликнинг турлари ривожланиб, кўпайиб борди. Кулолчиликнинг шакли ва тайёрланиш усулларига кўра Ўзбекистонда куйидаги кулолчилик мактаблари мавжуд: Фарғона (асосий марказлари – Риштон, Ғурумсарой), Бухоро-Самарқанд (асосий марказлари – Самарқанд, Ургут, Ғиждувон, Уба), Хоразм (асосий марказлари – Мадир, Каттабоғ кишлоқлари), Тошкент. Ҳар бир мактаб ўзининг ривожланиш ва ижодий тамойиллари, етакчи марказ ва усталари, ўзигагина хос хусусиятларига эга бўлиш билан бирга асосий бадиий умумийликни ҳам сақлаган.

Мазкур мактаблар Р.Зухуров (Денов), М.Туропов (Ғурумсарой), И.Комилов (Риштон), Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар (Ғиждувон), Намоз ва Нўъмон Облоқуловлар (Ургут), Р.Матчонов (Хоразм), А.Раҳимов (Тошкент) каби усталар ижоди билан машҳур. Декоратив-амалий санъатнинг ушбу тури ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда ва тарғиб этилмоқда, унинг янада ривожланиши учун қулай шароит яратилмоқда.

**Ўймакорлик** – амалий санъатнинг қадимий ва кенг тарқалган тури; ёғоч, ганч, металл, тош, суяк, терракота ва бошқаларни ўйиш, йўниш, кесиш йўли билан бадиий шакл ясаш санъати. Буюмлар, турли асбобларни нафислаштиришда, биноларни безашда, кичик шаклли ҳайкалтарошлик композициялари яратишда кенг қўлланилади. Ўймакорликнинг мустақил жанри глиптика; фойдаланадиган хом ашёсига кўра ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, металл ўймакорлиги (кандакорлик), суяк ўймакорлиги каби турлари бор.

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ўймакорлик жуда қадимдан ривожланган. Ибтидоий одамлар ёғоч, суяк, ҳайвон шохларидан ўзлари учун зарур қуроллар яратиш, уларни “безашган”, турли рамзий чизиқ ва белгилар ишлашган, тошларга расмлар чизишган (қоятош расмлари). Ўзбекистоннинг жанубидаги Оқтом ва Қуйи Мозордан топилган ҳайвон шохи ҳамда суяк бўлагига чизиб ишланган тасвирлар мил. ав. 5-6-асрларга оид ёғоч ўймакорлиги намуналари сақланган. Фаёзтепа, Қоратепа, Айритом пойдеворлари мрамор, тошдан ишланиб ўймакорлик билан безатилган ёдгорлик намунасидир.

Ўрта Осиёда ўймакорлик 3 йўналишда мавжуд бўлган: нақш ўймакорлиги, мавзули (одам ва ҳайвон тасвири ишланган) ўймакорлик ҳамда нақш ва мавзули ўймакорлик уйғунлигидаги мураккаб композициялар.



18-19-асрларда ўймакорликнинг ўзига хос мактаблари ривожланди, бири-биридан жозибадор санъат намуналари юзага келди. Ўймакорлик услубий ранг-барангликка хизмат қилди. 19-аср охири – 20-аср бошларида Хива (О. Полвонов, С. Боғбеков), Бухоро (Уста Ширин Муродов, А.Болтаев), Қўқон (Ҳайдар Нажмиддинов ва унинг ўғли Қ.Ҳайдаров) ва бошқа шаҳарларда моҳир, қўли гул усталар етишиб чиқди, улар Худоёрхон ўрдаси, Князь Романов саройи, Калонтаров уйи, Ситораи Моҳи Хоса каби меъморий ёдгорликларни маҳорат билан безади.

20-асрда ўймакорлик янги мазмун ва шакллар билан бойиди, минтакалардаги маҳаллий хусусиятлар бир-бири билан уйғунлашиб ажойиб мужассамотлар яратилди (Навоий театри, Муқимий театри, Навоий номидаги адабиёт музейи ва б.).

Ўзбекистон ҳудудида асосан тўртта ёғоч ўймакорлиги мактаблари мавжуд бўлиб, улар ўз услублари ва йўналишлари билан фарқланади:

- Хива ёғоч ўймакорлигининг ривожиди Ота Полвонов ва Сапо Боғбековларнинг ижодий фаолияти алоҳида ўрин тутди. Бу мактаб ўймакорлиги бошқа мактабларга қараганда ўйма нақшларининг майдалиги, заминининг камлиги, новдаларнинг зичлиги, бадиий тузилиши жиҳатидан ўйноқлиги, яъни новдаларнинг спиралсимонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

- Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактабида эса ўймаларнинг майдалиги, нақш намунасининг мураккаблиги, ўсимликсимон гириҳ ва гулли гириҳ нақшларининг кўп ишлатилиши билан ҳамда ўйма юзасининг рангланиши ажралиб туради. Ижодкор усталар Акдухофиз Жалилов, Асатилло, Нурилла Нарзуллаевлардир.

- Тошкент ўймакорлиги мактабининг йирик намоёндаларидан Сулаймон Хўжаев, Мақсуд Қосимов ва Ортиқ Файзуллаевлардир. Тошкент мактабининг бошқа мактаблардан фарқи шундаки, ўймасининг кўп қаватлиги, ўртача чуқурликда ўйилиб, ислимий, геометрик, рамзий нақшлар кўпроқ ишлатилади.

4. Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактаби ҳам ўзига хослиги билан бошқа мактаблардан ажралиб туради. Йирик усталардан Ҳайдар Нажмиддинов ва Қодиржон Ҳайдаровлардир. Бу мактаб ўймакорлигининг маҳобатлилиги, йириклиги, ўймаларнинг чуқурлиги ва кўп қаватлилиги билан фарқланиб туради.

**Каштачилик** – кашта тикиш касби, амалий санъатнинг қадимги соҳаларидан бири. Археологик топилмалар каштачиликнинг деярли барча халқларда қадимданлигини, иқлим, табиий шароит, муҳит билан боғлиқ ҳолда ҳар бир халқнинг маданияти, санъати, касб-хунар турлари билан бирга

уларнинг таъсирида ривож топганини кўрсатади. Каштанинг пайдо бўлиши теридан қилинган кийимларда боғлам ва чокларнинг юзага келиши билан боғлиқ.

Кашта қўлда (игна, илмоқли игна, илмоқли бигиз билан) ёки машинада, асосан, матода (бўз, сатин, чит, шойи, бахмал ва бошқа) ва чарм (этик, маҳси, пичоқ, ва бошқа) тикилади. Кашта мужассамотида ўсимликсимон нақшлар, хандасий шакллар, фазовий жисмлар, мева ва ҳайвонларнинг услублаштирилган тасвирлари, байтлари, кейинроқ кишиларнинг қиёфалари, меъморий обидалар ҳам ўз ифодасини топган. Кашта тикиш турли чоклардан матога аввалдан андаза ёрдамида туширилган гул, тасвир, нақш асосида, баъзан матога иплари суғурилиб тайёрланган асосда санама усулида бажарилади. Бунда жун, ип, ипак, зиғир толали табиий ва сунъий (синтетик) толалардан, металлдан (тилла, кумуш) тайёрланган иплардан фойдаланилади. Шунингдек, дур, нозик, пистон, баъзан қимматбаҳо тош ва тангалар кенг ишлатилади. Мато, мўйна, чармлардан қуроқ тикишда каштадан фойдаланилади.

Кашта буюмлар (палак, сўзана, чойшаб, гулкўрпа, кирпеч, дорпеч, зардевор) кийимлар (кўйлак, дўппи, нимча, пешонабанд, камар) турмушда кенг ишлатилади. Кашта чоклари, кашта тикиш ва услубларининг турли-туманлиги ўзбек каштадўзларининг катта санъатидан далолат беради. Масалан Нурота, Бухоро, Самарканд каштадўзлик маҳсулотлари кўпроқ йўрма чок билан, Шахрисабзда йўрма, кандахаёл, ироқи, Тошкентда эса кўпроқ босма чок билан тикилган.

**Қуроқ** - майда бўлаклардан улаб, тўплаб безак яратиш; шу усулда ясалган безак, буюм ҳам қуроқ деб аталади. Турли ранг ва шаклдаги майда мато парчаларидан буюм, безак ҳосил қилинади. Қуроқчилик амалий санъатда кенг тарқалган бўлиб, кўрпа, кўрпача, чойшаб, сўзана, дастурхон, гилам ва бошқа жиҳозлар қадимда шу усулда тайёрланиб, ажойиб санъат намуналари яратилган.

**Гиламчилик** – табиий (ҳайвон жуни, ўсимлик толаси) ва сунъий толадан турли хилдаги гиламлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоғи. Гиламчилик бадиий хунармандлик соҳаси сифатида турли давлатларда ўзига хос шаклда ривожланиб келган.

Қўлда гилам тўқиш Ўрта Осиёда, айниқса Туркменистонда кенг ривожланган. Қўлда гилам тўқиш ниҳоятда сермашаққат иш, тўқувчидан кунт, дид ва маҳорат талаб қилади. Патли гиламларни тўқиш айниқса мураккаб. Қўлда тўқилган гилам пати, нақш мужассамоти асос ипига рангли иплардан тугиб бандлар ҳосил қилиб яратилади. Тугун учи матонинг юз томонига чиқариб текис қирқилади. Ҳар бир қатордан сўнг арқоқ ип ўтказиб маҳсус

темир тарокда уриб аввалгисига маҳкамланади. Тайёр гилам махсус кимёвий моддалар ёрдамида ювилади. Гиламлар турли хажмларда тайёрланади. Ўрта Осиё гиламлари учун хос бўлган, нақшнинг аниқлиги, гўзал бўлиши ва рангларнинг уйғунлиги уларнинг бадиий қийматини оширган.

Андижон, Самарқанд гиламлари, қорақалпоқлар тўқиган ўтов жиҳозлари бадиий жиҳатдан моҳирона ишланган. Андижон гиламларининг пати қиска, қалин ва майин бўлади. Самарқанднинг рангдор узун патли жулхирс (“айиқ тери”) гилами ўзига хослиги билан ажралиб туради.

**Қўғирчоқсозлик** – халқ амалий санъати ҳамда санъатнинг бошқа турлари сингари инсонларнинг табиатни, ён атрофни, борлиқни кузатишлари, ундан хайратланишлари ёки қўрқишлари, завқланишлари асосида туғилган. Республикамиз ҳудудида олиб борилган қазилмалар вақтида топилган одамларнинг ёки ҳайвонларнинг, фантастик-хаёлий жонзотларнинг лойдан ишланган кичкина ҳайкалчалари бунга мисол бўлиши мумкин. Ўрта Осиё ҳудудида яшаган халқлар асосан деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишган ва уларнинг санъати шу турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган. Бир вақтлар диний характердаги Ашшадароз (Хоразм вилояти), Сув Хотин (Сурхондарё вилояти) тотем ёки маъбуда Анахита кўринишлари вақт ўтиши билан катта хажмдаги маросим қўғирчоқларига айланган. Ҳалкимиз азалдан болажон халқ бўлган. Болалар учун эса овунчоқ қўғирчоқлар керак бўлган. Қўй Қўчқор, ўрдак, ғоз, хўроз, балиқ, чиғаноқ шаклидаги хуштаклар ҳам овунчоқ ҳам дидактик ўйинчоқ вазифасини бажарган. Осиё халқларида арусаксоз, қўғирчоқсоз, куржокчи каби касб эгалари маҳаллий хом ашёдан диний, маросим ёки овунчоқ мақсадида ўйинчоқ-қўғирчоқлар яшашган ва улар Буюк Ипак Йули орқали куп халқларга тарқалган. Маҳаллий хом ашё деганда тупроқ-лой, ёғоч, қамиш, мато, жун, қамиш, суяк каби материаллар назарда тутилмоқда. Афсуски, даврлар аро синалган энг мустаҳкам хом ашё бу оловда пиширилган лой -керамика сопол бўлиб чиқди. Чунки айнан сопол қўғирчоқ-ўйинчоқларгина биз кадимий аждодларимиздан етиб келган холос. Музейларда сақланаётган аравага қўшилган от ҳайкалчаси, аждарҳо кўриниши ҳайкалчаси шулар жумласидандир. Лой сополдан ишланган ўйинчоқлар анъанасини ўтган асрда Бухоролик Хамро буви сақлаб қолиб, уз жиянларига ўргатиб кетган. Бугунги кунда ушбу анъанани Кубаро ая давом эттириб келмоқда.

Мустақиллик туфайлигина ушбу маданият, санъатимизнинг бир кўриниши миллий қадриятимиз ҳисобланган, йўқолиб кетган қўғирчоқсозлик санъати қайта тиклана бошланди. Бухорода, водийда, Тошкентда лойдан ишланган қўғирчоқларга эътибор берилган бўлса, бошқа маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган маиший характердаги, совғабоп қўғирчоқлар Хоразм

вилоятида Курязов Мансур раҳбарлигидаги бир гуруҳ ташаббускор ижодкорлар томонидан тайёрлана бошланди.

**Ганчкорлик** – бадиий ҳунармандлик тури; амалий санъатнинг ганчда ишлаш билан боғлиқ соҳаси. Биноларни безатишда, меъморий деталлар ишлашда, девор ва шифтларни сувашда, безак шакллари ҳамда ўйма нақш ва тасвирлар яратишда кенг қўлланилади. Ганчкорликда безак икки усулда бажарилади: ўймакори усулида бино девори ганч сувоқ қилиниб, безатиладиган қисмига нақш ишланади. Қолипаки усулида тайёр безак ганч тахталарида безатиладиган сиртга ўрнатилади. Қолипаки усули безакни бирданига кўп миқдорда тайёрлаш имконини беради. Ҳозир корхоналарда қолиплар ёрдамида кўп нусхада тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон ҳудудида ганчнинг мўллиги ҳамда унда ишлашнинг қулайлиги ганчкорликни қадимдан махсус касб сифатида шаклланишига сабаб бўлган. Соҳа маҳобатли бинолар қурилиши, умуман меъморлик, амалий ва тасвирий санъат ривожини билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Қадимдан тош, ғишт, сопол, ёғоч билан бир қаторда ганчдан ҳам кенг фойдаланилган; ўйма нақш ва тасвир ишлашга қулайлиги эса ганч ўймакорлигини ривожлантирган.

### **Назорат саволлари**

1. *НММ Конвенцияси Ўзбекистонда қачон ратификация қилинган?*
2. *Ўзбекистон қачондан НММ Конвенциясининг иштирокчисига айланди?*
3. *Ўзбекистонда НММ муҳофазаси билан боғлиқ Давлат дастури қачон қабул қилинган?*
4. *Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қачон тасдиқланган?*
5. *Қонунчиликка НММ билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар қачон киритилган?*
6. *Ўзбекистонда НММнинг нечта рўйхати юритилиши белгиланган?*
7. *Рўйхатлар ким томонидан тасдиқланади?*
8. *Рўйхатларни юритиш тартиби қайси ҳужжатда белгиланган?*
9. *Тарихий-маданий экспертиза ким томонидан ўтказилади?*
10. *Давлат дастури нечта банддан иборат?*

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Маданият соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.

2. List of Intangible Cultural Heritage in Need of Urgent Safeguarding. UNESCO, 2009.

3. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, 2014, Paris.

4. Ў.Тошматов, Н.Исакулова. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (монография). Тошкент, 2015 й.

5. Основные тексты Международной конвенции об охране нематериального культурного наследия. ЮНЕСКО, 2014 г.

### **3-мавзу: Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенциясини миллий даражада имплементация қилиш. (2 соат)**

#### **Режа:**

- 3.1. ЮНЕСКО ва унинг Конвенциялари.
- 3.2. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг зарурати ва бу борада амалга оширилган ишлар.
- 3.3. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенциясининг мақсад ва вазифалари.
- 3.4. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенциясининг миллий даражада имплементациясини ташкил этувчи асосий ҳужжат.
- 3.5. Номоддий маданий мерос муҳофазаси билан боғлиқ халқаро лойиҳалар.

**Таянч иборалар:** *БМТ, ЮНЕСКО, иштирокчи давлат, Оператив йўриқнома, Бош ассамблея, Ҳукуматлараро қўмита, Котибият, Репрезентатив рўйхат, ратификация, номоддий маданий мерос соҳалари, билим ва кўникмалар, ҳамжамият, меросни ўзида сақловчилар, нодавлат-ноҳукумат ташкилотлари, Миллий дастур.*

#### **3.1. ЮНЕСКО ва унинг Конвенциялари**

ЮНЕСКО (БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти) 1946 йилда ташкил этилган ҳукуматлараро халқаро ташкилотдир. Ҳозирги кунда у 195 иштирокчи-давлатларни бирлаштирган. Ташкилотнинг асосий вазифаси тинчликни сақлаш, барқарор тараққиёт, ва маданиятлараро диалогни ташкил этиш, шунингдек, қашшоқликка ва турли тенгсизликларга қарши курашиш ишларига таълим, фан, маданият ва коммуникацияни сафарбар этишдан иборатдир.

Конвенция одатда, миллий ва халқаро миқёсда умумий мақсадларни амалга ошириш йўлидаги ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ушбу мақсадларни амалга ошириш стандартлари ва услубларини ҳам акс эттиради. Кўптомонлама конвенциялар эса турли нуқтаи-назарларни мувофиқлаштирувчи хусусиятга эга бўлганлиги сабабли уларнинг қабул қилиниши учун кўплаб йиллар талаб этилади.

ЮНЕСКОнинг маданият ва мерос соҳаларида (муаллифлик ҳуқуқларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) етгита конвенцияси мавжуд бўлиб, улар (а) моддий, номоддий ва табиий мерос; (б) ҳозирги кунда маданий турфа хилликнинг намоён бўлиши йўналишларида қабул қилинган:

- Маданий ўзликни ифодалаш турфа хиллиги шакллари муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида Конвенция (2005).

- Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция (2003 й.)<sup>3</sup>.
- Сув ости маданий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция (2001 й.).
- Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция (1972 й.).
- Маданий бойликларнинг ноқонуний олиб кирилиши, олиб чиқилишини таъқиқлаш ва мулк ҳуқуқларининг ўтказилишига қаратилган тадбирлар тўғрисида Конвенция (1970 й.).
- Куролли тўқнашувлар чоғида маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисида Конвенция (1954 й.).
- Жаҳон муаллифлик ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (1952, 1971 йй.).

ЮНЕСКОнинг маданият ва мерос бўйича уч конвенцияси маданий турфа хилликни сақлашга муносиб ҳисса қўшадиган ҳужжатларидир ва улар маълум маънода бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эга.

1972 йилда қабул қилинган Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенцияси (Жаҳон мероси Конвенцияси номи билан ҳам юритилади)нинг асосий мақсади буюк ва универсал қимматга эга бўлган мероснинг муҳофазасига қаратилган. Бу Конвенцияни ЮНЕСКОнинг 194 аъзосидан 189 таси ратификация қилган бўлиб, Бутунжаҳон мерос рўйхати мавжудлиги сабабли у ЮНЕСКО конвенцияларининг энг таниқлисидир. 2003 йилда қабул қилинган Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида Конвенция (Номоддий мерос Конвенцияси деб ҳам юритилади) жаҳондаги ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг номоддий маданий меросини асрашга қаратилган. 2020 йил апрель ҳолатига кўра ушбу Конвенциянинг аъзолари рўйхатида 169 та давлат мавжуд. Бу Конвенция Бутунжаҳон мероси Конвенциясидан фарқ қилади, лекин унинг яратилишига мазкур Конвенциянинг таъсири сезилади.

Маданий ўзликни ифодалаш турфа хиллиги шакллари муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш тўғрисида Конвенция (2005 й.) ижодий ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш, кенгайтириш орқали маданий турфа хилликни рағбатлантиришга қаратилган. 2020 йил апрель ҳолатига кўра ушбу Конвенция аъзоларининг рўйхати 141 та давлатни ташкил этади.

---

<sup>3</sup> Конвенциядаги «safeguarding» термини «сақлаш» маъносини билдирсада, уни ўзбек тилида “муҳофаза қилиш” термини тўларок ифодалайди

### **3.2. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишнинг зарурати ва бу борада амалга оширилган ишлар.**

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш зарурати ва бунинг учун зарур механизмларни яратиш тўғрисида мунозаралар 1970 йиллардан бошланиб, Боливия томонидан киритилган эди. 1989 йилда ЮНЕСКО Фольклорни сақлаш бўйича Тавсияларни қабул қилди ва Шарқий Осиё давлатлари ташаббуси билан 1993 йилда Инсониятнинг тирик дурдоналари Дастури бошланди, бунинг натижасида 1998 йилдан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналарини эълон қилиш” ишлари бошланди.

«Инсониятнинг тирик дурдоналари» ва «Дурдоналар» бўйича тавсиялар ва дастурларда экспертлар томонидан киритилган ва Жаҳон мероси Конвенциясида қўлланилган бутунжаҳон аҳамиятига эга бўлиш принципи катъий танқидга учради ва Номоддий маданий мероснинг муҳофазасида ҳамжамиятлар иштирокини таъминлаш ва иерархиядан қочиш масаласи кўтарилди. Бундай янги ёндашув Номоддий маданий мероснинг буюклиги ва уларни етказувчиларнинг маҳорат даражасига эмас, Номоддий маданий мерос билан боғлиқ билим ва кўникмаларнинг авлоддан-авлодга ўтказилишини асосий вазифа сифатида эътироф этади. 1990-йилларнинг охирида янги стандартлаштирувчи ҳужжат яратиш ғояси ЮНЕСКОга аъзо давлатлар, айниқса Шарқий Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари томонидан фаол илгари сурилди. 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан Котибиятга ҳукуматлараро учрашувни ташкил этиш ва бунда “халқаро конвенциянинг дастлабки варианты” матни бўйича келишувга эришиш бўйича топширик берилди. Кейинроқ, 2002 йилнинг сентябридан 2003 йилнинг июнигача муддатда Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенция тайёрланди. У 2003 йилнинг октябрь ойида ЮНЕСКО Бош конференциясида қабул қилинди; тез орада уни ратификация қилиш ишлари бошланди, иштирокчи-давлатларнинг сони 30 тага етгандан уч ой ўтгандан кейин, яъни 2006 йил 20 июнидан у кучга кирди. Конвенция таажжубланарли ҳолда тез ратификация қилинди ва 2012 йилнинг апрель ойи ҳолатига кўра уни ЮНЕСКОга аъзо 193 давлатнинг 142 таси (учдан икки қисмидан ортиғи) ратификация қилиб бўлган эди.

### **3.3. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенциясининг мақсад ва вазифалари.**

Номоддий маданий мерос аксарият ҳолларда моддий мерос ҳисобланган жой, бино, предметлар, хом ашё, кийимлар, асбоблар билан боғлиқ, ва ўз



навбатида моддий мерос ҳам уни яратиш билан боғлиқ номоддий мерос ва амалиёт билан боғлиқ бўлади. Моддий ва номоддий мероснинг бундан қоришувини инкор этмаган ҳолда ЮНЕСКОга аъзо давлатлар томонидан алоҳида Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича конвенция яратиш таклифи маъқулланди. Бунинг асосий сабабини Жаҳон мероси конвенциясига киритиладиган қўшимча ва ўзгаришлар билан Номоддий маданий меросни муҳофазасига оид барча тадбирларни қамраб олиш имкониятининг чегараланганлигидан ахтариш лозим. Шунингдек, моддий мерос билан номоддий мероснинг ҳамжамиятлар иштирокидаги муҳофазаси бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Ўз навбатида моддий мерос муҳофазасида анъанавий равишда ўтмиш билан боғлиқ предметлар ва биноларни сақлаш масаласи асосий ўрин тутса, номоддий меросда - тирик ва ҳозирда мавжуд бўлган билим ва кўникмаларни муҳофаза қилиш, намоён этиш ва кейинги авлодга етказиш масалалари муҳим ҳисобланади.

Конвенциянинг расмий равишда тан олинган олти (инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз) тилларидаги таржималари мавжуд. Кўплаб мамлакатларда унинг бошқа тилларга таржималари яратилган.

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция 9 та бўлим 40 та моддадан иборат бўлиб, биз қуйида ундаги бизнинг фаолиятимизга тааллуқли бўлган бўлим ва моддаларига тўхталамиз, чунки, уни миллий даражада имплементациясини ташкил этиш бўйича асосий вазибалар 2010 йил 7 октябрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Давлат дастурида қамраб олинган. Шунинг учун мазкур Давлат дастурининг бандлари қай даржада Конвенция талабларини акс эттириши ва унинг амалга оширилиши имплементациянинг даржасини белгилаб беради.

Конвенцияни қабул қилиш зарурати ифодаланган бандларда “глобаллашув ва ижтимоий ўзгаришлар жараёни ҳамжамиятлар ўртасида ўзаро мулоқот ўрнатиш учун қулай замин яратиш” мақсади, “муросасизликнинг келиб чиқиши, деградацияланишнинг жиддий таҳдид манбаи бўлиши”, шунингдек, “номоддий маданий меросни сақлаш бўйича маблағларнинг етишмаслиги оқибатида унинг йўқолиб кетиш ва бузилиб кетиш хавфи” мавжудлиги таъкидланади. Шу муносабат билан “инсониятнинг номоддий маданий меросни муҳофаза этиш йўлидаги умумий интилишларини, саъй-ҳаракатларини ва бу борадаги умумий хавотир” ҳам эътироф этилади.

Кейинги бандларда номоддий маданий мерос аслида инсонларнинг ижодкорлик фаолияти натижасида яратилиши таъкидланади ва “ҳамжамиятлар, хусусан туб аҳолига мансуб ҳамжамиятлар ва айрим ҳолларда

алоҳида шахсларнинг номоддий маданий меросни барпо этишда, муҳофаза қилишда, сақлашда ва қайта бунёд этишда, ва шу тарика маданий турлитуманликни бойитишда ва инсониятнинг ижодкорлик қобилиятини оширишда муҳим роль ўйнаши” айтилади. Ушбу меросни сақлаш бўйича янги тартиб ва қоидаларни жорий этиш мақсадида “маданий ва табиий меросни сақлаш бўйича халқаро шартномаларни, амалдаги тавсия ва резолюцияларни номоддий маданий мерос соҳасидаги янги қоидалар билан бойитиш ва самарали тўлдириш” муҳимлиги ҳисобга олинади. Номоддий маданий меросни сақлаш ва тарғиб этишдан ташқари унинг ўта муҳим ўрни - “ёш авлодлар томонидан чуқур ҳис этилиши кераклиги” алоҳида таъкидланади. Бу ерда яна “номоддий маданий мероснинг кишилар ўртасида ўзаро яқинлашуви, мулоқот, ўзаро тушуниш” даги бебаҳо роли эътироф этилади.

Конвенциянинг мақсадлари сифатида қуйидагилар қайд этилган:

номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш;

тегишли ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва алоҳида шахсларга мансуб номоддий маданий меросни ҳурмат қилиш;

номоддий маданий мероснинг муҳимлигига ва маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда унинг умум томонидан тан олинисига эътиборни жалб қилиш;

халқаро ҳамкорлик ва ёрдам кўрсатиш.

Конвенциянинг 2-моддасида матнда учрайдиган асосий тушунчаларга таъриф берилган бўлиб, биз олдинги мавзуда алоҳида тўхталган “номоддий маданий мерос” тушунчасига алоҳида тўхталган ва мероснинг йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддада (кейинчалик матндаги қайтариқларни қисқартириш мақсадида) “муҳофаза” сўзи доимий равишда жуда кенг, яъни - “номоддий маданий мерос ҳаётийлигини таъминлаш, шу билан бирга, уни идентификациялаш, ҳужжатлаштириш, тадқиқ қилиш, сақлаш, ҳимоя қилиш, оммалаштириш, родини ошириш, тарғиб қилиш чораларини, асосан расмий ва норасмий таълим ёрдамида амалга ошириш, ҳамда бундай мероснинг турли жиҳатларини қайта барпо этиш” маъноларида қўлланилиши ёзилган.

Конвенциянинг иккинчи бўлими Конвенция органларига бағишланган. Унга кўра унинг энг олий органи – Бош ассамблея бўлиб, ҳар икки йилда бир маротаба ўз йиғилишларини ўтказди. Бундан ташқари иштирокчи-давлатлар томонидан тавсия этиладиган номзодлардан ташкил топган – Ҳукуматлараро қўмита ва доимий фаолият олиб борувчи – Котибият ҳам ташкил этилади. Бу бўлимда мазкур органларнинг ваколатлари, иш услуби, сайланиш муддатлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалалар ёритилади.

### **3.4. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш Конвенциясининг миллий даражада имплементациясини ташкил этувчи асосий ҳужжат**

“Номоддий маданий меросни миллий даражада муҳофаза қилиш” мавзусидаги учинчи бўлимда иштирокчи-давлат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва унга юкланадиган мажбуриятлар қайд этилган. Шу муносабат билан мазкур бўлимнинг моддаларига алоҳида тўхталамиз ва батафсил тушунтиришлар беришга ҳаракат қиламиз. Талаблар билан бир қаторда мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ва режалаштирилган вазифаларни ҳам таҳлил этамиз.

**Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз ҳудудида жойлашган номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича тегишли чораларни кўриши лозим.** Бу борада малакатимизда қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги, махсус дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётганлигини эътироф этиш лозим.

**Номоддий маданий мерос ҳаётийлигини таъминлаш, шу билан бирга, уни идентификациялаш, ҳужжатлаштириш, тадқиқ қилиш, сақлаш, ҳимоя қилиш, оммалаштириш, ролини ошириш, тарғиб қилиш чораларини, асосан расмий ва норасмий таълим ёрдамида амалга ошириш, ҳамда бундай мероснинг турли жиҳатларини қайта барпо этиш доирасида ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий мероснинг турли хил унсурларини ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва тегишли ноҳукумат ташкилотлар иштирокида идентификациялаши ва аниқлаши лозим.** Давлат дастурининг тегишли бандларида бу бандда белгиланган вазифаларнинг ҳаммаси назарда тутилган. Хусусан, 7-бандда “Ўзбекистоннинг қадимий фольклор ва анъанавий ижрочилиги сақланиб қолган Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси бўйлаб комплекс фольклор экспедициялари уюштириш” режалаштирилган бўлиб, 55 ва 56-бандларда ушбу экспедицияларга маданиятшунослар, санъатшунослар, фольклоршунос, этнограф ва экспертларнинг, шунингдек, олий таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг жалб этилиши ва ушбу тадбирларнинг молиялаштирилиши масалалари киритилган. Бундан ташқари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон ва Хитойда яшовчи ўзбеклар фольклорини ёзиб олишни ташкил этиш (8-банд) ҳам кўзда тутилган.

Иштирокчи-давлатлар томонидан юритилиши лозим бўлган рўйхатлар бўйича қуйидаги вазифалар белгиланган:

**Ҳар бир иштирокчи-давлат .... ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий мерос объектларининг бир ёки бир нечта рўйхатини тузади. Бу рўйхат мунтазам равишда янгилаб турилиши лозим.** Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 февралдаги 47-сонли қарори билан “Номоддий маданий мерос объектларининг рўйхатини юритиш тўғрисидаги низом” тасдиқланган ва шу асосда мамлакатимизда 4 хил рўйхат юритилмоқда.

1. Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига тавсия этилаётган объектлар рўйхати.

2. Зудлик билан муҳофаза остига олиниши лозим бўлган номоддий маданий мерос объектларининг рўйхати.

3. Номоддий маданий мерос объектларининг миллий рўйхати.

4. Номоддий маданий мерос объектларининг маҳаллий рўйхати.

**Ҳар бир иштирокчи-давлат Қўмитага мунтазам равишда ўз ҳисоботини бериб борар экан, ушбу рўйхатлар тўғрисида ҳам тегишли маълумотномаларни тақдим этиши лозим.** Ушбу банд талабларига кўра ҳар бир иштирокчи-давлат ҳар 6 йилда бир маротаба ЮНЕСКОга ўз ҳисоботини тақдим этиши лозим. Давлат дастурининг 20-бандида “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро Конвенция талабларининг бажарилиши борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар тўғрисида 2014 ва 2020 йилларда ҳисоботларни тайёрлаш ва белгиланган тартибда ЮНЕСКО ташкилотига тақдим этиш” вазифаси белгилаб қўйилган.

13-моддада муҳофаза қилишнинг бошқа чоралари ҳам белгиланган. Унда – **“Номоддий маданий мероснинг жамиятдаги ролини ошириш ва ушбу меросни муҳофаза қилишни режалаштириш дастурига киритишга йўналтирилган умумий сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади”** дейилган. Давлатимиз сиёсатида халқимизнинг маънавий бойлигини асраш, урф-одат ва маросимларимиз воситасида ёшларни тарбиялаш кенг ўрин эгаллаган. Янги Қонун қабул қилиниши, Давлат дастурининг ишлаб чиқиши ва ҳаётга татбиқ этилиши, бу борада ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиши бунини исботлайди.

Навбатдаги бандларда ҳам қатор вазифалар қўйилган. Биз қуйида ушбу вазифаларни Давлат дастурида кўзда тутилган бандлар билан солиштиришда давом этамиз.

**Ўз ҳудудида мавжуд бўлган номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга ихтисослашган бир ёки бир нечта ваколатдор ташкилотни аниқлайди ёки ташкил этади.** 2009 йил октябрда қабул қилинган Қонун, Давлат дастури, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 февралдаги 47-сон қарорига мувофиқ ушбу фаолият билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасалар аниқланган.

**Номоддий маданий меросни, хусусан, хавф остида бўлган номоддий маданий меросни самарали муҳофаза қилиш мақсадида илмий, техникавий, санъатшунослик соҳасидаги тадқиқотларга, шунингдек, илмий-тадқиқот методологияларини ишлаб чиқишга яқиндан кўмаклашади.** Давлат дастурининг 5-бандида номоддий маданий мероснинг барча йўналишлари бўйича грантлар ажратилишини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, тадқиқот ишларига ёш олимларни жалб этиш вазифаси қўйилган. Шунингдек, 31-бандда мусиқа, маданият ва санъат таълим йўналишларида ўқиётган талабаларнинг номоддий маданий мерос борасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва ушбу йўналишдаги энг яхши тадқиқотлар танловларини эълон қилиш, ғолибларни рағбатлантириш, энг сара ишларни илмий тўплам шаклида чоп этиш вазифаси қўйилган.

**Номоддий маданий меросни бошқариш соҳасида кадрлар тайёрловчи муассасаларни ташкил этиш ёки мустаҳкамлашга кўмаклашиш.** Давлат дастурининг 13 та банди (21-33 бандлар) соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва малака ошириш ишларини ташкил этиш масалаларига бағишланган бўлиб, унда мактаб таълимидан бошлаб, ўрта-махсус ва олий таълимда, шунингдек ундан кейинги таълим босқичларида ҳам мазкур вазифаларни бажариш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

**Номоддий маданий меросдан фойдаланиш имкониятини ошириш.** Давлат дастурининг “Номоддий маданий мерос тарғиботида маданий туризм дастурларидан кенг фойдаланиш” масалаларига бағишланган бўлимининг 6 та банди (49-54 бандлар) ва дастурнинг қатор бошқа бандларида мамлакатимиз аҳолиси ва хорижлик меҳмонларнинг номоддий маданий меросдан баҳраманд бўлишини янада яхшилаш масалалари ёритилган.

**Номоддий маданий меросни хужжатлаштириш билан шуғулланувчи муассасаларни барпо этиш ва улардан фойдаланишни энгиллаштириш.** Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази қошида махсус Хужжатлаштириш бўлими ташкил этилган. Ушбу бўлим бюджет маблағлари ва ЮНЕСКО томонидан ажратилган 18 минг АҚШ доллари эвазига замонавий аудио, видео, фото ускуналари, шунингдек, типография анжомлари билан таъминланган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими ҳам тегишли замонавий анжомлар билан бойитилди. Фанлар академияси тасарруфидаги Санъатшунослик институтида махсус Хужжатлаштириш бўлими ташкил этилиши режалаштирилган. Номоддий маданий меросни тарғиб этиш мақсадида махсус веб-сайт ([WWW.nmm.uz](http://WWW.nmm.uz)) ишлаб турибди.

Таълим, жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириб бориш ва салоҳиятни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган 14-моддада белгиланган вазифалар ижроси бўйича қуйидагиларни келтириш мумкин.

**Таълим дастурлари орқали жамоатчиликнинг, хусусан, ёшларнинг номоддий маданий мерос тўғрисидаги билимларини ошириш.** Давлат дастурининг 21- бандида номоддий маданий меросни ўрганиш масалаларини олий таълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг тегишли фанлар ўқув дастурларига киритиш, қўлланмалар тайёрлаш ва чоп этиш режалаштирилган.

**Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш соҳасида, хусусан, бошқарув ва илмий тадқиқот масалалари билан боғлиқ имкониятларни ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.** Давлат дастурининг биринчи бўлими тўлалигича номоддий маданий мероснинг бошқаруви, иккинчи бўлими эса номоддий маданий меросни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқот ишларини ташкил этиш масалаларини қамраб олади.

**Билимларни тарқатишнинг норасмий усулларида фойдаланиш.** Дастурнинг 25-бандида номоддий маданий меросни сақловчи ва етказувчиларни ўқув дастурларини такомиллаштириш ишларига ва бевосита ўқув жараёнига жалб этиш, уларга шарт-шароитлар яратиш, 32-бандида номоддий маданий мерос билан шуғулланувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, 36-бандида номоддий маданий мерос муҳофазаси ва тарғиботи масалаларига бағишланган махсус “Мерос” илмий-оммабоп журналинини ташкил этиш масалалари қамраб олинган.

**Номоддий маданий меросга хавф солаётган таҳдидлар, шунингдек, мазкур Конвенциянинг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб туриш.** Дастурнинг 6- бўлими номоддий маданий меросни сақлаш ва унинг муҳофазасини ташкил этиш бўйича олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларига йўналтирилган бўлиб, унинг 40-45 бандларида ушбу масалалар тўлиқ қамраб олинган.

Конвенциянинг 15-моддасида ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг иштироки масаласи хусусида шундай вазифа қўйилган:

**Ҳар бир иштирокчи-давлат номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш доирасида шундай меросни бунёд этиш, муҳофаза қилиш ва тақдим этиш билан шуғулланувчи ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг имкон қадар кенг иштирокини таъминлашга ҳаракат қилади ҳамда уларнинг бундай меросни бошқаришга жалб қилинишлари ва фаол иштирок этишлари учун кўмаклашади.** Ушбу вазифалар тўлалигича Давлат дастурида кўзда тутилган. Хусусан, 7-бўлим номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорлик тармоғини

ривожлантириш масалаларини қамраб олиб, унга кўра номоддий маданий мерос масалалари билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлари ва муассасаларининг уюшмасини ташкил этиш, улар томонидан ўтказиладиган номоддий маданий мерос билан боғлиқ танлов, кўрик, фестиваль, кўргазмаларнинг йиллик режалари ишлаб чиқилиши, мувофиқлаштирилиши ва эълон қилинишини таъминлаш, маҳаллаларда номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш ва тарғиб этиш борасидаги ишларни режалаштириш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда амалга ошириш мўлжалланган.

Конвенциянинг IV бўлими номоддий маданий меросни халқаро миқёсда муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган. Ушбу бўлимнинг 16 ва 17 моддаларига асосан иккита халқаро рўйхат - Инсониятнинг номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхати ва Кечиктириб бўлмас муҳофазага муҳтож номоддий маданий мерос рўйхати юритилиши белгилаб қўйилган. Репрезентатив рўйхатга Ўзбекистондан 8 та (Бойсун маданий муҳити, Шашмақом, Катта ашула, Наврўз, Аския, Палов маданияти ва анъаналари, Хоразм ракси лазги, Миниатюра санъати) объект киритилган. Шунингдек, Илғор тажрибалар реестрига 2017 йилда “Марғилон хунармандчилик марказининг атлас ва адрас матоларини тўқишда анъанавий услубларни сақлаб қолиш тажрибаси” киритилди ва бу номзод ушбу рўйхатда Марказий Осиёдан ягона номзод бўлиб қолмоқда. Ҳар икки рўйхатга ва реестрга номзодномаларни тайёрлаш ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

57 банддан иборат Давлат дастурида 10 йил давомида номоддий маданий меросимизни муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланишнинг энг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.

Давлат дастурининг “Номоддий маданий меросни илмий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқот ишларини ташкил этиш” масалаларига бағишланган бўлимида 2011 йилдан бошлаб ҳар икки йилда номоддий маданий мерос муаммоларига бағишланган халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларини ўтказиш кўзда тутилган.

Ушбу бўлимда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси зиммасига номоддий маданий мероснинг барча йўналишлари бўйича грантлар ажратилишини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, тадқиқот ишларига ёш олимларни жалб этиш вазифаси юкланган.

Ўзбекистон Фанлар академияси зиммасига эса:

номоддий маданий мерос тарихининг моҳиятини очиб берувчи қадимий кўлёмалар, фоно ёзувларни синчиклаб ўрганиш ва уларни турли тилларда босма кўринишда ва замонавий дискларда чоп этишни йўлга қўйиш;

Ўзбекистонда Наврўзнинг тикланиш тарихи ва мустақиллик йилларида унинг ҳам мазмунан, ҳам шаклан бойиши жарёнини тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш;

“Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 томлигини асар матни, нотаси ва изоҳлари билан нашрга тайёрлаш;

номоддий маданий мерос масалалари билан шуғулланувчи махсус бўлинма фаолиятини ташкил этиш вазифалари юкланган. Ҳозирда ушбу ташкилот зиммасига юкланган энг катта вазифалардан бири – 100 томликни нашрга тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган. Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган режа асосида халқ ижодиётини барча жанрларидан энг юксак намуналари киритиладиган тўпламлар нашрга тайёрланмоқда.

Ўз навбатида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги зиммасига ушбу бўлимда:

Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси бўйлаб комплекс фольклор экспедициялари уюштириш;

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон ва Хитойда яшовчи ўзбеклар фольклорини ёзиб олишни ташкил этиш;

“Гўрўғли”, “Алпомиш” сингари дostonларни фундаментал илмий тадқиқ этиш ишларини янада кучайтириш;

ўзбек анъанавий мусиқасига оид маълумотларни жамлаш ва яхлит ҳолда чоп этилишини ташкил этиш вазифалари юкланган. “Ўзбек анъанавий мусиқаси” кўп томлик анталогияси нашрга тайёрлаш, унда “Шашмақом”, Хоразм ва Фарғона-Тошкент мақомлари, дутор ва сурнай мақом йўллари, “Феруз” ва “Ушшоқ” каби туркумларнинг замонавий ижрочилар талқинида ёзиб олиниши ва таълим дастурларида кенг фойдаланиш учун CD, DVD, мультимедиа кўринишларида тайёрлаш ишлари ҳам режалаштирилган. Ҳозирда Фарғона-Тошкент мақомларини тўлиқ ёзиб олиш ва уларни тизимга солиш ишларига соҳанинг етук мутахассислари жалб этилган, ЮНЕСКОнинг Қорақалпоқ анъанавий мусиқасини хужжатлаштириш лойиҳаси асосида 100 дан ортиқ созанда ва хонандаларнинг 300 дан ортиқ кўшиқ ва куйлари ёзиб олинди. Уларнинг илк намуналари Францияда аудиодиск шаклида чиқарилган.



Номоддий маданий меросни рўйхатга олиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни хужжатлаштириш масалалари (III бўлим) тўлалигича Маданият ва спорт ишлари вазирлиги зиммасига юкланган. Унга кўра номоддий маданий меросни хужжатлаштириш, архивлаштириш, маълумотлар базасини ташкил қилиш андозалари ишлаб чиқилиб, мамлакатимизда жорий этилган 4 хил рўйхатга объектлар киритилмоқда ва мунтазам равишда улар тўғрисидаги маълумотлар янгиланмоқда.

Давлат дастурининг энг катта бўлими – “Соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва малака ошириш ишларини ташкил этиш” деб номланади.

Бу бўлимдаги 13 та бандда қўйилган асосий вазифалар:

- номоддий маданий мерос масалаларини таълим жараёнига тадбиқ этиш;
- ёшларимизнинг номоддий маданий мерос намуналаридан баҳраманд бўлишига эришиш;
- ёш авлодни халқимизнинг бебаҳо меросимиз намуналари асосида тарбиялаш;
- номоддий маданий мерос соҳасида кадрлар тайёрлаш;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларига қаратилган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ўрта мактабдан бошлаб то олий таълимнинг барча босқичларигача, шунингдек, мактабдан ташқари таълимда номоддий маданий мерос масалаларининг ёритилишига эришиш, ёшларни номоддий маданий меросни тўплаш ва хужжатлаштириш ишларига жалб этиш, улар иштирокида турли кўрик-танловлар, кўргазмаларни ташкил этиш, ёшларнинг ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш ишларини ташкил этиш лозим бўлади.

Номоддий маданий мерос объектларини сақлашнинг амалий чора-тадбирлари баён этилган бўлимдаги вазифалар асосан Ўзбекистон Фанлар академияси, Миллий ахборот агентлиги, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектуризм” миллий компанияси зиммасига юкланган бўлиб:

мақоллар, маталлар, афсона ва ривоятлар, ҳикоятлар тўпламларини нашр этиш;

миллий кадрият ва анъаналарни тараннум этувчи сахна асарлари яратилишини таъминлаш;

махсус “Мерос” илмий-оммабоп журнали фаолиятини йўлга қўйиш;

босма нашрлар, видео ва аудио маҳсулотлар, шунингдек, хунармандчилик моллари тайёрланишини жонлантириш ва сотувга чиқариш; халқ сайиллари ва фестивалларни ўтказиш масалалари қамраб олинади.

“Номоддий маданий меросни сақлаш ва унинг муҳофазасини ташкил этиш бўйича олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари” деб номланган VI бўлимда 6 та банд бўлиб, ушбу бўлимдаги оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ишларининг асосий ижрочилари этиб Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги белгиланган. Уларнинг зиммасига номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, асраш ва улардан фойдаланиш борасида амалга ошириладиган ишлар, илғор тажрибаларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш. Бунда давлат ва нодавлат ташкилотлари ва муассасаларининг фаолияти, янги ташаббуслар, номоддий маданий мероснинг ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлашдаги ўрни, кўрсатув ва эшиттиришларда эксперт ва мутахассисларнинг иштироки масалаларига ахлоқда эътибор қаратилиши белгиланган. Шу билан бир қаторда ушбу масалаларнинг босма ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилишига эътибор қаратиш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги зиммасига эса Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ҳар йили номоддий маданий мероснинг тарғиботи билан боғлиқ фестиваллар ўтказилишини ташкил этиш, Республика “Маҳалла” жамғармаси билан ҳамкорликда маҳалла, туман, вилоят ва республика босқичларига эга бўлган “Номоддий маданий мерос тарғиботчиси ва фаоли” танловларини ўтказиш топширилган. “Ўзбеккино” миллий агентлиги ўз зиммасига ҳар йили халқимиз тарихи, маданияти, ватанпарварлик ва халқ қаҳрамонларининг жасорати, миллий қадрият ва анъаналарни тараннум этишга бағишланган камида 2 та бадиий, 4 та мультипликацион ва 5 та ҳужжатли фильм тасвирга тушириш ва намойишини ташкил этиш вазифасини олган.

Давлат дастурининг асосий ижрочиси сифатида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги белгиланган бўлса-да, ундаги вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши учун кўплаб давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилот ва муассасаларининг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари талаб этилади. Шунинг учун Давлат дастурининг битта бўлими давлат ва нодавлат ташкилот ва муассасаларининг ҳамкорлик тармоғини ривожлантириш масалаларига бағишланган. Бу бўлимда биринчи навбатда номоддий маданий мерос билан шуғулланувчи нодавлат ташкилот ва муассасаларининг уюшмасини ташкил этиш, давлат ва нодавлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан ўтказиладиган номоддий маданий мерос билан боғлиқ танлов, кўрик,

фестиваль, кўргазмаларни мувофиқлаштириш ва кучларни бирлаштириш масалаларига эътибор қаратилган. Ушбу бўлимда қўйилган вазифалар ижросида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадиий академияси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Хунарманд” уюшмаси, Халқаро “Олтин мерос” жамғармаси, Республика “Маҳалла” жамғармаси етакчилик қилиши зарур бўлади.

Мамлакатимиздаги мавжуд номоддий маданий мерос намуналарини тарғиб этишда туристик ташкилотларнинг ўрни жуда катта. Чунки, уларнинг хизматидан фойдаланадиган мамлакатимиз аҳолиси ва хорижий меҳмонларга ана шу маънавий меросимизни бор бўй-басти билан намойиш этиш имконияти мавжуд. Шундай имкониятларни янада кенгайтириш масалалари Давлат дастурининг “Номоддий маданий мерос тарғиботида маданий туризм дастурларидан кенг фойдаланиш” бўлимида ўз аксини топган. Табиийки, бу бўлимнинг асосий ижрочиси сифатида “Ўзбектуризм” миллий компанияси белгиланган. Бу бўлимга киритилган тадбирлар:

туристик дастурларни “Шашмақом”, “Катта ашула”, “Ўлан”, “Достончилик”, “Бахшичилик”, “Лапар”, “Танавор”, масхарабозлик, дорбозлик, кўғирчоқбозлик, “Кўпкари”, турли халқ ўйинлари, ўзбек рақслари сингари қатор номоддий маданий мерос намуналари билан бойитиш;

Бойсун, Нурота, Чуст, Кармана, Шеробод каби масканларни туристик дастурларга киритиш;

миллий хунармандчилик моллари, мусиқа чолғулари, анъанавий миллий кийимларни туристик гуруҳлар орасида кенг тарғиб этиш;

ўқувчи-талабалар орасида номоддий маданий мерос намуналарининг кенг тарғиб этилишини кучайтириш масалаларига бағишланган.

Туристтик ташкилотлардан олинган маълумотларга кўра, кейинги пайтда Ўзбекистонга ташриф буюраётган хорижлик туристлар миллий урф-одат ва маросимлар, юртимиз табиати, халқимиз турмуш тарзига кўпроқ қизиқиш билдиришмоқда. Туристтик ташкилотлар, ўз навбатида, халқимизнинг бундай номоддий маданий меросини тарғиб этувчи кишилар, гуруҳлар, жамоалар, худудлар билан таништиришга катта қизиқиш билдирмоқда. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш орқали номоддий маданий меросимизни сақловчи, тарғиб этувчиларни моддий манфаатдор қилиш мумкин. Бунинг учун жойлардаги туристик ташкилотлари ва номоддий маданий мерос йўналишида фаолият кўрсатаётган ташкилот, муассасалар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш талаб этилади.

Молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш масалалари қамраб олинган сўнгги VII бўлимда махсус фольклор экспедициялари фаолиятини

молиялаштириш, номоддий маданий мерос намуналарини тўплашга жалб этиладиган талаба ва ўқувчиларни моддий рағбатлантириш масалалари билан бир қаторда ушбу мақсадлар учун ҳомийлар ва маданият соҳасида ҳамкорлик қилишга ихтисослашган халқаро ташкилотлар маблағларини жалб қилиш кўзда тутилган.

Ҳозирда тегишли мутасадди ташкилотларнинг йиллик режалари асосида фольклор экспедициялари учун маблағ ажратилиши йўлга қўйилган. Номоддий маданий мерос йўналишларида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчиларни номоддий маданий мерос бўйича материаллар тўплаш ва тарғибот ишларига жалб этиш масаласининг молиялаштирилиши яхши йўлга қўйилмаган. Бунинг учун тегишли таълим муассасалари ўзларининг навбатдаги йиллик харажатлар сметасига ушбу мақсадлар учун талаб этиладиган маблағларни киритиши ва уни асослаб бериши зарур бўлади.

### **3.5. Номоддий маданий мерос муҳофазаси билан боғлиқ халқаро лойиҳалар**

Халқаро ҳамкорлик ва ёрдам масалалари қамраб олинган V бўлимда ҳамкорликни ташкил этиш йўллари ва усуллари, халқаро ёрдам олиш учун шарт-шароитлари очиб берилади. Ўзбекистондан Репрезентатив рўйхатга киритилган “Бойсун маданий муҳити” ва “Шашмақом” номзодномаларида хужжатлаштириш ишларини ташкил этиш учун халқаро ёрдам олинган ва ушбу маблағлар тегишли йўналишларда сарф этилган. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг 2-тоифали институтлари: Осиё ва Тинч океани мамлакатларининг ахборот таъминоти йўналиши бўйича номоддий маданий мерос маркази - ICHCAP (Корея Республикаси), Маданий мерос масалалари бўйича Марказий Осиё маркази - ICAS (Самарқанд), шунингдек Осиё ва Тинч океани мамлакатларининг кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича номоддий маданий мерос маркази (Япония) билан доимий алоқалар ўрнатилган.

2010 йилда “Алпомиш” достонининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлари “Марказий Осиё-Корея эртакчилик санъати” Қўмитаси томонидан ташкил этилаётган рақамли архивга жойлаштириш учун тақдим этилди. 2011 йил ушбу архивга киритилган асарлар бўйича сценарийлар танлови эълон қилинди, 2012, 2013, 2014 ва 2015 йилларда ҳам сценарийлар танлови эълон қилиниб, ҳар икки танловда ғолиб деб топилган асарларни саҳналаштириш ишлари давом эттирилди. Кейинги йилларда болалар учун ҳикоя ва эртакларни нашр қилиш ишлари ушбу Қўмита томонидан олиб борилиб, ўзбекистонлик 4 нафар болалар ёзувчиларининг асарлари ўзбек, корейс,

инглиз тилларида чоп этилди, уларнинг иккитаси сахналаштирилиб, Корея ва Марказий Осиё давлатларида намойиш ҳам этилди.

Осиё ва Тинч океани мамлакатларининг ахборот таъминоти йўналиши бўйича номоддий маданий мерос маркази - ICHCAP (Корея Республикаси) Марказий Осиёда энг фаол иш олиб бораётган халқаро ташкилот ҳисобланади. Ушбу Марказ доимий равишда Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши натижасида номоддий маданий мерос муҳофазаси брасида кўплаб ишлар амалга оширилганининг гувоҳимиз.

Ушбу Марказ ташаббуси ва маблағлари эвазига “Ўзбекистон номоддий маданий мероси рўйхати” брошюраси ўзбек ва инглиз тилларида, “Ўзбекистон номоддий маданий мероси” атласи алоҳида китоб шаклида ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилди. Шунингдек 2012 йилда Фарғона водийсига уюштирилган экспедиция натижалари 10 аудио ва видеодисклар тўплами кўринишида чоп этилиб, 200 комплекти Ўзбекистонга текин тақдим этилди. 2015-2020 йиллар мобайнида ушбу Марказ маблағлари эвазига “Осиё мамлакатлари номоддий маданий меросининг видео кутубхонаси”ни яратиш лойиҳаси доирасида Ўзбекистондаги 10 та номоддий маданий мерос ҳақида 10 та хужжатли фильм суратга олиниб, ушбу видеокутубхонага жойланди. Шунингдек, 2019 ва 2020 йилларда номоддий маданий меросни сақлашда аёлларнинг иштироки билан боғлиқ яна 4 та хужжатли фильм суратга олинди.

Конвенциянинг кейинги бандлари - **Номоддий маданий мерос жамғармаси; Ҳисоботлар; Ўткинчи қоидалар; Якуний қоидалар** деб номланиб, уларда жамғарма маблағларининг шаклланиши, мажбурий ва ихтиёрий тўловлар, ҳисоботларни тақдим этиш шартлари ва муддатлари, муқаддам эълон қилинган “Инсониятнинг оғзаки дурдоналари” рўйхатига киритилган объектларнинг (Ўзбекистонда 2001 йили “Бойсун маданий муҳити”, 2003 йили “Шашмақом” киритилган) янги “Репрезентатив рўйхат”га ўтказилиши, шунингдек Конвенциянинг ратификация қилиниши, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби ва бошқа керакли маълумотлар берилган.

Юқорида қайд этилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда ратификация қилинган Халқаро Конвенция талабларини бажариш масаласи Давлат дастурида тўлалигича кўзда тутилган.

### **Назорат саволлари:**

1. Дунё микёсида номоддий маданий мерос муҳофазасига доир ҳаракатлар қачондан бошланди?

2. Номоддий маданий мерос соҳасидаги турдош уч конвенцияларнинг қандай ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бор?
3. Номоддий маданий мерос Конвенциясининг асосий мазмуни ҳақида сўзлаб беринг.
4. Конвенцияда номоддий маданий мерос муҳофазаси қандай кўринишларда ташкил этилади?
5. Давлат дастурининг нечта банди бор?
6. Кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш ишлари қайси бўлимда акс этган ва ушбу бўлим неча банддан иборат?
7. Қайси халқаро ташкилот Марказий Осиё мамлакатлари билан энг кўп лойихани амалга оширган?

#### **4-мавзу: Ижрочилик санъати ва унинг турлари. (4 соат)**

##### **Режа:**

- 4.1 Ижрочилик санъати – номоддий маданий мерос намоён бўладиган соҳалардан бири сифатида
- 4.2 Халқ томоша санъати
- 4.3 Мусиқа санъати. Чолғу ижрочилиги
- 4.4 Касбий мусиқа
- 4.5 Мақом чолғу йўллари
- 4.6 Халқ мусиқа ижодиёти жанрлари
- 4.7 Локал жанрлар
- 4.8 Рақс санъати

**Таянч иборалар:** *Ижрочилик санъати, халқ томоша санъати, мусиқа, хонандалик, созандалик, қўшиқ, рақс санъати, рақс мактаблари, маҳаллий услублар, локал жанрлар, касбий мусиқа, Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фаргона Тошкент мақом йўллари, Мақом чолғу йўллари.*

#### **4.1. Ижрочилик санъати – номоддий маданий мерос намоён бўладиган соҳалардан бири сифатида**

Номоддий маданий мероснинг соҳаларидан бири бўлган ижро санъати муқаддам халқ ижодиётининг таркибий қисми сифатида ўрганиб келинган. Ҳозирда номоддий маданий мерос таркибида ўрганиладиган ижро санъати ўз ичига қатор жанр ва услубларни олади. Ўзбекижросанъатинишартли равишдақуйидагийўналишларга ажратиш мумкин: мусиқа санъати билан боғлиқ услуб ва жанрлар;

рақс санъати билан боғлиқ услуб ва жанрлар;  
халқ томоша санъати билан боғлиқ услубважанрлар.

Ўз навбатида биз санаб ўтган йўналишлар ҳам турли кичик йўналиш ва жанрларга бўлиниб кетади. Мисол учун мусиқа санъати таркибига чолғу мусиқаси ва билан боғлиқ услуб ва жанрлар, кўшиқ (кенг маънода мусиқа ва сўз) ижрочилиги билан боғлиқ услуб ва жанрлар. Агар янада чуқурроқ кириб бориладиган бўлса, ҳар битта мусиқа чолғусида ижро этиладиган куйлар ва кўшиқ мусиқаси, шунингдек, мазкур чолғуни ўзлаштириш билан боғлиқ билим ва кўникмалар, шу билан бирга кенг маънодаги кўшиқ ижрочилигининг табақаланиши натижасида намоён бўладиган алла, ялла, лапар, терма, мумтоз кўшиқ, халфа кўшиқлари, ёки ҳудудларга хос бўлган туркумлар — мавриги, дoston кўшиқлари, тановарлар, суворалар, гулёру шахнозлар умумий ном билан мусиқа санъати билан боғлиқ услуб ва жанрларни ташкил қилишини кузатиш мумкин.

Рақс санъати таркибидаги мерос ҳудудий услублар орқали ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистон ҳудудида шаклланган — Қорақалпоқ, Хоразм, Бухоро, Фарғона-Тошкент ва Сурхон рақс мактабларида устозлардан шогирдларга оғзаки шаклда ва амалий тарзда узатиладиган билим ва тажрибалар ҳамномоддий маданий мерос ҳисобланади.

Халқ томоша санъатининг ҳозирда амалиётда сақланиб қолинган жанрлари — дорвадорости томошаси, кўғирчоқбозлик, кураш, улоқ, масҳарабозлик ва бошқалар номоддий маданий меросимизнинг намуналари сифатида ёш авлодга узатилиб келинаётгани ва уларни муҳофаза қилишишларига давлат даражасида эътибор қаратилаётгани уларнинг жамият ривожига ва барқарор тараққиётдаги аҳамиятини кўрсатади.

## 4.2. Халқ томоша санъати

**Дорбозлик** — баландда тортилган арқон устида томоша кўрсатиш санъати. Дор дастлаб (жанг пайтида йўлда учрайдиган чуқурликлардан жангчиларнинг арқон устида ўтишини машқ қилдириш мақсадида) паст қурилган, давр ўтиши билан дор томоша санъатига айланган ва тобора баландроқ қурилиб, кўрсатиладиган дор ўйинлари ҳам мураккаблашиб борган. Дор ўйинларининг асосий шартига давлат мувоза- натини сақлаш олишдир.

Ҳозирда ўзбек дорбозлари икки хил дорда томоша кўрсатишади:

1. Сим дор (ер сатҳидан тахминан 3–3,5 метр баланликда қурилади).
2. Баланддор (ер сатҳидан 12–14 метр баланликда қурилади).

Баланд дорда дорбозлар 12–14 метр баланликдаги устунларга қия қилиб тортиладиган арқон устида кўлда лангар чўпни ушлаган ҳолда ва лангар чўпсиз турли ўйинлар кўрсатишади. Бундай ўйинларга: югуриш (олдинга, орқага), сакраш, оёқларга пичоқ ёки патнис боғлаб, шунингдек, кўзни боғлаб, бошга халта ёки қозон кийиб юриш,

Ўмбалок ошиш, дорбозлардан бирини елкага миндирган ҳолда юриш, якка ва қўш чиғирикда ўйнаш кабитурли- туман машқларни мисол қилиш мумкин. Дор ўйинлари дор ости томошалари билан бирга олиб борилади. Дор ости томошаларига полвонлик ўйинлари, қизикчилик, симдор, ёғоч оёқ, найрангбозлик, бесуя- кбозлик, муаллақчилик, ўргатилган айиқ, илон, маймун, от, эчки ўйинлари кирган.

Дорбозлик санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш мақсадида дорбозлик гуруҳлари барча солиқлардан озод қилинган ва мунтазам равишда дорбозларнинг кўрик-танловлари ўтказилиб келинмоқда. Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда 40 дан ортиқ оилавий дорбозлик гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Дорбозлар асосан оилавий таркибдан иборат бўлиб, йилнинг илиқ ва иссиқ даврида (март-ноябрь) Ўзбекистон ва қўшни давлатларда кўчиб юрган ҳолда ўз томошаларини кўрсатиб юради. Томоша очиқ жойда ташкил этилганлиги боис томошабинларга патта (билет) сотиш ва уларнинг кириб-чиқишини назорат қилиш имкони йўқ. Шу сабабли, дорбозлар ва дор остида томоша кўрсатувчиларининг ҳар чиқишидан кейин томошабинларга мурожаат қилиб, баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатишлари сўралади ва томошабинлар ўзлари ихтиёрий равишда моддий кўмак беришади.

Дор гуруҳлари фаолиятини режалаштириш, уларнинг бир-бирига ҳалақит бермаган ҳолда жойларда томошаси ташкил этиш, шунингдек дор ўйинларида миллий анъаналарни сақлаб қолиш мақсадида 2011 йилдан бошлаб жамоатчилик асосида “Ўзбекистон дорбозлар уюшмаси” фаолият кўрсатиб, уни Водиллик (Фарғона вилояти) Турсунали полвон Мамажонов бошқариб келмоқда.

**Кўпқари** — бу чавандозлар баҳси. Ота-бо-боларимиз фарзандларининг кўлини ҳалоллаш, бўй етган қизларини узатиш, эр етган ўғилларини уйлантириш тўйларида халққа ош бериб, тўй сўнггида кўпқари баҳси томошаларини ташкил этишган. Кўпқарини бошқачаном билан “улоқ” ҳам дейилади.

Кўпқари асосан якка баҳс. Мусобақа шартига кўра ўртага ташланган улоқ танасини чавандоз ўз оёғи остига бостириб майдонни гир айлантирганча, белгиланган манзилга биринчи бўлиб келтириб ташлаши талаб этилади. Бироқ кўпқарида чавандозлар ўртага қўйилган соврин — қимматбаҳо буюм (соат, гилам, кўй, мол, муайян миқдордаги пул) ларни бўлиб олиш учун жамоа бўлиб ҳаракат қилишлари ҳам мумкин. Ўртага ташланган улоқни олишга абжир, бақувват, учқур отли чавандоз йигит танланади ва у улоқни олгач бошқа чавандозлар уни қуршаб, то ҳакамлар олдиғача рақиблардан ҳимоя қилиб боради.

Айрим чавандозлар кексайганларида, улоққа ўзлари турли сабабларга кўра туша олмасликлари туфайли кўпқари шартларига тайёрланган «ақлли», «тажрибали» отларини ёш чавандозларга фойдаланишга берадилар. Бу ўринда чавандоз билан от эгаси мукофотни бўлиб олади.



Бу қадимий ўйин неча минг йиллардан буён Ўрта Осиё, умуман, Шарқ халқларини ўзаро дўстлик иплари билан боғлаб, ёш авлодни жисмоний соғлом, абжир ва чаққон, мардлик ва шиддаткорлик руҳида тарбиялаб келмоқда.

Кўпқарида чопадиган отни қандай боқиш, тарбиялаш, совутиш, «ақл-идрокли» қилиш йўллари чавандозлар авлоддан-авлодга етказиб, билим тажрибаларини узатиб келмоқда.

Кўпқари аслида тинчлик, хотиржамлик ўйини бўлиб, оналар, боболар, болалар суяниши, ишониши мумкин бўлган ҳақиқий эркакларни тарбиялаб етиштиришда бекиёсқаттарол ўйнаган. Ҳозирда Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларининг бир қатор туманларида кўпқари ўйинлари ташкил этилмоқда. Ўзбек, қозоқ, туркман, тожик, қорақалпоқ, қирғиз халқларининг энг яхши чавандозлари бир-бирларининг хусусий ва жамоа тўйларида меҳмон бўлиб, катта кўпқари, улоқ мусобақаларида иштирок этмоқдалар.

**Кураш** инсонни кучли, эпчил, чидамли ва иродали қилиб тарбиялаш воситаларидан бири ҳисобланади. Курашиш санъати кўп халқларда қадим замонлардан буён маълум бўлган. Курашазалдан ўзбек турмуш тарзининг узвий қисми бўлганлигини археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар тасдиқлайди. Хитойнинг қадимги «Тан-шу» қўлёзмасида Фарғона водийсида тўйлар, сайиллар Кураш мусобақаларисиз ўтмаслиги ёзилган. Қадимги Бактрия (Ўзбекистоннинг жануби) худудидан топилган жез даврига оид сопол идишда бири иккинчисини чалаётган икки полвон тасвирланган.

Ўзбек халқ яқка курашининг белбоғли кураш деб номланган тури ҳам бор. Унга ҳам тааллуқли кўплаб археологик топилмалар ва тарихий қўлёзмалар мавжуд. Бундан 5 минг йил илгари даврга мансуб қадимги Месопотамия худудида ҳайкалчада белбоғли кураш усулида мусобақалашаётган полвонлар тасвирланган. Кураш мусобақаларикаттасайилларда, байрамларда ва оилавий танталарда ҳам ташкил этилади. Ҳозиргача ҳам Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг айрим туманларида тўй маросимларида ҳам кураш мусобақалари анъанавий қоидалар асосида ўтказиб турилади. Анъанавий қоидаларга кўра кураш тушадиган биринчи полвон ўртага чиққандан кейин талабгор ўзи даврага чиқиб келиши керак. Бунда, курашчиларнинг ёши ёки вазнига эътибор берилмайди. Ҳолиб чиққан курашчи билан курашиш учун эса яна талабгор чиқиб келаверади ва ҳаммани ютган курашчи охирида ғолиб бўлади.

1991 йилда курашчилар сулоласи вакили, бир неча Кураш турлари бўйича халқаро миқёсда спорт устаси Комил Юсупов ўзбекча Курашнинг халқаро андозаларга мосланган қоидаларини ишлаб чиқди. 1992 йилда Ўзбекистонда кураш федерацияси, 2001 йилда Ўзбекистонда белбоғли кураш федерацияси тузилди.

Ишлатилган усулларга бажарилишига мос равишда «чала», «ёнбош», «ҳалол» баҳолари, қоидага зид ҳаракатларга эса «танбех», «дакки», «фирром» жазолари

берилади. Курашувчи «ҳалол» баҳо- сани олса (ёки рақиб «ғирром» билан жазоланса) бу унинг ғалабасини билдиради. Икки бор «ёнбош» баҳосини олиш (ёки рақибнинг икки бор «дакки» дея жазоланиши) ҳам ғалабани англатади.

«Чала» баҳолари ҳисобга олиб борилиб, баҳо олган курашчига ғалаба берилади. Курашчиларнинг баҳо ва жазолари сони тенг ҳолатда баҳо устунликка эга бўлади, жазолар сони тенг бўлса охириги жазо олган мағлуб ҳисобланади. Агар барчаси тенг (ёки баҳо ва жазо олинмаган) бўлса, ғолиб ҳакамларнинг кўпчилик овозига кўра эълон қилинади. Ўзбекистонда ат-Термизий, Паҳлавон Маҳмуд хоти- расига бағишланган ва бошқа кўплаб халқаро мусобақалар мунтазам ўткази- лади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 22 та олимпиада ўринбосарлари мактаби, 37 та болалар- ўсмирлар спорт мактаби ва 206 та Кураш мактабида спортнинг бу тури бўйича ўқувчиларгатаҳсилберилади.

**Ўзбек кўғирчоқбозлик санъати** қадимий тарихга эга бўлиб, аجدодларимизнинг ўтмишдаги урф-одатлари ва маросимлари билан чамбарчас боғлиқ. Баъзи тадқиқот- чилар унинг вужудга келиши инсон ўзини табиатҳодисалариолдидаоғиж сезиб турли маъбудларга сиғиниши, тотем саналган ҳайвонлар қиёфасини акс эттирувчи ниқобларникийибрақсга тушиши, дунёдан ўтганаждодларнитеатрлаштирилган ҳолда ёдга олиш маросими замирида бўлгани тўғрисидаги фикрни илгари сурадилар. Бунда марҳумнинг энг яқин кишиси ниқоб тақиб, худди ўша марҳумга ўхшаб гапирган, ҳаракат қилган. Кейинчалик, бу маросим кўғирчоқбозлар кўлига ўтиб, кўғирчоқ театри шаклланган. Кўғирчоқ театри барча маданиятларга хос ва ҳар бир халқнинг руҳини ифода этувчи қахрамонларга эга.

Ўзбеккўғирчоқбозлиги халқимизнинг қадимий оғзаки театри сифатида шакл- ланган анъанавий санъатдир. Сурхондарё томонларда маросимий “Сувхотун”, Хоразмда “Ашшадароз”, “Масхарабоз”, “Полвон” номли кўғирчоқ ўйинлари намоёиш этилган бўлиб, Бухорода ҳозир ҳам анъанавий кўғирчоқбозлик санъати сақлаб қолинган. Кўғирчоқ қадимий туркий сўз сифатида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида “Охшанчик, охшоғу, кузурчик, қоборчуқ” шаклларида қўлланган бўлса, суғдийларда “зоча ва зочак” шаклида, А. Навоий даври адабиётларида эса “лўбат, лўбатак” шаклларида ифода этилган.

Ўтган аср бошларида кўғирчоқ томошаларининг турли жанрлари шаклланган ва улар “Чодиржамол”, “Чодирхаёл”, “Фонусхаёл ёки соя” каби гўзал номлар билан аталган.

Айтиш жоизки, ҳозир ҳам “кўлқоп” кўғирчоқлар, ипли кўғирчоқ ёки марионеткалар, нур ва соядан фойдаланиш, кўғирчоқбоз ва кўғирчоқнинг биргаликдаги томошаларида намоён бўлган ўзбеккўғирчоқтеатрининганъаналари давом этиб келмоқда. Бугунги кунда Республикамизда бир нечта профес- сионал ва 20 га яқин ҳаваскор халқ кўғирчоқ театрлари, шунингдек “Ашшадароз” номли миллий кўғирчоқсозлик студияси ва бошқа жамоалар фаолият кўрсатмоқда.

### 4.3. Мусиқа санъати. Чолғу ижрочилиги

Ўзбек миллий мусиқа чолғулари — узоқ йиллар давомида такомиллашган халқчолғуларидир. Уларнинг бирортаси ҳам фақат ўзбек халқининг ўзигагина хос бўлмасдан, баъзан худди шундай номда ўзгаришсиз, баъзан бошқа номда ва бироз бошқачароқ кўринишда бошқа халқларда ҳам учрайди. Ўзбекистон ҳудудий жиҳатдан Марказий Осиёнинг марказида, шунингдек Буюк Ипак Йўлининг 3 та тармоғи кесишган чорраҳада жойлашганлиги бу ерда жуда кўплаб маданий алмашувларнинг содир бўлишига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам миллий мусиқа чолғуларининг жуда кўплаб турлари бу ерга бошқа жойлардан келиб кўним топган, худди шунингдек бу ердаги кўплаб мусиқа чолғулари бошқа ҳудудларга тарқалган.

Ўзбек мусиқа чолғулари асосан уч гуруҳга бўлинади—урма-зарбли чолғулар, дамли (пуфлаб чалинадиган) чолғулар ва торли чолғулар.

Урма-зарбли чолғулар каторига доира, ноғора, сафоил, қайроқ, қошиқ, чиндовул, тарелкалар киради. Баъзи ҳолларда патнис, пиёла каби маиший анжомлардан ҳам фойдаланилади.

Дамли чолғуларнинг тилли, найпачоқли, мундштукли турлари ҳам учрайди. Қувурга тўғридан-тўғри ҳаво жўнатиш орқали товуш ҳосил қилинадиган қамиш най, ғажир най, най чолғулари; тил ёрдамида товуш ҳосил қилинадиган сибизға, қўшнайн, буламан чолғулари; найпачоқ ёрдамида товуш ҳосил қилинадиган сурнай; мунд-штук ёрдамида товуш ҳосил қилинадиган карнай; сунъий ҳаво сиқиш мосламаси ёрдамида товуш ҳосил қилинадиган сопол най каби чолғулар миллий дамли чолғулар гуруҳини ташкил этади.

Торли чолғулар — очик тордан фойдаланиладиган (чанг, қонун) ва торнинг маълум бўлагини босиш орқали товуш баландлиги ўзгартириладиган (рубоблар, дутор, танбур, ғижжак ва бошқа) чолғуларга бўлиниши мумкин. Аммо торли чолғуларда товуш ҳосил қилиниши шароитига кўра бошқача таснифланиши ҳам мумкин. Бунда ижро услубларига кўра урма жарангли торли (чанг), тирнама чолғулар (дутор, дўмбира), мизробли чолғулар (қашқар рубоби, афғон рубоби, танбур, қонун), камонли чолғулар (қўбиз, ғижжак, сато)ни санаб ўтиш мумкин.

**Унисон ижрочилиги** анъанавий ўзбек мусиқа маданиятига хос бўлиб доимий равишда жўрнавозликда қўлланиб келинган ва қўлланилмоқда. Камер чолғу ансамллари ундаги иштирок этадиган чолғу турларига кўра 3 турга бўлинади:

- бир хил чолғулардан ташкил топган ансамбль;
- турдош чолғулар ансамбли;
- аралаш ансамбль.

Ўзбек анъанавий чолғу ижрочилигида турли хил чолғуларни ўз ичига олган аралаш ансамбллар жуда кенг тарқалган бўлиб хилма-хил таркибдаги кўринишларда учрайди.

Ҳар томонлама мукамал аралаш унисон ансамбль ташкил этиш учун жамоа таркибига турлича товуш ҳосил қилиш услуги ва турлича товуш тембрига эга бўлган чолғулар киритилади. Бунда, пуфлабчалинадиган чолғуларданнай (ёки қўшнаё), мезробли чолғулар гуруҳидан қашқар рубоби, танбур ва афғон рубоби (ёки уд), чертма торли чолғулардан анъанавий дутор, урма зарбли чолғулардан доира, урма жарангли торли чолғулардан чанг (ёки тирнама чолғулардан қонун), камонли чолғулардан ғижжак иштирокидаги ансамбль миллий руҳдаги мусиқани ҳар томонлама ифодалай олиш имкониятига эга бўлади.

Кичик ансамбль учуннай, қонун, ғижжак, уд ва доирадан ташкил топган таркиб кўпроқ қўлланилади. Энг кичик ансамбль сифатида танбур билан дуторнинг жўрнавозлиги энг мукамал ҳисобланади. Ўзбек миллий чолғуларининг турлари кўплиги ва тембр жиҳатидан ранг-баранглигини ҳисобга олган ҳолда жуда хилма-хил таркибдаги ансамбллари ташкил қилиш имкониятини беради. Бунда энг асосий эътибор чолғулар товушининг бир-бирига қўшилиши ва ўзаро бир-бирини тўлдиришига қаратилади.

Камер чолғу ансамбллари анъанавий мусиқалар (чолғу куйлари, шунингдек ашула, қўшиқ ва рақсларга жўр бўлиш) ижросида кенг қўлланилади. Одатда ансамбль ижросини доира чолғусидаги ижрочи бошқариб боради. Камер ансамбли чолғучиларининг сахнада қандай тартибда ўтириши ҳам олдиндан белгиланган. Томошабинларга юзланган таркибнинг ўнг томонидан доира, ўртада чанг ва най, чап томонда эса дутор ва танбур жой олган бўлади. Бошқа чолғулар эса уларнинг орасига жойлашади.

#### 4.4. Касбий мусиқа

**Шашмақом** 2003 йилда ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари рўйхати”га киритилган. 2008 йилда “Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш” ЮНЕСКО конвенциясига Ўзбекистон қўшилганидан сўнг “Инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхати”га ўтказилди.

Шашмақом ўз ижрочилик анъаналари ва қатъий тизимга эга бўлган куй ва ашулалар мажмуидир. У миллий профессионал (касбий) мусиқа ижрочилигининг энг юксак намуналаридан бири сифатида асраб-авайлаб келинмоқда. Ҳозирда Шашмақом таркибига кирган куй ва ашулалар профессионал мақом ансамблларида, ҳаваскорлик мақом ансамбллари, ашула ва рақс ансамблларида ҳам ўрганилиб ижро этиб келинади. Бошланғич мусиқий таълим (болалар мусиқа ва санъат мактаблари)дан бошлаб то олий мусиқий таълим тизимигача Шашмақомни ўрганиш масалалари киритилган. Мамлакатимизда Шашмақомнинг болалар жамоаларида ҳам ўрганилиши бўйича намунали мисоллар бор. Хусусан, Марғилон шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида ташкил этилган ва Қўқон шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган “Қаро кўзим”, Қашқадарёнинг Шаҳрисабз шаҳар Маданият уйи қошида ташкил этилган “Бахтли болалик” болалар

мақом ансамбл-лари қатор йиллардан буён Шашмақомни ўрганиб, тарғиб этиш билан шуғулланиб келмоқда. Шашмақом тарғиботига бағишланган профессионал ижрочиларнинг Юнус Ражабий номидаги танлови, Маданият вазирлигитомониданмунтазам равишда ҳар икки йилда ўтказиладиган “Қатта ашула ижрочилари ва мақом жамоаларининг Республика кўрик-танлови” ҳам кўплаб иқтидор эгалари ва намунали жамоаларни кашф этиб келмоқда. Маданият вазирлигининг Бадиий жамоалар бирлашмаси таркибида Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли фаолият кўрсатади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги “Шашмақом” халқ ансамбллари, Фарғона вилоятининг Фарғона ва Марғилон шаҳарлари, Учкўприк ва Бувайда туманларидаги халқ мақом ансамбллари ҳам кўплаб мақом ижрочиларининг етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Шашмақом форс тилида олти мақом маъносини англатади. Унинг таркибига қуйидаги мақомлар киради:

1. Бузрук
2. Рост
3. Наво
4. Дугоҳ
5. Сегоҳ
6. Ироқ

Шашмақом бундай кўринишда XVIII аср ўрталарида Бухорода шаклланганлиги учун Бухоро шашмақоми ҳам дейилади. Шашмақом таркибига кирган мақомларнинг ҳар бири маълум парда, товуш қатори ва усули билан бошланади. Ҳар бир мақом алоҳида чолғу ва ашула йўлларига эга бўлиб, бу йўлларнинг ўзи бир нечталаб мусиқий асарларни бирлаштиради.

Мақомлар авлоддан-авлодга анъанавий оғзаки тарзда ўтказилиб, бунда “устоз-шогирд” услубидан фойдаланилган. Шогирдлар ўз устозлари ижросини жуда узок вақт ўзлаштириб, маълум имтиҳон топширгандан кейин мустақил ижро этишларига руҳсат берилган. Мақомларнинг замонавий нота матни биринчи бўлиб таниқли композитор ва этнограф В. А. Успенский томонидан бухоролик мақом устозлари ҳофиз Ота Жалол Носиров ва созанда Ота Ғиёс Абдуғанилар ижролари асосида яратилган. Маҳаллий мутахассилардан эса биринчи бўлиб бу ишга академик Юнус Ражабий қўл урди ва Шашмақомни тўлиқ нотага тушириб икки марта нашр эттирди.

Мақомларнинг чолғу куйлар бўлими - «Мушкilot» деб юритилади.

Мақомларнинг ашула бўлимлари «Наср» деб аталади. Наср — арабча «кўмак», «зафар» маъноларини англатади. Мақом ашулалари кўшиқ ижрочилиги санъатининг мураккаб намуналари бўлганлиги боис уларни куйлаш учун юқори малака ва маҳорат талаб этилади. Ашула ижрочилигида Лутфий, Саккокий, Атоий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулий, Бобур, Машраб ва бошқа шоирларнинг ғазалларини ёд олиш ва ушбу ғазалларнинг маъносини “чақиш” ҳам талаб этилар эди. Шу билан бир қаторда танбур ва дуторда амалий ижро этиш, доира усулларини ҳам ёддан билиш

талаб этилган. Шунинг учун ҳам мақом ашулалари ижрочила-рини «хофиз» деб ҳам аташади. «Хофиз» — араб тилида «сақловчи», «ёдан билувчи» маъноларини англатади.

**Хоразм мақомлари** — Ўзбекистонда тарқалган локал мақом туркуми тури. Хоразм мақомлари туркуми XVIII аср охири XIX аср бошларида Шашмақом ва Хоразм мусиқий анъаналари негизида шаклланиб, кенг ривожланган (амалиётда ушбу туркум “Олтияриммақом” ёки “ХоразмШашмақоми” деб номланган).

Туркум таркиби Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ ва Панжгоҳ мақомларидан иборат бўлиб, ҳар бир мақом ўз навбатида Шашмақомга ўхшаш икки бўлимдан ташкил топган: чолғу бўлими — Чертим йўли ёки Мансур; ашула бўлими — Айтим йўли ёки Манзум деб аталади. Хоразм мақомлари туркуми 200 яқин чолғу ва ашула йўлла-рини камраб олган. Хоразмлик машҳур бастакорлар Ниёзжон Хўжа, Феруз, Комил Хоразмий, Муҳаммадрасул Мирзо, Матёқуб Ҳаррот ва бошқалар мақомларга янги чолғу қисмлар басталаб, уларни шаклан ва мазмунан бойитдилар.

Хоразм мақомлари XIX асрнинг охириги чорагида Хива хони бўлмиш Муҳаммад Раҳимхон Соний (Феруз-шоир ва бастакор) ташаббуси билан “Танбур чизиғи” да тўла (танбур ва дутор мақом туркумлари) ёзиб олинган ва ижрочилик амалиётида, “устоз-шогирд” мактабларида XX асрнинг 40-чи йилларигача қўлланиб келинган. XX асрдан бошлаб Хоразм мақомлари мусиқаси замонавий нота тизимида ёзиб олинди (Е. Романовская, М. Юсупов), илмий ўрганилди, янги мусиқа таълими тизими (Хоразм вилоятидаги мусиқа мактаблари, Урганч санъат коллежи, Урганч давлат университети ва Ўзбекистон консерваторияси) да ўзлаштирилмоқда.

Хоразм мақомлари намояндалари ва сақловчилари — Худойберган Мухркан, Матпано Худойберганов, Матёқуб ва Матюсуф Ҳаррот, Мадрахим Шерозий, Ҳожихон Болтаев, Р. Жуманиёзов, И. Иброҳимов, К. Отаниёзов, О. Худойшукуров, Р. Қурбонов, Ф. Давлетов, Р. Болтаев ва бошқалар ҳисобланади. Хоразм мақомлари Урганч шаҳрида ташкил этилган “Хоразм мақом маркази”, Урганч, Хива, Хонқа туманларидаги ҳаваскор мақом ансамбллари томонидан тарғиб этилмоқда. Ёш ижрочилар мақом анъаналарини К. Отаниёзов ва Ҳ. Болтаевлар номидаги (Хоразм) ҳамда О. Худойшукуров номидаги (Қорақалпоқ Республикаси) танловларда намоёиш этмоқдалар.

**Фарғона-Тошкент мақомлари** — Ўзбекистонда мақомчилик санъатининг Фарғона водийсида XIX–XX асрларда кенг тарқалган ашула ва чолғу мақом йўллари бўлиб, Фарғона водийси мумтоз мусиқа меросида етакчи ўринларни эгаллайди. Шашмақом шўъба (сарахбор, савт, қашқарча, соқий-нома, уфар)лари негизида ва маҳаллий ижрочилик анъаналари билан суғорилган. Фарғона-Тошкент мақом чолғу туркумлари: “Мушкилоти Дугоҳ I–III”, “Ажам тароналари I–III”; “Чоргоҳ I–V”, Мискин I–VII”; ашула туркумлари: “Насруллоий I–III”; “Чоргоҳ I–V”, “Баёт I–V”, “Баёт Шерозий I–V”, “Шаҳноз-Гулёр I–V”; “Дугоҳ-Ҳусайний I–V”.

Чолғу йўллари якка соз ёки чолғу ансамбли ижросида, ашула йўллари эса хонанда ва чолғу ансамбли жўрнавозлигида талқин этилади. Фарғона-Тошкент мақом туркумларидан ташқари алоҳида мақом чолғу ва мақом ашула йўллари етук созанда ва бастакорлар томонидан Фарғона водийсига хос ашула (Тошкент Ироғи, Кўча боғи), катта ашула (Ёввойи Ушшоқ, Ёввойи Чоргоҳ) ва чолғу йўллари (Чўли Ироқ), “Самарқанд ёки Ҳожи Абдулазиз Ушшоғи”, “Тошкент ёки Мулла Тўйчи Ушшоғи”, “Хўжанд ёки Содирхон Ушшоғи” ва бошқалар юзага келган.

Фарғона-Тошкент мақом йўллари халқ ҳаёти билан боғлиқ турли вазият ва шароитлар (тўй маросими, дорбозлар ўйини, сайил ва байрамлар) да ҳам ижро этилган. Мақомлар анъанавий “устоз-шогирд” мактаблари, янги мусиқа таълими тизими (санъат коллежлари ва консерватория ҳамда мусиқа мактаблари) орқали ўзлаштирилмоқда. Фарғона-Тошкент мақомларини тарғиб этишда А. Абдура-сулов, Т. Тошмухамедов, С. Бобошарифов, Юнус Ражабий, А. Умрзоқов, Ж. Султонов, М. Узоқов, Р. Мамадалиев, ака-ука Шоумаровлар, ака-ука Шожалиловлар, О. Ҳотамов, О. Алимахсумов, О. Имомхўжаев, Х. Носирова, С. Қобулова, Т. Қодиров, К. Рахимов, О. Отахонов, Т. Алиматов, А. Исмоилов, М. Тожибоев, М. Йўлдошев, М. Йўлчиева ва бошқалар мақом йўлларини янада бойитиш, ёшлар орасида тарғиб этишда катта ҳисса қўшганлар. Фарғона-Тошкент мақом йўллари Халқаро ва Республика миқёсидаги ёш мақом ижрочилари ва мақом ансамбллаританловлари дастуридан ўринолган.

#### 4.5. Мақом чолғу йўллари

**Дутор (форсча — икки тор) — торли чертим мусиқа чолғуси,** Марказий Осиё халқ (ўзбек, тожик, уйғур, туркман, қорақалпоқ) лари маданиятида кенг тарқалган. Хоразмда дутор мақом туркумлари XIX–XX асрларда кенг тарқалган бўлиб, “Хоразм танбур чизиғи” да олти дутор мақоми — Зихий Наззора-Урганжий, Мискин, Раҳовий, Ирокий, Охёр, Чоки Гирибонлар ва уларнинг туркум (2тадан то 7тагача) қисмлари ёзиб олинган. Ҳар бир мақом туркуми ўзига хос куйи, шакли, усуллари, куй ривожини ва ижро услублари билан ажралиб туради. Намояндалари — Т. Алиматов, Ф. Содиков, Қ. Мадраимов, Н. Болтаев, Мадраим Шерозий, А. Ҳамидов, М. Зиёева ва бошқалар.

**Сурнай — пуфлама-дамли мусиқа чолғуси,** Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятида кенг тарқалган (сурнай, карнай, зурна ва ҳ.к.). Ўзбекистонда сурнай, метар номлари билан ҳамма худудларда учрайди. Сурнайнинг икки тури тарқалган — Фарғона–Тошкент (мензураси кенгрок, товуши майин ва нолали) ва Хоразм (мензураси нисбатан торлигидан товуши кескин ва чийилдок).

Фарғона водийсида сурнай мақом чолғу йўллари оммалашган бўлиб, тўй маросимлари ва халқ шодиёналарида — Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ, Уз зол, Дугоҳ Ҳусайний, Чоргоҳ ва бошқалар ижро этилган. Бу асарларнинг ижодкорлари ўзбек бастакорлари ва етук сурнайчи-созандалари бўлишган. Сурнай мақом чолғу йўллари алоҳида асар ва туркум сифатида ижро қилинган — булар “Сурнай Навоси”, “Сурнай

Дугоҳи”, “Наво — Наво савти — Наво чархи 1–2” ва ҳоказо. Сурнайни тарғиб этишда Тошкент, Хоразм ва Фарғона водийси созандаларининг хизматлари катта (Рустам меҳтар, Ашурали меҳтар, Хамроқул буламан, А. Умрзоқов, Худой- берган Қурбон ўғли, А. Азимов, Қ.Бобожонов, Й. Тожиев, А. Юсупов, А. Хожибоев, М. Матёқубов ва бошқалар).

Дутор ва сурнай ёшлар орасида кенг тарқалган чолғулар бўлиб, Республика миқёсида танловлар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Дутор ва сурнай олий, ўрта махсус мусиқий таълим муассасалари ҳамда мусиқа мактаблари ўқувжараёнига киритилган.

#### 4.6. Халқ мусиқа ижодиёти жанрлари

**Достончилик санъати** — халқ оғзаки поэтик ижодидаги қадимий эпик анъана, номоддий маданий мероснинг энг ёрқин намуналаридан бири. Дастлаб кўшиқ шаклидаги, мусиқа чолғусисиз, кейинчалик маълум бир мусиқа (дўмбира, кўбиз ва ҳоказо) ижросида маросимларда куйланадиган асарлар яратилган.

Достончиликнинг қадимий намуналари ибтидоий даврларда туркий қабилалар орасида вужудга келган. Эпик достонларни яратувчи ва куйловчи бадиҳагўйлар кўпайиб борган сари устоз-шогирдлик анъаналари вужудга кела бошлади. Натижада XV–XVI асрларга келиб кўпгина достончилик мактаблари пайдо бўлди, XIX асрга келиб янада тараққий этди. Бугунги кунга қадар Булунгур, Нарпай, Қўрғон, Хоразм, Шаҳри- сабз, Шеробод, Қорақалпоқ қаби йирик достончилик мактабларидан ташқари, Қамай, Пискент, қаби бошқа марказлар ҳам маълум. Улар репертуарлари, услуби, маълум ижод тамойили ва ижро усуллари кўра бир-биридан ажралиб туради. Ҳар бир мактабу ёки бу бахшининг номи ва фаолияти билан билан чамбарчас боғлиқ. Мисол учун, Қўрғон достончилиги Эргаш Жуманбулбул, Булунгур достончилиги Фозил Йўлдош ўғли, Нарпай достончилиги Ислом Назар ўғли, Шаҳрисабз достончилиги Абдулла Нурали ўғлининг фаолияти билан боғлиқ.

Достончилик ривожланган ҳудудларда (масалан, Сурхондарё ва Қашқадарёнинг айрим туманларида) қатъий тартибга риоя қилинади: достон эшитиш учун махсус кечалар уюштирилади, тўй-ҳашам, катта йиғинлар бахшиларсиз ўтмайди. Бахши дўмбира жўрлигида «Кунларим»,

«Дўмбирам» термаларини айтиб, тингловчилар эътиборини ўзига жалб этади ва сўнгра достонни бошлайди.

Ўзбекистон ҳудудида достон ижрочилигининг уч хил услуби мавжуд:

1. Сурхондарё-Қашқадарё (эпик овозда, дўмбира чолғуси жўрлигида куйлаш) ижрочилик услуби;
2. Хоразм (очиқ овозда дутор (тор), доира ва бўламан чолғулари жўрлигида куйлаш) ижрочилик услуби
3. Қорақалпоқ ижрочилик услуби. Ўз навбатида 2 услубга — бахшичилик (очиқ овозда фақат ишқий достонларни дутор жўрлигида куйлаш) ва



жировчилик (ёпиқ овозда фақат қаҳрамонлик дostonларини кўбиз чолғуси жўрлигида куйлаш) бўлинади.

**Лапар.** Халқ ижодиётининг қадимий жанрларидан бири бўлган лапар ижрочилиги санъати ўзининг бой тарихига эга. Лапар кўшиқлари таниқли санъаткорлар томонидан байрамлар, халқ сайиллари ва никоҳ тўйларида, кечкурун қизнинг уйида ўтказиладиган “Қиз оқшоми”, “Қизлар базми”, “Лапар кечаси” деб аталувчи базмларда ижро этилади. Қизлар билан йигитлар тарафма-тароф туриб, ошиқона ғазал-байтлар айтадилар, бир-бирларига муҳаббат изҳор этиб, аҳду паймон қилишган, совғалар беришган.

Дастлабки даврларда эркак ва аёл ижрочи иштирок этган қадимий лапарлар ўзига хос мусобақа жараёни кўринишида бўлган ва бундай кўринишдаги мустақил жанрлар ҳозиргача турли халқларда сақланиб қолган.

Барча жанрларда бўлганидек, лапарларда ҳам ўзгариш рўй бериб, секин аста ундаги икки жинснинг иштироки йўқолди ва фақат аёл ижрочи томонидан рақсга тушиб ижро этиладиган кўринишга келиб қолди. Бундан ташқари, ундаги импровизация услуби ўз ўрнини ижрочилар томонидан олдиндан тайёрланган халқ термаларига бўшатиб берган бўлса, кейинчалик лапарлар махсус бастакорлар ва шоирлар томонидан яратиладиган мусиқий жанрга айланди.

Кейинги тараққиёт жараёнида яқка (аёл) ижрочи томонидан намоёниш этиладиган янги кўринишдаги лапарлар йирик санъаткорлар репертуарига ўтиб, қайтадан сайқал топиб, эл орасида ижро этила бошлади. Бундай лапарлар Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Меҳри Абдуллаева, Раҳима Мазоҳидова, Клара Жалилова, Турсунбой Мамедова, Гулшод Отабоева каби кўплаб йирик санъаткорлар репертуаридан мустақкам жой олди. Шу тариқа лапарларнинг икки хил кўриниши пайдо бўлди.

Лапар ижрочилигини сақлаб қолиш ва келгуси авлодга етказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ҳар икки йилда “Лапар ва ўлан ижрочиларининг Республика кўрик-танлови” ўтказилмоқда. Олий ва ўрта махсус маданият ва санъат таълим муассасалари фан дастурларига лапарларни ўрганиш киритилган, махсус ўқув қўлланмалар чоп этилиб, иқтидорли лапар ижрочиларининг ижоди оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинмоқда.

**Ялла** — рақс билан ижро этиладиган шўх кўшиқ жанри бўлиб, одатда ишқий-лирик мазмунга эга бўлади. Уякканавоз (хонанда ёки яллачи) томонидан чолғу ансамбли жўрлигида ижро этилади.

Яллаларикки турга бўлинади:

мумтоз яллалар халқ йўлидаги яллаларга нисбатан кенг диапазонли ривожланган куйи, жозибали ва ўйноқи халқ тарихи билан фарқ қилади;

халқ яллалари эса тор диапазонли бўлиб, унинг шеърый матнидаги ҳар бир банди ва ракс ҳаракатлари яккахон яллачи, нақорати эса гуруҳ томонидан айтилиб келинган.

Ўйноқи характеридаги куй ҳаммани рақсга чорлайди (ялла халқ тилида — бу “ўйнаб куйлаш қўшиғи” маъносини билдиради), жумладан, “Яллама ёрим”, “Ҳо-ҳо ялла”, “Қизгина” каби халқ ялла-лари.

Мумтоз яллалар шеърят ва ижро-чилик маданияти ривожини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий топган. Ҳар бир яллада шеърлар сони куй ва ҳажмига мутаносиб бўлиб, асарнинг куй тузилиши, ривожини ва шаклини таъминлайди. Куйлари жозибали характерда бўлиб, асосан уфори усулида оҳанглар такрорига асосланган, ўзига хос раксбоп ўлчовли ритм-усулида айтилади.

Яллада ижро этиладиган рақслар мусиқий омиллар воситасида яна ҳам ёрқин тус олган, унинг жонли ва раксбоп усули ўзига хосликни таъминлайди. Яллаларнинг таъсирчанлиги — ҳамма воситаларнинг (куй, сўз, ракс ҳаракати) бир-бири билан чамбарчас ҳолда маҳорат ва хуш кайфият билан ижро этилишидадур.

Мумтоз яллалар якканавоз тарзида чолғу ансамбли жўрлигида айтилади. Ўзбек ижрочилик санъатида Маъмуржон Узоқов, Таваккал Қодиров каби хонандалар репертуарларида яллалар салмоқли ўрин олиб, кенг омма орасида тарғиб этилган, жумладан, “Қалам қошли-гинг” (ёки “Жонон бўламан”), “Мустаҳзод” (М. Харратов ижоди), “Доғман”, “Сура-тинг”, “Парво этиб кет”, “Якка бу Фарғонада”, “Кўзларинг” (М. Мирзаев ижоди) ва бошқалар.

Наманганда ялла туркум (Катта ялла ва кичик ялла) лари мавжуд бўлиб, яллачи аёллар томонидан доира жўрлигида тўй маросимлари ва базмларда ижро этилади. Ижрочилик амалиётида ашула ва ялла туркумлари ҳам мавжуд, жумладан, “Ёр истаб” ва “Мустаҳзод”, “Фарғона рубойиси” ва бошқалар. Ҳозирги кунда яллалар эстрада йўналишида ҳам ижро этилмоқда.

**Ўлан.** Халқ кўшиқлари кечинма ва туйғуларининг самимийлиги, образларнинг табиийлиги, жонлилиги, сўз ва куй мутаносиблиги, мантиқий изчиллиги, ихчам шакллари билан кишини мафтун этади. Халқ кўшиқчилигининг Ўзбекистонда сақланиб қолган энг қадимий ижро услуби — ўлан ҳисобланади. Унинг ижросидаги бадиҳагўйлик, куй йўлининг ўта соддалиги, ижро жараёнида кўшиқнинг матнига асосий эътибор-нинг қаратилиши буни исботлайди. Қардош қирғиз, қозоқ халқларида “Айтис” кўринишида сақланиб қолган ва оммалашган кўшиқ жанрининг илдизлари ҳам ўланга бориб тақалади. Айтис ўландан фарқли равишда замонамослашган, яъни мусиқа чолғуси жўрлигида ва сахналарда ижро этилса, ўлан мусиқа чолғуси иштирокисиз, ижрочи ўзи танлаган оҳангда ижро этилади. Ўлан одатда икки жинс — йигит ва қиз (эркак ва аёл) томонидан навбатма-навбат ижро этилиб, йигитлар бир томонда, қизлар бошқа томонда туриб ўз вакиллари хайқириклар билан қўллаб туриши асосида ижро этилади.

Ўланларда қочирик, севги ҳарорати, ёшлик шўхликлари ғоят самимий, кўтаринки руҳда тараннум этилади. Давраларда ўлан айта билиш ўзига хос салоҳият, ижрочилик маҳора- тиниталабэтади. Ўланқўшиқлариёшларни бадий-эстетик дидли, камтарин, очик кўнгилли, дўстга садоқат руҳида тарбиялашда, айниқса, каттааҳамият касбэтади. Ушбу жанрда ижод қилувчилар ҳозирда Тошкент вилоятининг Оҳангарон воҳаси, Жиззах вилоятининг Зомин ва Фориш туманлари, шунингдек, Навоий вилояти- нинг тоғли Нурота туманларида кўпроқ сақланган.

Ўлан ижрочилигини тарғиб этиш мақсадида анъанавий равишда “Лапар ва ўлан ижрочиларининг Республика танлови” ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирлар натижасида Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларида ҳам ўлан ижрочилар пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин.

#### 4.7. Локал жанрлар

**Катта ашула** ёки патнис ашула — Фарғона водийсига хос йирик ашула йўли ҳамда ўзига хос ижро услуби ва усули. Икки ёки ундан ортик (бештагача) етук хонанда томо- нидан чолғу жўрлигисиз галма-гал айти- лади. Унинг асосий хусусиятлари бадиҳа- гўйлик, ҳамнафаслик, юқори пардаларда, кенг нафасда ижро этилиши, эркин услубда куйланиши, сўз ва куй мутаносиблиги, профессионалликдир. Баланд пардаларда ижро этилиши, катта авжлар мавжудлиги, сўзларнинг тингловчиларга равон етиб бориши ва таъсирчанлиги катта ашулага хос. Катта ашула ижрочидан зўр қобилият ва маҳорат, шунингдек, сўз бўғинларига эҳтиёт бўлишни, шеърнинг маъносини тингловчиларга тўла етказишни талаб қилади.

Катта ашула қадимий маросим ва меҳнат кўшиқлари, марсия, навҳа, аёлғу кўшиқлари ҳамда аруз вазнидаги ғазалларнинг қадимий ўқилиш услублари, айтим ижро- чилик маданиятининг юксалиши зами- нида ўрта асрларда вужудга келган. Унинг ўтмишдаги намуналарида лирик ва насиха- томуз ғазаллар билан бир қаторда диний, тасаввуфий йўналишдаги шеърлар ҳам куйланади. А. Навоий, Лutfий, Машраб, Ҳазиний, Муқимий, Фурқат, Завқий, Мискин ва бошқаларнинг ғазаллари катта ашула жанрида алоҳида ўрин олган. XX асрдан бошлаб замонавий ўзбек шоир (Собир Абдулла, Чархий, Чустий, Акмал Пўлат, Ҳабибий ва б.)ларнинг шеърлари ва халқ шеърляти ҳам қўлланилади. Мавзу жиҳа- тидан катта ашула ишқий-лирик, фалсафий, диний ва замонавийларга бўлинади. Катта ашулада сўз куй билан бир усулда “нафас” олади. Шу боис шеър ва куй бир-бирига шу қадар уйғунлашиб, бир-бирига сингиб кетганки, ўзини алоҳида эшитганда шеърни ҳам тинглаётгандек бўласиз. Бу ашулалар баланд пардаларда ижро этилиши, кўта- ринки мавзудаги шеърларни қўлланиши ҳамда катта йиғинларда, сайилларда, гўй-то- мошава очик ҳавода айтилиши туфайли улар “катта ашула” деб аталади.

Катта ашула халқ орасида “ашулаи калон”, “катта ялла”, “ҳаққоний ашула” номлари билан юритилган. Унинг иккинчи номи патнис ёки патнусоки ашула ҳамда ликобча ашула деб аталган. Ашулани ҳофизлар қўлларига патнис ёки ликобча ушлаб, ҳаракатлартинишади (овозларни тингловчига йўналтириш, ўзлари эшитиш

хамда уни силкитиш орқали овоз беза- гига ёрдам бериш ҳолда). Катта ашуланинг ривожланиш жараёнида унинг жанрлар таркиби шаклланди: анъанавий — икки ҳофиз томонидан айтилиши (Бир келсун, Оҳ ким, Эй, дилбари жонон); “ёввой мақом” — мақом шўъбалари эркин услубда жўрсиз талқин этилиши (Ёввой Ушшоқ, Ёввой Чоргоҳ, Патнусаки Сегоҳ); “ёввой ашула” — оммабоп ашула йўллари эркин услубда куйланиши (Ёввой тановар, Ёввой муножот); “яккахонлик” ёки ашула-чолғу йўли — якка ижрода чолғу ансамбли (иккинчи хонанда вази-фаси) жўрлигида (Ж. Султонов томонидан ижод этилган “Оҳ ким”, “Тулизорим қани”, “Ёлғиз”, “Топмадим”); чолғу йўли — яккасоз най, сурнай, танбур, ғижжак учун (Ёввой Чоргоҳ). XX асрдан эркак хонандалардан ташқари аёллар ҳам катта ашулани ижро этишган (Халима Носирова, Фотима Боруҳова, Зайнаб Полвонова).

Катта ашуланинг ижрочилик маданияти юксалишида унинг ўзига хос ижрочилик мактаблари шаклланди — Қўқон (Эркақори Каримов, Шерқўзи Бойқўзиев, Ҳамроқул қори, Мелиқўзи Юсупов, Турдиали Эргашев, Расулқори Мамадалиев), Марғилон (Мамад-бува Саггаров, Болтабой Ражабов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Турдиали Шарипов раҳбарлигидаги “Чоргоҳ” гуруҳи), Андижон (Фаттоҳхон Мамадалиев, Одилжон Юсупов, Саиднаби Саидназаров, Жўрахон ва Эргашвой Юсуповлар, Хуршид Ҳасанов), Наманган (Маллабой Ҳамидов, Абдулла Ғозиев, Иброҳим Исоқов), Тошкент (Ақбар қори ва Эшмат Ҳайдаровлар, Очилхон Отахонов, Ориф Алимахсумов, Маҳмуд Тожибоев, Муножот Йўлчиева, Бекназар Дўстмуродов, Абдунаби Иброҳимов, Соибжон Ниёзов, Дилнура Қодирқулова, Нодира Пирматова). Катта ашула нафақат анъанавий “устоз-шогирд” мактаб (Андижон, Қўқон, Марғилон)лари, балки замонавий мусиқа таълими тизими (академик лицей, санъат коллежлари ва консерватория) орқали ўзлаштирилмоқда.

Катта ашула анъаналарини сақлашда илмий тадқиқотлар, нашр (китоб ва тўплам)лар, аудио ва видео ёзувлар, фильмлар, телекўрсатувлар, танловлар, айниқса, ёшлар орасида кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Катта ашула ижрочилари VII-чи Халқаро Мусиқа Конгресси (Москва, 1971), IV-чи Осиё Мусиқали Минбари (Филиппини, 1976), Европа фольклор фестивали (1985), АҚШ мусиқа фольклор фестивали (1987), “Шарқтароналари” Халқаро мусиқа фестивали (Самарқанд, 1997–2017), “Асрлар садоси” Анъанавий маданият фестивали (Ўзбекистон, 2008–2013) каби йирик анжуманларда, Наврўз ва Мустақиллик умум-халқ байрамларида ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этмоқдалар. 1984 йилдан бошлаб Республика миқёсида мунтазам равишда катта ашула ижрочилари танловлари ўтказилмоқда (2013 йили Тошкент вилоятда бўлиб ўтди). Катта ашулани муҳофаза қилиш, сақлаш ва тарғиб этиш бўйича таржиба лойиҳаси ЮНЕСКОнинг АССУ (Япония) маркази томонидан Олтин медали билан тақдирланди. Катта ашула 2009 йилда ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг номоддий маданий мероси” Репрезентатив рўйхатига киритилди.

**Мавриги.** Қадимий эронча, аниқроғи, зардуштийлар замониға хос либосдаги ўн чоғли эркак ўтирган ҳолда доира билан халқ тарона-ларини куйлашади. Парда ортидан куйга мос равишда кичик қадамлар билан чиқиб келаётган раққоса кўринади. У ўз ҳаракатлари билан ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги ишқу муҳаббатни васф этган бўлади.

Асосан, соф форс-тожик ва ўзбек тилларида куйланган қўшиқларга фақат чилдирма жўр бўлиб туради. “Шаҳд” деб номланадиган дебочада аввал томошабин тайёрланади. “Тараққий” деб номланган иккинчи босқичда ритм жонланади ва бу томошабинда завқ-шавқ уйғотади. Учинчи қисм эса “Пировард” деб номланади. Бу босқичда томошабиннинг руҳий ҳолати ўзгаради, яъни саҳнада кўраётганлари билан роҳатланади. “Мавриги”да бошқа-ларнинг қўшиқчилик услубидан фарқли ҳолат муҳим. Агар ҳолат бўлмаса, ижрочи ўз кечинмаларини тингловчига етказиб бера олмайди.

“Мавриги” номи Ўзбекистоннинг Бухоро минтақасида 16-асрларда пайдо бўлган. Ўша даврда Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухорога кириб келганида лашкарининг асосий қисмини ташкил этган марвлик аскарлари Бухорода қолишни ихтиёр қилган.

Аммо Бухоро амири уларнинг шаҳар ичкарасида яшашларига изн бермагач, улар Бухоро дарвозаси ташқарисида қолиб яшай бошлаганлар.

Вақт ўтиши билан улар бухороликлар орасида ўз санъати билан танилган. Улар Марв шаҳридан бўлганлари учун ҳам ҳозиргача сақланиб қолган бу санъат услубига “марвиги” дея ном берилган экан.

Бутун шарқ санъатининг йиғиндиси сифатида Бухородагина мавжуд бўлган мавриги услуби бухороликларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган. Ва фақат доира ёрдамида эркаклар томонидан куйланадиган куй-қўшиқлар мажмуига мавриги дейилади. У инсоннинг руҳини кўтаради ва ўша орқали томошабинга, тингловчига таъсир этади.

Мавриги услуби олдиндан ҳам бухороликлар орасида бўлган ва асосан тўй-томошаларда куйланган.

Келиб чиқиши Эронга бориб тақалса-да, аммо асосан Бухоро услубига мосланиб куйланадиган тароналар ширу шакар, яъни икки тилда ўзбек ва тожик тилларида бўлгани бу икки халқнинг бир-бирига азалдан қон-қардош ака-ука эканидан дарак. Мавриги бу бир неча халқ маданиятининг синтезидир.

Мавриги Бухоро вилоятидаги “Мавриги” фольклор-этнографик гуруҳи, “Нозанин” ва “Моҳи ситора” фольклор ансамбллари томонидан тикланиб, тарғиб этилмоқда. Мавриги ижрочилигининг етук намояндалари — Тухфахон Пинҳасова, Олима Ҳасанова, Ориф Атоев, Ҳайдар Шодиев, Мурод бобо Ҳасанов, Раъно Мусаева, Боғдагул Тураева, Гулчеҳра Мамедова, Матлаб Ражабова ва унинг фарзандлари — Машраб, Машкура ва Мурод Қодировлар ҳисобланадилар.

**Суво́ра** (форсча “суворий” — отлик) — Хоразм худудида кенг тарқалган йирик ашула йўли бўлиб у Хоразм мақомлари таркибига киритилган. Суво́ра ўтмишда тасаввуф оқимининг мусиқа санъатидаги кўринишидир.

Суворалар, қадимда диний сўзлар билан айтилиб, ижрочиларни “гўянда” (айтимчи) деганлар. Суво́ра сўзи “суворий” сўзидан чиққанлиги бежиз эмас, чунки Сувораларнинг ритм, доира усуллари отнинг оёқ товуши ҳолатини эслатади. Шунинг учун ҳам мусиқаиждодиётида от билан боғлиқ асарлар жуда кўп учрайди.

Сувораларнинг бизгача бешта асосий йўли ва йигирмага яқин Савти суво́ра ва Уфори суворалари етиб келган. Суворанинг ашула йўли оддий 2/4 ўлчовидаги доира усулида мумтоз шоирларнинг шеърлари асосида ижро этилади. Энг қадимий — Она суво́ра Огаҳий ва Машраб сўзлари билан айтилади. Суво́ра ашула йўллари орасида Чапандози суво́ра, Як парда суво́ра, Кажҳанг суво́ра, Қўш парда суво́ра, Беш парда суво́ра каби асарлар кенг тарқалган. Савти суво́ра 12 қисмли ва ундан кўп қисмли бўлиши мумкин, ундан кейин Уфори савти суво́ра ва Гул уфор савти суворалар ҳам ижрочилик амалиёти бўлган.

Ижрочилик амалиётида машҳур хонандалар томонидан яратилган Суворалар мавжуд — Суво́раи Комил (Комилжон Отаниёзов ижоди), Қорчмоний суво́ра (Ҳожихон Болтаев), Индамас суво́ра (Қувондиқ Искандаров), Гўжайи суво́ра (Озод Иброҳимов), Ним парда суво́ра (Раҳматжон Қурбонов) ва бошқалар. Суворалар ижрочилари орасида Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров, Мадраим Шерозийлар алоҳида ўрин тутган. Жумладан, Ҳожихон Болтаев репертуарида 50 дан ортиқ суво́ра мақом ашула йўллари, ашула туркумлари, ашула йўллари ўрин олган. Суво́ра ашула йўллари асосида Хоразмда хонандаларнинг иждодий мусибақалари “Дийралашма” ўтка-зилади (бир куй асосида турли мавзуидаги шеърлари ижро этилиши лозим). Суворалар асосида замонавий эстрада кўшиқлари ҳам яратилмоқда (Оғабек Собиров, Ўлмас Оллоберганов ва бошқалар).

**Феруз** (ноёб тош маъносида) — Хоразмда кенг тарқалган ва машҳур ашула йўллари. Беш қисмли ашула йўли туркуми: Феруз 1, Феруз 2, Феруз 3, Феруз 4 ва Феруз 5. Хоразм мақомлари туркумининг “Наво” ва “Сегоҳ” мақом шўъбалари асосида юзага келган. Лекин улар мақомлар доирасидан ташқари турса ҳам, салоҳияти асло кам эмас. Ферузлар ўзининг куйи, тик авжлари ва уларнинг ижросидаги қочиримлари билан Хоразм муслибини белгиловчи ашула йўллари ҳисобланади. XIX асрнинг бошида Муҳаммад Раҳимхон I (1807–1826) даврида юзага келган ва Хоразм мумтоз ашулалари орасида “Феруз” деб ном олган.

Айниқса, Феруз 1 ва Феруз 2 ашулалари ўз даврида халқ оғзига тушиб, зиёфатларнинг кўркига айланиб келган. Шу боис халқ орасида бирини “тилло узук” деб, иккинчисини унга “гавҳар қошдек” ярашиб келибди дейишган. Кейинчалик савт ва уфаршакл-лари негизида янги Ферузлар юзага келиб, ашула туркуми сифатида оммалашган. Манбаларга кўра куйлари ва шеърлари муаллифи таниқли шоир ва бастакор Феруз

бўлган. “Феруз” тахаллуси Хива ҳукмрони бўлмиш Муҳаммад Раҳимхон II Сонийга (1864–1910) тегишли.

Муҳаммад Раҳимхон Соний муסיқий илмга ғоят ҳавасли бўлиб, муסיқий ишларни олдинги замонлардан кўра янада юксак даражада ривожланишига даъват этди. Бунинг натижасида Хоразмда мислсиз муסיқий қайта уйғониш юзага келдики, муҳташам мақом анъаналари-нинг ривожи давлат аҳамияти даражасига кўтарилди. Унинг ташаббуси билан Хоразм танбур ва дутор мақомлари махсус “танбур чизиги” орқали ёзиб олинди ва амалиётда қўлланиб келинди. У яратган чолғу куйлари Хоразм мақомларининг Чертим йўллари таркиби (Муҳаммаси Феруз, Мусаддаси Феруз ва б.)га кирган. Феруз туркумининг ижроси ҳар бир хонандадан овоз маҳоратини талаб этади.

Феруз ашула туркуми тўлиқ равишда Ҳожихон Болтаев репертуаридан ўрин олган. Феруз 1–2 кўпгина хонандалар томонидан талқин этилган, ҳозиргача катта овоз диапазониغا эга бўлган профессионал ва ҳаваскор хонандалар томонидан севиб ижро этилади.

**Халфа** — Хоразм воҳасида маҳаллий оғзаки ижод намуналарини ижро этувчи аёл. Халфалар фаолият кўрсатиш шароитига кўра икки йўналишга бўлинади: тўй ва базмларда кўшиқлар ижро этувчи “сози халфа” ҳамда “китобий халфа”. Уларнинг иккаласи ҳам “ичкари” да аёлларга хизмат қилган.

“Сози халфа”лар санъатида жўрнавозлик ва яқка ижрочилик мавжуд. Ансамбль уч кишидан таркиб топади: халфа (гармон чалади ва кўшиқ айтади), доирачи (кўшиқларга жўр бўлади, баъзан рақс тушади) ва ўйинчи (рақс тушади ва лапар айтади). Халфа репертуарларидан асосан, (Тўй муборак), “Ёр-ёр”, “Ошиқ” туркумидаги (“Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Албанд”, “Асли ва Карам”, “Хурлиқо ва Ҳамро”) дostonлардан парчалар, Махтумқули ва бошқа шоирларнинг шеърлари асосида насихат ва рақсбop кўшиқлар ўрин олган. Ижодкор халфалар замоннинг муҳим масалаларига бағишланган асарлар яратиб, уларга ўзлари куй басталаганлар. Масалан, Хоним Сувчи Сайидахмад кизи (1858–1926)нинг “Бевафо зoлим”, Бибижоним Қосим Девон қизининг “Айрилдим”, Ожиза (Онабиби Отажoнова, 1889–1961)нинг 30 дан oртиқ кўшиқлари Назира Собирова, Розия Матниёз кизи, Саодат Худойберганова ва бошқа халфалар томонидан куйлан-моқда.

“Китобий халфа”лар эса, асосан, таъзия, “Улли пир”, “Мушкул кушод” каби маросимларда “Ғавсули Аъзам”, “Пайғамбар ҳикояти”, “Бобо Равшан” “Биби сешанба” ва бошқа диний мавзудаги китобларни яқка холда ўқиб аёллар дардини енгиллатишган.

Халфалар маҳаллий халқнинг барча тўй-ҳашамлари ва маросимларда қатнашадилар. Жумладан, никоҳ тўйларини “Тўй муборак” ёки “Тўй бошлови” кўшиқлари билан очиб берадилар ҳамда “Тўй жавоби” билан яқунлайдилар. Халфачилик анъаналари Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа, Тўрткўл, Беруний туманларида ҳозирги кунда ҳам кенг давом этмоқда.

Ҳозирда халфачилик анъанавий “устоз-шогирд” мактабларидан ташқари мусиқа мактаблари, санъат коллежларида ўзлаштирилмоқда. Республикамизда Халфа ижрочилари танлови Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа вилоятида “Нафосат бўстони маним” номли фестивали доирасида (2013 йилдан) ўтказилмоқда. Хоразмлик халфалар ўз санъати ва ижрочилик маҳоратларини “Бойсун баҳори” Очиқ фольклор фестивали, “Асрлар садоси” Анъанавий маданият фестивали ва “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивалларида намойиш этмоқдалар.

#### 4.8. Рақс санъати

Ўзбекистон ҳудудида рақс ҳаракатларининг дастлабки намуналари пайдо бўлиши “Наврўз” маросими тарихи ва Зардуштийлик динининг Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши билан боғлиқ.

Ўзбек рақс санъати аниқ ритм (усул)га асосланади ва рақс ҳаракатлари ритм ўзгариши асосида тизимга солинади. Куй ижросида доира (урма чолғу)га куйни ижро этувчи чолғулар жўр бўлган пайтда ҳам рақс ижрочилари фақат усул (ритм) ларнинг сони ва таркибига кўра ўз ҳаракатларини режалаштиради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида бўлган 5 рақс мактаби мавжуд:

1. Фарғона-Тошкент
2. Бухоро-Самарқанд
3. Хоразм
4. Қорақалпоқ
5. Сурхон

Дастлабки 3 та мактабнинг пайдо бўлиши шу ҳудудларда давлатчиликнинг (Кўкон хонлиги, Хоразм хонлиги ва Бухоро амирлиги) мавжудлиги билан изоҳланса, қорақалпоқ миллатининг кейинчалик ушбу ҳудудга кўчиб келиши яна бир янги мактабнинг Ўзбекистон ҳудудида шаклланишини таъминлаган. Сурхон рақс мактабининг шаклланишига ушбу ҳудудда сақланган ўзига хос рақс ҳаракатларининг давр синовидан ўтиб, маълум бир тизимга келтирилиши ва бошқа мактаблардан фарқли ҳаракатларни ўзида мужассам этгани сабаб бўлган.

Ўзбек гуруҳли рақс ижрочилиги ҳам узоқ тарихга эга эмас. Аёллар даврасига номаҳрам эркакнинг кириши таъқиқланган шароитда балоғат ёшига етмаган ўғил бола сифатида шундай имкониятга эга бўлган Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва Уста Олим Комиловлар бунинг уддасидан чиқиб, кейинчалик гуруҳли рақсларни саҳналаштиришган. Тошкентлик — Кенжабой Турсунов, Мулло Шобарот Шосолиҳов; бухоролик — Уста Тожи Собиров, Михал хоним Хаимова, Бибиширин Маманова; кўконлик — Маҳкам Ҳофиз, Камолхон Муҳаммаджонова, Қумрихон Ҳамдамова; наманганлик — Усмонхўжа Фозилбоев, Шарофат яллачи; андижонлик — Мамажонхўжа Усмонхўжаев; фарғоналик — Назирхон; хоразмлик — Аллабергенов,



СафарМуғанний; марғилонлик—Отахўжа, Қимматхон Султоновалар рақс санъати-нинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшган.

Ҳозирда ҳар беш рақс мактаблари бўйича ижодий жараён профессионал ва хаваскор рақс жамоалари, шунингдек яқка ижрочилар томонидан давом эттирилмоқда.

Фарғона рақслари қадимдан “Катта ўйин” ва “Кичик ўйин” турларига бўлинган. “Катта ўйин” 280 дан ортиқ доира усулларига мос ҳаракатлардан ташкил топиб, асосан катта майдонларда ижро этилган. “Кичик ўйин” эса хонадонларда ижро этилган. Унда миллий чолғулар жўрлигида кўшиқ (ялла валапар)ларга рақс тушилган.

Аёллар хонатлас, беқасам ва креп-дешин матосидан тикилган ёқали кўйлак, нимча, ипак матосидан тикилган иштон, бошларига эса паранг, дурра шаклларида ўралган рўмоллардан фойдаланишган. Эркаклар бўз матосидан тикилган кўйлак ва нимча ёки енгил халат, миллий шалвор, оёқларида этик ва бошларига дўппи кийиб рақсга тушган.

**Фарғона – Тошкент рақс услуби**да “Тановар”лар муҳим ўрин тутди. Тановар рақси фақат аёллар томонидан ижро этилиб, унинг ҳаракатларидаги майинлик, маюслик, ибо, ҳаёифодаси маҳаллий халқ характери ва менталитети билан боғлиқ ҳолда рақс санъатида ўз аксини топган.

Тановар (форсча– жасур, қудратли, кучли)— “тан” — яъни жисмни, “овар” — эса завқ олиб келиш маъноларини англатади. Ушбу ибора амалий санъатдан келиб чиққан ва истемолга кириб келган. Тановар халқ кўшиғи, мумтоз ашуласи ва халқ — мумтоз шеърини асосида яратилган ҳамда рақс сифатида ҳам оммавийлашган. Рақс ҳаракатларида ўзбек қизининг севгилиси билан учрашувини асосга етиши акс эттирилган. Тановарнинг халқ айтими йўлидаги “Қорасоч”, “Сумбула” (халқ сўзлари), “Энди сендек” (Муқимий шеъри) вариантлари дутор жўрнавозида ижро этилган. Кейинчалик унинг мумтоз ашула, катта ашула ва чолғу йўллари шаклланди. “Тановар”, “Адолат тановари”, “Ёввойи тановар”, “Фарғонача Шаҳноз”, “Қўқонча тановар”, “Марғилон тановари”, “Наманган тановари”, “Янги тановар” каби локал вариантлари (20 ортиқ); ашула туркуми (Тановар I–V), бастакорлик ашулалари “Улкун жонон” (М. Мирзаев), “Ёввойи

тановар” (Ж. Султонов), “Тановарни тинглаб” (А. Исмоилов); чолғу йўллари “Қўқон тановари” (дутор), “Турғун тановари” (дутор, танбур ва сато), “Тулбаҳор ва тановар” (чанг) ижод этилиб, халқ орасида оммалашиб кетган. Тановар– машҳур ўзбек рақси, илк бор Мукаррама Турғунбоева томонидан XX аснинг 40-чи йилларида сахнага олиб чиқилган ва ўзига хос рақс санъати асарининг сифатида оммалашиб кетган.

**“Хоразм рақси — лазги”**нинг дастлабки элементлари инсон томонидан олов кашф қилинган даврда пайдо бўлган. Қуйи Амударё (Марказий Осиё давлатларини кесиб ўтувчи йирик дарё) этақларида яшаган хоразмийлар ушбу рақснинг ижодкорларини саналади. Рақс ижросида қўл ва оёқ ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга ва ҳар

бир ижрочи ўз қобилиятига яраша ўз ҳиссиётини намойиш этади. Лазги 20 асрнинг ўрталаригача бўлган даврда фақат мусиқа чолғулари жўрли-гида ижро этилган ва 8 тури (“Масхарабоз”, “Қайроқ”, “Сурнай”, “Дутор”, “Сарой-базм”, “Гармон”, “Чангак”, “Хива” (лаган билан ўйналадиган) мавжуд бўлган. Қўшиқ жўрлигидаги “Ялла қўшиқ лазги”си илк бор Комилжон Отаниёзов томонидан ижро этилган, ҳозирги кунгача унинг турли вари-антлари яратилиб келмоқда. Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Зарип Латипов, Бикажон Рахимова, Ровия Отажонова, Гавҳар Матякубова, Малика Қаландарова, Саодатқайроқчи, Яхшимқайроқчи, Шомми қайроқчи, Каримберган Рахимов, Отахон қайроқчи, Олия Отомуротова, Жуманиёз қайроқчи каби рақс ижрочилари унинг сақланиши ва келгуси авлодга етказилишида катта роль ўйнади.

Хоразм вилоятининг Қўшқўпир тумани Окдарбанд қишлоғида яшовчи аҳоли ўзининг “Чангак” лазгиси билан, Хива шаҳри “Хива (чанок) лазгиси” билан, Шовот тумани Монақ қишлоғи “Масхарабоз лазгиси” билан танилган.

Муқадда Лазги фақат яқка ижрочилар томонидан ўйналган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тошкент шаҳри (Ўзбекистон пойтахти)да унинг саҳнавий шакллари хоразмлик мутахассислар ёрдамида яратилди. Рақс мусиқасининг аввал тремоло (рез)да бошланиб, кейин жуда босиқ темпдан аста-секин тезлашиб, рақс сўнгида жунбушга келадиган даражада тезлашуви, унинг жозибадор ўйноқи харақтери ўзига хос жозоба кашф этиши сабабли бошқа худудларга тарқалган. Ҳозирда рақс Ўзбекистоннинг барча худудидида оммалашган бўлиб, барча оммавий байрамлар, сайиллар, концертлар, оилавий маросимлар давридаги хурсандчиликларда ижро этилади. Ҳозирги кунда унинг янги турлари яратилиши давом этмоқда.

**Бухоро рақси** — ўзбек халқ рақс услубларидан бири. У Бухорода шаклланган ва ривожланган. Ҳаракатларнинг мардонавор ва шиддатлилиги, қайрилиш, ярим қайрилиш, шох ва чархларга бойлиги билан ажралиб туради. Раққослар кундал, адрас, кимхоб каби матолардан кенг қилиб тикилган камзул ёки зардўзи яқтак, яқранг шойидан салла ўраб, оёқларига пошнапи бахмал этик кийиб чиққанлар.

Аёл раққосалар, асосан, ўрдаларда, ичкарида, хуфёна базмларда хизмат қилишган. Карвонсарой, сайилгоҳ, тўй каби эркаклар йиғиладиган жойларда уларнинг рақсга тушиштириққанган. Шу сабабли хотин-қизлар рақсини ҳам эркаклар (ясама соч тақиб, аёллар либосларида) ижро этишган.

Одатда Бухоро рақслари қўл ҳаракатлари билан бошланади, кейинчалик гавда ҳаракатлари қўшилиб, ундан кейин оёқ ҳаракатлари билан тўлдирилади. Бунда гавданинг турли ҳолатлари, ортга букилиш, ўз ўқи атрофида айланиш, қўлларнинг ранг-баранг ҳаракатлари рақсларнинг жозибадорлигини оширади.

Бухорода аёлларнинг тиззага ўтириб, ўрnidан турмасдан гавдани ҳар томонга букиб, елкаларни силкитиб, қўлларнинг эпчил ва чакқон ҳаракатлари воситасида ижро этиладиган рақси “замин бози” (ер рақси) дейилади. Бухоро рақсларининг энг

мураккаб тури– “ларзон” (қўл кафт- ларини силкитиш) бўлиб, бунда раққо- салар турли тақинчоқлар билан безанган ҳолда яланг оёқ рақсга тушадилар. Ларзон рақсида раққосалар бутун гавдасини силкитиб, ёнаётган оловда аланга ҳаракатларига ўхшаш ҳаракатларни бажаришади. Бухоро рақсларидаги ҳар бир ҳаракат ўз номи ва рамзий маъносига эга. Бухоро раққосалари қўл ва оёқларига занг(кичик қўнғироқчалар тўплами) таққан ҳолда ва қўлларида қайроқ тош билан рақсга тушишади. Бухоро рақс анъаналарининг сақланиши ва кейинги авлодга етказилишида М. Хаимова, Червон хоним, Исахор Оқилов, Вилоят Оқилова, Тухфахоним Пинхасова, Олияхон Хасанова ва бошқа- ларнинг хизматлари катта. Ҳозирги кунда Бухоро рақслари анъаналари “Бухоро” ва “Мавриги” профессионал жамоалари, шунингдек Бухоро вилоятида фаолият кўрсатаётган ҳаваскор фольклор-этнографик ҳамда рақс жамоаларида давом эттирилмоқда.

**Сурхон рақслари** – кўчманчи аҳолининг турмуш тарзи билан боғлиқ рақс услуби. Эркаклар ва аёллар томонидан ижро этилади. Аёллар рақсида енгил ва дадил кадам ташлаш, маъноли қўл ҳаракатлари, гавданинг майин ҳаракатланиши кузатилади. Рақсда турмушда ишлатиладиган қошиқ, урчук, чиғирик, чироқ ва бошқа рўзғор буюмларидан фойдаланилади.

Эркаклар рақсида доимий равишда бир оёқда сакраш, ерга чўкка тушган ҳолда гавданинг айланма ҳаракатлари, қўлларнинг самога тўғри ёки ён томонга худди қанотга ўхшаб чўзилиши билан ажралиб туради. Рақсда пичоқ, ёғоч таёқлар кўпроқ ишлатилади. Шу сабабли бу рақсларнинг аксариятида жанговарлик ҳаракатлари асосий ўрин тутди. Сурхон рақсларида барча ҳаракатлар маълум маънога эга. Масалан:

«тўлқам», «тебранма», «ирчитма», «ғажир қўнди», «қанот», «мўралаш», «мулойим», «шилшила», «силтама», «учирма» ва ҳоказо номлари билан аталадиган рақс ҳаракатлари оммавий ва яқка рақсларни саҳналаштиришда жуда қўл келади.

Эркаклар рақсларида чорвачилик, овчилик, хайвон ва паррандалар ҳаракатларига тақлид қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар кўп учрайди.

Аёллар либосида маҳаллий матолар – алача, бўз, жандадан фойдаланилади. Матоларнинг ранглари эса жуда ёрқин- лиги билан ажралиб туради. Раққосаларнинг бўйин, кулоқ ва қўллари зебигардон, зафабанд, шодамаржон, билакузук, зирак, нозигардон, кифтак, кўкрактумор, мунчок, қўлтиқ тумор сингари тақинчоқлар билан безатилади. Аёллар ҳаракатида бош қисмини ўйнатиш, сакрама ҳаракатларнинг қўлдаги майин ҳаракатлар билан чатишган ҳолда ишлатилиши сурхон рақсларига алоҳида жозиба бағишлайди.

Эркаклар яқтак ёки оддий кўйлак, шолвор кийган ҳолда оёқларида мукки (енгил тери чорик) билан рақсга тушадилар. Сурхон рақсларининг сақланиши ва тарғиб этилишида Ҳолик Хурсандов, Абдулла Карим ўғли, Мулла Жума Дуторий, Хожи Болта раққос, Орзигул раққоса, Хурсанд Қурбонўғли, Мулла Умар Дуторчи, Зикрилла

Умаров, Абдухалил Назаров, Шоира Курбонова, Комил Раҳмонов ва бошқаларнинг хизмати катта.

### ***Назорат саволлари***

1. Ижро санъати шартли равишда неча турга бўлинади?
2. Халқ томоша санъатининг жанрларини санаб беринг.
3. Қўғирчоқбозлик санъатининг қандай йўналишлари мавжуд?
4. Дор ости томошасида яна қандай томошалар кўрсатилади?
5. Неча хил дорлар мавжуд?
6. Касбий мусиқа таркибига қайси мақомлар киради?
7. Мақомларнинг чолғу йўли қандай номланади?
8. Халқ мусиқа ижодиётининг қайси жанрларини биласиз?
9. Қайси ашула ва қўшиқлар жўрсиз куйланади?
10. Миллий чолғулар овоз ҳосил қилиш хусусиятига кўра қандай турларга бўлинади?
11. Ўзбекистонда неча рақс мактаби бор?
12. Ижрочилик санъатидан неча мерос Инсоният номодий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатига киритилган?

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон номодий маданий мероси рўйхати. Nilol nashr MChJ, Toshkent, 2016 у.
2. Intangible cultural heritage of Uzbekistan (Ўзбекистон номодий маданий мероси). ICHCAP, ICAS, YUNESKO ishlari bo'yicha O'zbekiston Milliy Komissiyasi nashri. Mega Basim, 2017 у. <https://www.unesco-ichcap.org/publications-archive/intangible-cultural-heritage-in-uzbekistanuzbektili/>
3. List of Intangible Cultural Heritage in Need of Urgent Safeguarding. UNESCO, 2009.
4. Ў.Тошматов, Н.Исакулова. Номодий маданий меросни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (монография). Тошкент, 2015 й.
5. Основные тексты Международной конвенции об охране нематериального культурного наследия. ЮНЕСКО, 2020 г.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот: Урф-одат ва маросимлар: анъанавийлик ва тарансформацион жараёнлар. Анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар. (2 соат)

**Ишдан мақсад:** Бунда мусиқа, рақс, халқ томоша санъатининг барча жанрларини намойиш этишга (ҳоҳ у сахнада бўлсин, ҳоҳ майдонда, ҳоҳ кичик даврада) мўлжалланган жанрлар ижрочилик санъати таркиблари ўрганилади.

**Мақсаднинг қўйилиши:** Ижрочилик санъатининг барча жанрларини камраб олмаган ҳолда мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин.

**Мусиқа** йўналиши бўйича: “Шашмақом”, “Хоразм мақомлари”, “Тошкент-Фарғона мақом йўллари”, Дутор ва сурнай мақом йўллари, “Тановор”, “Ушшоқ”, “Феруз”, “Сувора”, “Лазги”, “Мавриги”, “Мискин” сингари туркумлар, “Катта ашула”, аллалар, ўланлар, яллалар, лапарлар, мадҳиялар, термалар, шунингдек, “бахшичилик”, “халфачилик” ва ҳудудга хос бошқа йўналишдаги манбалар.

**Рақс** йўналиши бўйича: Фарғона, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё рақс мактаблари, ҳудудларга хос бўлган рақслар ва рақс ҳаракатлари, шу жумладан, болалар, эркаклар, аёлларнинг якка ва гуруҳли рақслари.

**Томоша санъати** йўналиши бўйича: дорбозлик, полвонлик, анъанавий цирк, кўзбойлоғичлик, кўғирчоқбозлик, масхарабозлик, морбозлик, бесуюклик ўйинлари, ёғоч оёқ ўйинлари, миллий халқ ўйинлари ва бошқалар.

#### **Урф-одат, маросим ва байрамлар, маданий маконлар.**

*Урф-одат, маросим ва байрамлар* таркибига меҳмондўстлик анъаналари, ахлоқ-одоб билан боғлиқ урф-одатлар, фарзанд тарбияси билан боғлиқ маросимлар, бешик тўйи, исм қўйиш маросими, суннат тўйи, совчиликка бориш, келин салом, миллий ва маҳаллий миқёсда ўтказиладиган сайллар, ҳашарлар, томошалар, байрамлар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қуйидаги қўшиқлар ёки ашулани талабаларга ўргатиш учун тайёрланиш мумкин.

## ФОЛЬКЛОР МУСИҚА АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

### Садаға

Халқ сўзи

С.Қурбонов мусиқаси

Ўртача



Нақорат



Са-да-ға, са - ти-гинг бў-лай. О-шин-га қа - ти-гинг бў-лай.



Уй-ги-нан - га меҳ-мон кел-са киш-та-ла қо - ши-гинг бў-лай.

Якка



Қал-дир-ғоч-нинг қа-но - ти-дай, қо-шинг-дан ай - ла-най се-нинг.



Қат-тиқ ер-нинг шол-го - ми-дай, Бо-шинг-дай ай - ла-на се-нинг.

Нақорат



Са-да-ға са - ти-гинг бў-лай, о-шин-га қа - ти-гинг бў-лай.



Уй-ги-нан - га меҳ-мон кел-са, киш-та-ла қо - ши-гинг бў-лай.

Нақорат

Садаға сатиғинг бўлай,  
ошинга қатиғинг бўлай.  
Уйгинанга меҳмон келса,  
киштала қошиғинг бўлай.

Қалдирғочнинг қанотидай,  
қошингдан айланай сенинг.  
Қаттиқ ернинг шолғомидай,  
бошингдан айланай сенинг.

Нақорат

Самарқанднинг кулчасидай,  
юзингдан айланай сенинг.  
Кенталанинг кечасидай,  
кўзингдан айланай сенинг.

Нақорат

Оқсаройнинг кўрғонидай,  
уйингдан айланай сенинг.  
Ўртабўзнинг терагидай  
бўйингдан айланай сенинг.

Нақорат

# Меҳмонжон

Халқ сўзи  
С.Қурбонов мусикаси

Ўргача



Якка



Жон, жон, жон у - ка - жон да с - ти - ёр жон у - ка - жон.



Боғ-лаб меҳ-мон то - йи - ни, о - либ кел-гин чо - йи - ни.

Нақорат



О - линг, о - линг меҳ - мон - жон, та - тиб кў-ринг меҳ-мон - жон.

Жон, жон, жон укажон,  
дастиёр жон укажон.  
Боғлаб меҳмон тойини,  
олиб келинг чойини.

Нақорат

Олинг, олинг, меҳмонжон,  
ичиб кўринг меҳмонжон.

Жон, жон, жон укажон,  
дастиёр жон укажон.  
Бизга келибди меҳмон,  
олиб келинг иссиқ нон.

Нақорат

Олинг, олинг, меҳмонжон,  
татиб кўринг меҳмонжон.

Жон, жон, жон укажон,  
дастиёр жон укажон.  
Отга илинг тўрвани,  
меҳмон ичсин шўрвани.

Нақорат

Олинг, олинг, меҳмонжон,  
ичиб кўринг меҳмонжон.

Жон, жон, жон укажон,  
дастиёр жон укажон.  
Ўзингиз енг ҳолвани,  
меҳмон есин олмани.

Нақорат

Олинг, олинг, меҳмонжон,  
татиб кўринг меҳмонжон.



# FERUZI

Ogahiy g'azali  
Xorazm mumtoz yo'llaridan

M. M.  $\text{♩} = 80$

Mush\_kin qo\_shing\_ni hay\_a\_ti  
(ey) ul chash\_mi jal\_lod uz\_ti\_na,  
(ey) qat\_lim u\_chun nas kel\_tu\_rur (yo\_  
re) nun el\_ti\_bon sod  
us\_ti\_na (ey)  
Qil\_g'il ta\_mo\_sho qo\_ma\_tin  
ze\_bo\_si bir\_lan o\_ra\_zin,  
gar ko'r\_ma\_sang gul o'l\_g'\_nin (yo\_  
re) pay\_von\_di sham\_shod  
us\_ti\_ma (ey).  
No\_zu a\_do\_yu g'am\_za\_si

(ey) qat lim qi lur lar dam ba dam,  
 vah mun cha o fat mu bo' lur (yo  
 re) bir o da mi zod  
 us ti na (ey).  
 Men xas ta ga jon as ra mak (ey)  
 en di e rur  
 dush vor kim, (ey) qo til ko' zi  
 be dod e tar (ey) har kah za be  
 dod us ti na (ey)  
 yor yo rey),  
 Bo shim g'a yoq qan g'am to shin (ey)  
 ming din bi ri  
 cha bo'l ma g'ay (ey)

yor yo \_ rey),  
 gar \_ dun a \_ gar ming Bes \_ tun (ey)  
 yog' \_ dur sa far \_ xod us \_ ti \_ na (ey)  
 yor yo \_ rey).  
 Ey, shoh, ka \_ ram ay  
 lar cho\_g'i (ey)  
 teng tut yo \_ mo nu yax)shi \_ ni , (ey)  
 yor yo \_ rey ),  
 kim , teng qu \_ yosh nu \_ ri tu \_ shar  
 (ey) vay ro \_ nu o \_ bod us \_ ti \_ g'a (ey)  
 yor yo \_ rey ).  
 Ne jur'at i \_ la  
 O \_ ga \_ hi (ey)

och\_gay o\_g'iz so'z der\_ga\_kim,  
 (ey) yuz hay\_li g'am qil\_  
 mish hu\_jum (yo\_re) Ul\_zor no  
 shod us\_ti\_na, (ey) (ey).

**2- амалий машғулот: Табиат ва коинот билан боғлиқ билимлар.  
Халқ томоша санъати – ижрочилик санъатининг таркибий қисми  
сифатида. (2 соат)**

**Ишдан мақсад:** Ҳар битта тингловчи ўз мусиқа йўналиши бўйича ўзининг педагогик фаолиятида номоддий маданий меросдан қай даражада фойдаланаётганлиги тўғрисида маълумот беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон композиторлари мурожаат этаётган замонавий мусиқий жанрлар таҳлил этилиб, шу йўналишда самарали фаолият олиб бораётган композиторлар ичидан ўз ижодий фаолиятида миллий куй ва қўшиқлардан яхши фойдаланаётганлари саралаб олинади ва уларнинг ижоди ўрганилади. Тингловчиларнинг тавсиясига кўра бир неча турли жанрларда яратилган мусиқий асарлар ноталари (агар имкони бўлса ауди ёки видео вариантлари билан) муҳокама қилинади ва композиторнинг халқ куй ва қўшиқларидан фойдаланиш услуби ўрганилади. Имкони бўлса, тингловчилар ичида битта халқ куйи ёки қўшиғини бир неча хил жанрда фойдаланиш бўйича кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулот ўтказиш ҳам мумкин.

**Мақсаднинг қўйилиши:** Амалий машғулотдан кўзланган мақсад тингловчилар ўз педагогик фаолияти даврида ўз талабаларига халқ куй ва қўшиқларидан самарали фойдаланиш услублари ва йўлларини ўргата олиш кўникмасини етказа билишини таъминлашдан иборат.

**Мисол сифатида бериладиган қўшиқлар ноталари:**

# Ҳамал келди

Ш.Раҳматуллаев шеъри  
С.Қурбонов мусикаси

Ўргача



Ўғил



Қизлар



Ўғил



Қиз



Ўғил



Қиз



Ўғил



Қиз



Ҳамал келди, Наврўз деган фармон келди. баҳор сепи – гуллар хирмон-хирмон келди.  
Моможонлар сумалакни пиширинглар, дилда қувонч, лабда қулги-хандон келди.

Гул яшариш ҳаётга бош йўриқ букун, гулладилар нок, шафтоли, ўрик букун.  
Дуо қил эй дилинг, кўзинг, сўзинг билан, Наврўз олам тирикликка кўрик букун.

## Сумалак

Ш.Раҳматуллаев шеъри  
С.Қурбонов муסיқаси

**Қувноқ**

Кай - во - ни - лар буг - до - йи - ни ун - ди - ра - ди. Ке - лин - чак - лар  
у - ни ту - йиб тин - ди - ра - ди. Ўс - пи - рин - лар су - ма - лак - ка  
ў - чоқ қа - зар Ча - ван - доз - лар о - хи - ри - ни эн - ди - ра - ди.  
Ба - ҳор та - о - ми су - ма - лак, Нав - рўз ка - ло - ми су - ма - лак.  
Қир бе - ти - да қир - қин қиз - лар қа - тор, қа - тор. Бўз бо - ла - лар  
кенг да - ла - да о - шиқ о - тар. У - юр - лар - да ай - гир, би - я  
тув - ла - ша - ди. Қу - лун - той - лар ша - мол - дан тез қув - ла - ша - ди. **Нақорат**

Кайвонилар бугдойини ундиради,  
келинчаклар уни туйиб,  
тиндиради.  
Ўспиринлар сумалакка ўчоқ қазар,  
чавандозлар охирини эндиради.

Нақорат  
Баҳор таоми сумалак,  
Наврўз каломи сумалак.

Қир бетида қирқин қизлар қатор-қатор,  
бўз болалар кенг далада ошиқ отар.  
Уюрларда айғир, бия тувлашади,  
қулунтойлар шамолдан тез қувлашади.

Нақорат  
Баҳор таоми сумалак,  
Наврўз каломи сумалак.



## Желагим

Халқ сўзи  
С.Қурбонов мусиқаси

Қувноқ



Якка



Нақорат

Желагим, хо желагим,  
ҳосил бўлсин тилагим.  
Сени кийсам келади,  
ўйнаб-ўйнаб куйлагим.

Желагинг учар елда,  
чилвир чакмоғинг белда.  
Кўзинг олма теради,  
муддаонг нима дилда.

Желагим алачадан,  
суйганим Қўрғончадан.  
Желак кийиб юраман,  
келишим Бешарчадан.

Қўрғончада суйганинг,  
Бешарчада куйганинг.  
Қиз танлашми юрт кезиб,  
желагингга туйганинг.

Ҳе..й! Сурхонимнинг тови бор,  
товларида ови бор.  
Желагимга ярашган,  
алачадан бови бор.



Накорат

## Чўпон дуэти

Халқ сўзи

С.Қурбонов мусиқаши

Қувноқ

Ўғил

Қўн-ғи-рот эл - да қўй боқ - ди - мо, бўй-ни - га қўн-ғи-роқ тақ - дим.

О-шиқ бўл-дим ў - зин - га - ё қо-шинг би-лаи қў-зин - га.

Қиз

Қо - ши-миз қа - лам а - ка - жон, о - шиқ-лик а - лам а - ка - жон.

Бў-йим-га тенгмас бў-йин - гиз - а, се-пим-га ет-мас қў-йин - гиз.

Ўғил

Ё - ни-ба кел-дим э - линг - да - на, Сув-са - ба кел-дим чў-линг - дан.

Бир-ғи - на ко - са сув бер - ги - на, тол хи-вич-да-йин қў-линг - дан.

Қиз

Сув бе - ра - ма - на са - воб - га, ко - са бе - ра - йин та - воб - га.

Бир-ғи - на ки-лиқ бош-лай - си - за, би - ла - гим-да - на уш-лай - сиз.

Ўғил

А - ла - ча тўн-ни кий-май - ман, а - ла - ча қоп-га ўх-шай - тиб.

Бош-қа ёр - ни - я де-мас - ма - но сиз-ғи- на - ни - я қақ-ша - тиб.

Биргаликда

Ҳа - зил - ни қў-йинг куй - лай - лик. Ал - ёр - ни ай-тинг ўй - най - лик.

О - на юр - ти - миз тинчбўл - си - но, бир - га қў - ши - либ қув - най - лик.

**Йигит:** - Кўнғирот элда қўй боқдим-а, бўйнига кўнғироқ тақдим.  
Ошиқ бўлдим ўзингга-я, қошинг билан кўзингга.

**Қиз:** - Қошимиз қалам акажон, ошиқлик алам акажон.  
Бўйимга тенгмас бўйингиз-а, сепимга етмас қўйингиз.

**Йигит:** - Ёниб-а келдим элингдан-а, сувсаб-а келдим чўлингдан.  
Биргина коса сув бергин-а, тол хивичдайин қўлингдан.

**Қиз:** - Сув бераман-а савобга, коса берайин тавобга.  
Биргина қилиқ бошлайсиз-а, билагимдана ушлайсиз.

**Йигит:** - Алача тўнни киймайман, алача қопга ўхшатиб.  
Бошқа ёрни-я демасман-о, сизгинани қақшатиб.

**Биргаликда:** - Ҳазилни қўйинг куйлайлик, алёрни айтинг ўйнайлик.  
Она юртимиз тинч бўлсин-а, бирга қўшилиб қувнайлик.

## Сумалак қайнагани

Халқ кўшиги

Тез



Накорат



## Нақорат

Сумалак қайнагани, қайнагани,  
жўралар яйраб келинг ўйнагани.

Ҳей! Сумалак баҳор ғурури,  
сумалак Наврўз сурури.  
Сумалак диллар шуури,  
келгуси йил ё насиб.

## Нақорат

Ҳей! Сумалак оши йилбоши,  
сумалак сойларнинг тоши.  
Жўралар олинг талошиб.  
келгуси йил ё насиб.

## Нақорат

**3- амалий машғулот: Буюк Ипак Йўлининг фольклор санъатининг ривожда тутган ўрни. Фольклор санъатини тарғиб этиш масалаларида давлат сиёсати. (4 соат)**

**Ишдан мақсад:** Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши халқаро муносабатлар ривожда муҳим аҳамиятини ўрганиш. Унинг тармоқлари нафақат савдо-иқтисодий алоқаларга, шунингдек, маданий мулоқоти ҳақида.

**Мақсаднинг қўйилиши:** Мазкур мавзу адабиётларда етарлича таҳлил этилган. Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўрта Осиё Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарқ худудларига турли динларнинг тарқалишида (буддавийлик, зардуштийлик, монийлик, христиан) катта ўрин тутган. Мазкур динлар маънавият ривожда муҳим аҳамият касб этган. Қўшни ўлкаларга ёзув (суғд, парфия ёзуви) ва янги мусиқа асбобларининг кириб бориши Ўрта Осиё таъсирида рўй берди. Хитойда VII-VIII асрларда бухоролик, самарқандлик, чочлик мусиқачилар машҳур бўлган. Минтақанинг ўзида толерантликнинг ривожланиши маданиятнинг кўп хиллигида ва диний бағрикенглигида ўз аксини топган. Мисол тариқасида, Сурхондарё воҳасида турли шаклдаги ёзув намуналари аниқланган. Оромий ва юнон ёзувлари асосидаги бақтрия ёзуви, юнон ёзуви, ҳинд-кхароштхи ва брахма ёзувлари шулар жумласидан. Шунингдек, кўҳна Термизда, Фаёзтепа ва Қоратепанда Будда ибодатхоналари,

Далварзинтепада Будда ибодатхонаси ва ҳайвонот олами илоҳаси Нана ибодатхонаси (кушонлар даври) ҳамда қадимги шаҳар теварагида зардуштийлар мақбараси – новус ўрганилган Бундай ҳолат минтақанинг турли вилоятларида намоён бўлган.

Марғиёнанинг Марв шаҳрида антик даври ва илк ўрта асрларга оид археологик ва ёзма маълумотларга кўра, монийлик, яҳудийлик, христианликнинг оқими насронийлик ва буддавийлик динлари ривож топган. Улар билан бирга, маҳаллий эътиқодлар она илоҳи ва оловга сиғиниш тарқалган. Бундан кўриниб турибдики, Марвда маҳаллий аҳоли билан биргаликда яҳудийлар, буддавийлик ва христиан дини тарғиботчи – қоҳинлари ва бошқа халқларнинг вакиллари яшаганлиги эҳтимолдан холи эмас. Жанубий Оролбўйи Хоразм воҳасида ҳам эътиқодлар ва диний қарашлар турлича бўлган. Зардуштийлик ва ҳосилдорлик эътиқоди, оловга, аждодлар руҳига ҳамда ўлиб бораётган ва жонланаётган табиатга сиғиниш шулар жумласидан. Олов ибодатхоналари мил.авв. V асрга оид Катта Ойбўйирқалъа ва Хумбузтепада, ҳосилдорлик эътиқоди билан боғлиқ ибодатхоналар Қуйиқирилганқалъа ва Қалъалиқир 2 да (мил.авв. IV-II асрлар) топиб текширилган. Илоҳалар тасвири Элхарас ибодатхонасида аниқланган (мил.авв. V-IV асрлар чегараси). Тупроққалъа сарой-ибодатхонасида (милодий III аср) шоҳлар аждодлари руҳларига таъзим қилиш анъаналари сарой ҳайкаллари тасвирларида ўз аксини топган. Ҳукмдор – аждодлар мавзуси Оқшаҳонқалъа деворий рангтасвирларида ҳам мавжуд (мил. авв. II-I асрлар). Хоразм, Суғд ва Бактрия ҳудудларида, бактрия ёзувларидан маълум “Вахшубаго” (Вахшу худоси), хусусан, Амударё билан боғланган сув ва дарё эътиқоди тарқалган, шунингдек, худо-чавандоз Сиёвуш ва “шоҳ-чўпон” (Кубодшоҳ) сиймолари билан боғланган эътиқодлар ҳам ривожланган. Наршахий Сиёвушнинг Бухорода “сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасига” дафн этилиши ва бу жойнинг зиёратгоҳга айланиши ҳақида шундай ёзади: “Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз куни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди”. Ўрта Осиё қадимий аҳолисининг дунёқараши ва маънавияти ривожланиши даражаси турлича санъат намуналарида ифодаланган (ҳайкалтарошлик, деворий рангтасвирлар, оссуарийлар тасвирлари).

Улар кўп ҳолларда минтақа халқлари маданиятининг умумумийлигидан далолат беради. Қадимги давр ва илк ўрта асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида толерантликка оид талайгина мисоллар келтириш мумкин. Бу борада турли дин ва эътиқодлар тарафдорларининг яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланмаган. Улар шаҳарлар умумий ҳудудий гузарларида жойлашиб, турли

касб-ҳунар соҳалари билан шуғулланиш имкониятига эга эди. Одамлар ўз диний байрамлари ва маросимларини эркин амалга оширишган. Зардуштийларнинг оташгоҳлари, буддавийлик, христиан ва яхудийлик ибодатхоналарининг ёнма-ён қурилиши ман этилмаган. Бошқа эътиқодлар ва ўз маъбудаларига сиғинган кишиларга нисбатан душманлик кайфияти ҳамда ирқий нафрат мавжуд бўлмаган. Шу боис, илк ўрта асрларда Чоч, Фарғона водийсида ва Еттисув воҳаларида буддавийлик дини ва христианлик таълимоти тарқалади.

Суғдийларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқий Туркистон ва Узоқ Шарқ ҳудудларига миграциялари туфайли, Хитойдаги Чанян, Лоян ва Кайфан шаҳарларида оташгоҳлар, яъни олов ибодатхоналари бунёд этилган. Қадимги давр ва илк ўрта асрларда турли эътиқод ва диний қарашлар доимо бир-бирига таъсир қилган ва ўзаро бойиган. Суғдийлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, чочликлар ва фарғоналиклар ўзга қабилалар ва элатларга маданий ютуқларни етказишда муҳим ўрин тутган. Халқаро маданий мулоқот дунёқарашнинг янги асосларда ривожланишига замин яратган. Маънавий маданият тараққиёти даражаси бетакрор санъат намуналарида ифодаланган. Санъат обидаларида эзгулик, яратувчанлик ва гўзалликка интилиш ўз аксини топган

## V. КЎЧМА ДАРС МАШҒУЛОТЛАРИ

## 1- КЎЧМА МАШҒУЛОТ: БОЛАЛАР ФОКЛОР НАМУНАЛАРИНИ ЁЗИБ ОЛИШ ВА НАШР ЭТИШ

Аввалдан режалаштирилган ҳолда тингловчилар орасида номоддий маданий мероснинг соҳалари боълинади ва ҳар битта тингловчи мусиқа фанларини оёқитишда номоддий маданий мерос ва барқарор тараққиёт ва оъзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналарини ўрганиш мақсадида соҳа етук фаолият олиб борган ташкилотга ташриф буюрадilar. Тингловчилар томонидан соҳага оид болалар фолклорининг ўзига хос хусусиятлари, Болалар кўшиқлари ва уларни ёзиб олиш принциплари, Алла кўшиқлари ва уларнинг ёзиб олинган боълиб, камраб олинмаган тур ва жанрлар муҳокама этилади ва тоълдирилади.

Ўзбек болалари ўзларининг хилма-хил ўйинлари ва ранг-баранг жанрдаги кўшиқ репертуаларини яратганларки, уларда болаликнинг қалб тебранишлари, қизиқиш ва эҳтирослари, воқеликка муносабатидаги ўзига хосликлари, психологияси балқиб туради. Болалар шулар билангина чекланмаганлар; ижтимоий-тарихий тараққиёт тақозоси билан катталар репертуарига дахлдор айрим фолклор ҳодисаларини ўзлаштириб – “ўзлариники” қилиб борганлар. Бугунги кунда топишмоқлар, тез айтишлар ва кўғирчоқ театрининг том маънода болаларники бўлиб қолгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Ана шу тахлитда ўйинлар, кўшиқлар, оғзаки наср, муқаллид ёки оғзаки театр тарзида тармоқланган ва ўзаро чамбарчас боғланиб, бир бутунлик ҳолатига кирган ўзбек болалар фолклори шаклланиб улгурган.

1. Кўшиқлар. Болалар ижодкорлиги ва ижрочилигида салмоқли мавқега эга бўлган кўшиқлар табиатида кўра лирик ва ҳажвий моҳиятга моликлиги билан ажралиб туради:

а) оналар аллаларидан ритмик уқуви шакллана бошлаган кичкинтойларда 2-5 яшарликларидаёқ ўз хатти-ҳаракатлари ва ўйинларини ритмик жиҳатдан баҳолаш ва бошқариш майли туғилади. Бу шунчаки баҳолаш ва бошқаришгина бўлмай, уларнинг ўша хатти-ҳаракатлари, ўйинларидаги ҳаётий мазмунни ритмга солишдан иборат поетик кўтаринкилик ҳисобланади. Шу сабабли улар шовқин солиб айтилади ва аксар ҳолатларда икки сатрдан ошмайди. Товушлар шовқинининг ритмик гармонияси ҳосиласи сифатида тўқилган бундай қиқилламалар болалар ижрочилигида илк поетик акт ҳисобланиши билан қимматлидир.

Турли ёшдаги болаларнинг воқйеликка поетик муносабатлари чуқурлашгани сайин улар ижод ва ижро этган кўшиқлар ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан теранлашиб, такомиллашиб боради. Шу зайлда учлик, тўртлик,



бешлик, олтилик ва саккизлик шаклидаги кўшиқлар юзага келган. Айниқса, тўртлик шакли болалар репертуарида кенг тарқалган. Шунингдек, композицион жиҳатдан диалог негизида қурилган кўшиқлар ҳам анчагина. Одатда, улар айтишувлар (айтишмалар) ҳам дейилади. Ҳажман анчайин катта воқеабанд кўшиқлар ҳам бор. Хуллас, лирик кўшиқлар қандай ҳажм ва шаклда бўлишидан қатъий назар болалар ёши ва савияси даражасида ижтимоий воқеликка поетик муносабат ифодаси сифатида яратилганлиги билан характерланади.

б) болалар ҳам ҳазил-мутойибага алоҳида рағбат билан қарашади. Бир-бирларида табиий ёки маънавий қусур ҳамда камчиликларни пайқашган заҳотиёқ тап тортмасдан, аяшмай, аввалига номга қофиядош лақаб топиб, кейинроқ – жараён чуқурлашгани сари шу лақабнинг оҳангдошлигига омухта ритмга уйғунлашган ҳазилни чуқурлаштириб мазах қилишади, тегишади, ҳатто ота-оналаридаги ножўя хатти-ҳаракатларни ҳам боплаб юзларига солишади.

Болалар, ақл-идроклари тўлиша ва теранлаша боргани сайин, ижтимоий воқеликка ҳам фаолроқ муносабатда бўлишга ҳаракат қиладилар. Шу жараёнда пайқаган ижтимоий иллатларни масхаралаш даражасида ўзларида журъат сеза бошлайдилар. Ана шундай таассурот замирида уларнинг фольклор бисотида ҳажвий ёки сатирик ва юмористик кўшиқлар силсиласи юзага келган.

2. Ўйинлар. Булар болалар фаолиятида алоҳида рол ўйнайди ва болалар ўйин фольклори сифатида махсус гуруҳни ташкил этади. Қолаверса, ўйинларнинг ўзи ҳам ҳаракат мақсадига кўра икки катта гуруҳга бўлинади:

а) ҳаракатли ўйинлар. Маълумки, болаларнинг бундай ўйинлари асосини ҳаракат ташкил этади. Аммо ҳаракат эса ўз-ўзидан воқеликка айланмайди, унинг юзага келишида тақлид, нарса (предмет) ва поетик сўз восита вазифасини ўтайди. Шу хусусиятига кўра ҳаракатли ўйинларнинг уч ички типини ажратиш мумкин:

- тақлид негизида қурилган ҳаракатли ўйинлар;
- нарса ёки ўйинчоқлар ҳаракатни бошқарадиган ўйинлар;
- поетик сўз ҳаракатни бошқарадиган ўйинлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, болалар ижрочилигида ўйинлар кўшиқлар билан зийнатлангани туфайли фавқулодда эстетик моҳият касб этган. Зеро, кўшиқ ҳаракатдан иборат ўйинларнинг ажралмас узвий қисми сифатида уларнинг мазмундорлигини тўлдиришга хизмат қилган, аниқроғи, кўшиқ болаларни ўйинга чорлайди, ё улар ўйинига муқаддима бўлади, ё ўйин учун шарт вазифасини ўтайди. Бундай вазиятда у ўйиннинг дебочасини ташкил қилади, ё ўйиндаги ҳаракатнинг йўналишини белгилаб, драматик

холатни юзага келтиради, ё ўйинга яқун ясаб, иштирокчиларни тарқалишга даъват этади. Бундай кўшиқлар ўйиннинг таркибий узвий саналади. Чунки уларда бутун ўйин жараёни зухур топмайди. Чорламалар, чеклашмачоқлар, санамалар, шунингдек, ўйиндаги ҳаракатни бошқарувчи бадихалар ва тарқалмачоқлар шундай характерга эга.

б) маънавий ёки сўз ўйинлари. Болалар сўз билан ўйнаб, маънавий камолот пиллапояларидан илдамлайди. Бола ўз камолотининг илк босқичида сўз маъносини англашдан йироқ туради. Бироқ сўзнинг сеҳрли оламига у билан ўйнаб туриб кира боради. Оналар аллаларининг назокатли оҳанги билан танглайи кўтарилган болакай энди товушларнинг мўжизакор оҳангларидан ҳузурлана бошлайди. Энг муҳими, шундай ҳузурланиш завқини ўзи учун ўзи кашф этишга интилиб, аста-секин сўзлар ҳосиласидан туғилган ритмларнинг ҳаракатга ёки фикрга уйғун тароватидан маъно уқишга майли кучая боради. Катталар болалардаги бу маънавий эҳтиёжни қондиришни кўзлаб, қачонлардир топишмоқ тез айтиш сингари сўз ўйинларини ўйлаб топганлар. Болаларга булар ғоят мақбул тушди ва уларни чинакамига ўзлаштириб, ҳатто “ўзлариники” қилиб олдилар. Аини чоқда ўзлари ҳам гулдур-гупларни, бир-бирларини сўзда чандишни чинакам маънавий ўйин даражасига кўтардилар, шунингдек, сўзларни синдириб маъно уқиш машқларидан иборат сирли яширин тилнинг хилма-хил кўринишларини ўйлаб топдилар.

Аллалар бешик кўшиқларининг кенг тарқалган анъанавий жанри ҳисобланади. Жаҳонда бирор халқ, миллат ёки элат йўқки, уларнинг ўз алласи бўлмаса...Русларда “байки” ёхуд “баюшки” деб юритилувчи бундай кўшиқлар туркманларда “хувдилар”, татарларда “алли-балли”, қорақалпоқларда “ҳайеў-ҳайеў”, туркларда “нини-нини”, форсларда “ло-ло”, инглизларда “срадлесонг луллабй”, немисларда “виегелиег”, франсузларда “берсеусе”, ўзбек ва тожикларда “алла” ва “алло” атамалари билан машҳурдир. Бинобарин, алла жаҳон оналарининг меҳрга йўғрилган бир қадар фараҳбахш, аммо ўрни билан эса бир қадар маъюс, муқаддас кўшиғидир.

Аллалар, одатда, болаларнинг эмизикли давридан то уч ёшни тўлдиргунига қадар айтилади. Уларнинг ана шу ёш билан боғланиши қатъий бўлиб, бу хусусият фақат бешик кўшиқларигагина хосдир. Шу сабабли аллаларни она сути билан боғлашлари бежиз эмас. Ҳа, аллада она сутининг тиниқлиги, покизалиги бор. Унинг мўтабарлиги шундан. Бунга чақалоқнинг маъсумлиги, поклиги, бегуноҳлиги, безаволлиги, мусаффолиги ва норасталиги кўшилиб, аллалар яна бир қадар муқаддаслаштирилган. Натижада аллалар бора-бора “ҳақ кўшиғи” сифатида илоҳийлаштирилган:

Аёллар аллалари. Булар асосий кўпчиликни ташкил этади ва жанр табиатини таҳлил қилишга оид барча намуналар шу типга мансуб.

2)Еркаклар аллалари. Булар ҳуялар деб юритилади. Бу ҳақда дастлаб Ғози Олим Юнусов 1926 йилда «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 4-сонида босилган «Аллалар ҳақида сўз» мақоласида эслатган эди. Ҳоди Зариф эса, Ғ.О.Юнусовнинг ўша даврлардаёқ ҳуяларнинг бир неча яхши намуналарини ёзиб олганлиги ҳақида гувоҳлик берса-да, бу матнлар тақдири ҳанузгача номаълумлигича қолиб келаётир. Оқибатда бугунга қадар ҳуяларнинг аллалардан фарқли хусусиятларини муайянлаштириш эътибордан четда қолаётир. Бунинг яна бошқа бир сабаби шундаки, аллалар Хоразмда «ҳйей», қорақалпоқларда «ҳйейя-ҳйейя» ва туркманларда «ҳувди» тарзида аталганидан истилоҳлар ўхшашлиги юзага келганлиги туфайли фолклоршуносликда ўзбеклардаги аллаларга иқрорлик ва ҳуяларга иштибоҳ билан қараш ойинга айланган.

Ҳолбуки, аллалар ҳам, ҳуялар ҳам ўзбеклар орасида қадимдан куйланиб келади. Эндиликда мотам аллалари силсиласида аёллар ижрочилигида куйланадиган ҳуялар борлиги аниқланди. Рост, ҳуяларни, асосан, оталар ва боболар куйлайдилар. Улар чорвачилик билан шуғулланувчи ўзбеклар орасида кенг тарқалган. Буни уларнинг мазмуни ҳам тасдиқлайди:

Ҳуя, болам, ҳуянг қани?  
 Буванг берган туянг қани,  
 Буванг берган туянг бўлса,  
 Боқиб юрганларинг қани?  
 Боқиб юрган туянг бўлса,  
 Адиринг-чўлларинг қани?  
 Ҳуя, болам, ҳуя!

Чиндан-да, аёллар уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлган пайтда чақалоқни овутиш, ухлатиш эркаклар зиммасига тушган. Шундай кезларда улар болани тиззаларига олиб, тебратиш маросимига мос оҳангда ҳуя куйлаб, болага уйқу чорлаганлар .

Аллалар поетик пафосига кўра лирик ва юмористик руҳда бўлади. Лирик аллалар асосий кўпчилиқни ташкил этади. Улар мавзу-мотив моҳиятига кўра авайловчи, маиший ва тарихий йўналишга эга. Уларнинг маросимга алоқадор намуналари ҳам мавжуд. Асосан, мотам аллалари деб юритилувчи бу туркумнинг ўлим аллалари- марҳум тилидан айтиладиган аллалар, чақалоқ ўлганда садр тушиб айтиладиган аллалар сингари йиғи типлари ва йўқлов аллаларидан иборат ички хиллари аниқланган .

Авайловчи аллалар анча кенг тарқалган бўлиб, асосан, болаларни эркалаш, уларни ўраб олган муҳит билан таништириш, фақат ўзларигагина боғлиқ бўлган нарсаларни поетик таърифлай туриб, бола тақдирини орзулар силсиласида кўриш мотивларига лиммо-лим. Бу жиҳатдан, айниқса, бола

бешигининг поетик таърифига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим. Ахир бешик-гўдакнинг уйи-да, у шу бешикдагина ором олиши, шундай пайтларда эса, она ўз юмушларини амалга ошириши мумкин.

Ўзбеклар қадим замонлардан бери бешикнинг қанақа материалдан ясалишига, пардозига алоҳида эътибор берганлар; ўтмишда уни, асосан, тут, ўрик ва ёнғоқ каби мевали дарахтлардан ясаганлар. Бешикнинг мевали дарахт танасидан ясалишига инсоннинг сермева-кўп фарзандли бўлишига оид истакни рамзан назарда тутганлар.

Алланинг оти ҳақдир,

Ҳақдан дилаклар

кўпдир, етирса

дилагимни, алла,

Ўлсам армоним йўқдир.

Қоракўллик 75 яшар Зухра биби Қиличова ўз армонларини аллада ана шундай куйлайди. У бизга она-ю бувилари ҳам шундай аллани куйлашганини, бу аллани аслида бувижонидан ўрганганини, бинобарин, бу ёдгор кўшиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Назорат саволлари

1. Болалар фолклорининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
2. Алла кўшиқларининг бадиияти ҳақида нималарни биласиз?
3. Эркаклар аллалари нима деб номланади ва улар қандай ижро этилади?

## VI. КЕЙСЛАР

## VI. КЕЙСЛАР

**Қуйидагилар ичидан фақат ижрочилик санъатигагина тааллуқли элементларни кўрсатиб беринг:**

- Аския
- Рақс
- Достон ижрочилиги
- Чолғу ижрочилиги
- Лапар
- Ялла
- Дорбозлик
- Қўғирчоқбозлик
- Алла
- Мақом ижрочилиги
- Мақом мусиқаси
- Лазги мусиқаси
- Тановар куйи
- Халфачилик
- Морбозлик

**I. Қуйида берилган номоддий маданий мерос соҳаларига хос элементларни аниқланг:**

1. Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари
2. Ижрочилик санъати
3. Урф-одат, маросим ва байрамлар
4. Табиат ва коинотга оид билим ва кўникмалар
5. Анъанавий ҳунармандчилик

**II. Қуйидаги берилган рўйхат ва Реестрга Ўзбекистондан қайси мерослар киритилганлигини аниқланг:**

Репрезентатив рўйхат

Зудлик билан муҳофаза қилинишга мухтож номоддий маданий мерос рўйхати

Энг яхши тажрибалар Реестри

**IV. Қуйида кўрсатилган ҳудудларга хос номоддий маданий мерос элементларини ва уларнинг қайси соҳага ҳослигини айтиб беринг**

Қорақалпоғистон

Тошкент шаҳри

Наманган вилояти  
Андижон вилояти  
Фарғона вилояти  
Жиззах вилояти  
Самарқанд вилояти  
Навоий вилояти  
Бухоро вилояти  
Хоразм вилояти  
Қашқадарё вилояти  
Сурхондарё вилояти  
Сирдарё вилояти  
Тошкент вилояти

**V. Қуйидаги мусиқа намунасини эшитиб, унинг қайси ҳудудга хослиги ва қайси чолғуда ижро этилганини аниқланг.**

- Яллама ёрим
- Лазги
- Тановар
- Мавриги
- Сувора
- Лапар
- Ялла
- Чўпонча
- Бухорча
- Халфа қўшиғи
- Чипра далли
- Ўзганча
- Қашқарча
- Ёр-ёр

## VII. ГЛОССАРИЙ



## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги изоҳи	Инглиз тилидаги изоҳи
маданий мерос	моддий ва номоддий маданий мерос йиғиндиси	the sum of tangible and intangible cultural heritage
моддий маданий мерос	Моддий қийматга эга маданий мерос	Cultural heritage with material value
номоддий маданий мерос	Оғзаки тарзда аجدодлардан авлодларга узатиладиган мерос	Inherited from ancestors to generations orally
Конвенция	Халқаро миқёсда келишув, битим тури	International agreement, type of agreement
Оператив йўриқнома	Конвенцияни амалга татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар тўплами	A set of guidelines for the implementation of the Convention
Репрезентати в рўйхат	Номоддий маданий мерос конвенциясининг намоёниши этиш, кўрсатиш мақсадида тузилган рўйхати	List of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage
Энг илғор тажрибалар реестри	ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос муҳофазаси борасида эришилган энг яхши тажрибаларни қайд этиш ҳужжати	A document recording UNESCO's best practices in the field of intangible cultural heritage protection
ҳамжамият	Бир мақсадни кўзлаган ёки бир ҳудудда жойлашган ҳолда уюшган жамият	An organized society with a purpose or located in a region
муҳофаза	Номоддий маданий меросни асраш, сақлаш, муҳофаза қилиш, тарғиб этиш маъносида қўлланилади	It is used in the sense of preservation, preservation, protection, promotion of intangible cultural heritage
Бош Ассамблея	Номоддий маданий мерос борасидаги Конвенцияни бошқарувчи энг юқори ташкилот	The highest governing body of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage

Хукуматлара ро Кўмита	Иштирокчи-давлатлар орасидан 4 йил муддатга сайланадиган бошқарув кўмитаси	A Steering Committee elected from among the States Parties for a term of four years
номоддий маданий мерос соҳалари	Номоддий маданий мерос намоён бўладиган соҳалар	Areas where intangible cultural heritage is manifested
ижро санъати	Саҳна (давра, майдон ва бошқа)да ижро этиш учун мўлжалланган номоддий маданий мерос намуналари	Samples of intangible cultural heritage intended for performance on stage (circle, field, etc.)
урф-одат	Маълум бир муҳитда тартибга солинган ва риоя қилинадиган ҳаракатлар мажмуи	A set of actions that are regulated and followed in a particular environment
маросим	Ёзилмаган қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказиладиган тадбир	An event held in accordance with unwritten rules
хунармандчилик	Инсон эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни анъанавий билимлар асосида ишлаб чиқариш	Production of products necessary for human needs on the basis of traditional knowledge
кандакорлик	Металл билан ишлашга йўналтирилган хунарманчилик йўналиши	Craft orientation focused on working with metal
бесуякбозлик	Инсон танасининг букилувчанлик мқониятларини намоёиш этиш жанри	A genre that demonstrates the flexibility of the human body
достончилик	Достонларни ижро этиш	Playing epics
халфачилик	Хоразм ҳудудида тарқалган, аёллар томонидан ижро этиладиган кўшиқ ижрочилиги жанри	A genre of singing performed by women, spread in the Khorezm region
сувора	Қадимда отликлар томонидан ижро этилган, ҳозирда цикл сифатида шаклланган ашула жанри	A genre of song performed in ancient times by horsemen, now formed as a cycle

## VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг

малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш” тўғрисидаги Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ–6000-сон Фармони.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. Ўзбекистон номоддий маданий мероси рўйхати. Hilol nashr MChJ, Toshkent, 2016 у.

19. Intangible cultural heritage of Uzbekistan (Ўзбекистон номоддий маданий мероси). ICHCAP, ICAS, YUNESKO ishlari bo`yicha O`zbekiston Milliy Komissiyasi nashri. Mega Basim, 2017 у. <https://www.unesco-ichcap.org/publications-archive/intangible-cultural-heritage-in-uzbekistanuzbektili/>

20. Номоддий маданий мерос ва барқарор ривожланиш. ЮНЕСКО нашри

21. Номоддий маданий мерос ва гендер масаласи. ЮНЕСКО нашри

22. What is intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH

23. Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage. Published by UNESCO and ICH

24. Implementation of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage. Published by UNESCO and ICH

25. Working towards a Convention. Published by UNESCO and ICH

26. Questions & Answers. Published by UNESCO and ICH

27. Identification and inventory of intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH

28. Domains of intangible cultural heritage. Published by UNESCO and ICH

29. Fact sheets. Published by UNESCO and ICH

### **Г. Интернет сайтлар**

1. <http://edu.uz>

2. <http://lex.uz>

3. <http://bimm.uz>
4. <http://ziyonet.uz>
5. <http://www.dsmi.uz>
6. <http://music.edu.ru/catalog>
7. <http://artyx.ru/>
8. <https://www.unesco-ichcap.org/publications/>
9. <https://www.ich.uz>

## VIII. ТАҚРИЗЛАР